

Хусан  
ӘРМАТОВ


ОВОРДА

**Хусан ЭРМАТОВ**

# **ОВОРА**

**Қисса, эссеар ва таржималар**

33947



**"Noshirlik yog'dusi"**

**Tошкент – 2015**

**84 (5Ў)7**

**Э80**

**КБК 84(5Ў)7**

Таниқли журналист Хусан Эрматов кўп йиллардан бўён турли жанрларда қалаб тебратиб келади. Унинг долзарб мавзулардаги мақолалари, телекўрсатувлари, хикоялари, жаҳон адабиётидан қилган таржималари кўпчиликда илиқ таассурот қолдирган.

Муаллифнинг ушбу китобдан ўрин олган ижод намуналари ҳам сизга манзур бўлишига ишонамиз.

**ISBN 978-9943-310-70-4**

© “Noshirlik yog'dusi” нашриёти – 2015.

© Хусан Эрматов — 2015.

## ОВОРА

### ёхуд кечувдаги одам қиссаси

“Юрагим бўм-бўш... Бу номанг етиб келган, уни ўқиганимдан кейинги ҳолат. Энди бўм-бўш қалб билан, ёқимли овозинг, меҳрибончилигингиз яшашга маҳкумман! Ахир баъзида, ҳа, баъзи-баъзида дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетганида биргина сендан юпанч топардим. Энди-чи? Мени ҳозир шабада ҳам йиқитиши мумкин. Шабада!!! Худди ниначидек, балки капалакдек тош босадиган, жуда енгил, зоғи йўқ нарсага айланиб қолдим чамаси”.

Баҳром шу сатрларни ёзди-ю, ҳовлидаги сув жўмрагини бураб, юзини ювди.

Нега ювди?..

Қизиб кетганиданми ёки сув билан бирга гуноҳлари ҳам тўкилиб кетишини ўйладими? Эҳтимол, ўғли, хотини, меҳмонга келган қайнисидан ўзини олиб қочишини ўйлагандир, хуллас, ўн марталар бетига сув пуркади. Сачратиб-сачратиб пуркади.

Газетадаги обрўси яхши. Оиласи, гулдай хотини бор.

Тўғри, жанжалсиз уй йўқ, йилда бир-икки ғиди-бидилар бўлиб туради. Нолиса худбинлик бўлади-ю, мана, шунча йил ўтибдики, хотини бирон марта кўнглини оғритмади. Ота-онасиникига олти ойда бир боради ёки йўқ. Қўли ширин – пазанда. Қизи Нозима йиғлоқи бўлганидан озиб-тўзиб тамом бўлди. Ҳали тўртга чиқмади-ю, энди бу қизалоқ ҳаммага гап ўргатган, койиган. Боланинг ширинлиги шу бўлса керак-да. Кеча бозорда тарвуз олаётуб Нозиманинг: “Адажон, тарвуз оманг, хом чиқаяпти” деган гапига сотувчиям роса кулди.

Бола-да, уйида тарвузларнинг бири оппоқ чиқиб, кимдир бу йил кўпи хом чиқаётганини айтган экан. Шуни илиб олибди.

Нозима Баҳромнинг иш столи олдида ўйинчокларини ўйнаб ўтирибди. Гоҳи-гоҳида нималарнидир сўрайди. Билмайдики, дадажонисининг кўнглида...

– Нимадир ёзсан, енгиллашаман.

Баҳром шундай ўйлади. Аммо юракда бирор нима бўлса ёзсан-да. У бўм-бўш-ку!

Васила билан олти йилдан буён яқин эди. Хотини ҳам сезиб юрар, жанжалларнинг сабаби ҳам шу эди, аслида. У ҳавасни келтиргудек чиройли ва мулоҳазали жувон. Оиласидаги тушумовчиликми ёки нотенглик сабабми ажрашишган. Шундан бўлса керак, ҳамроз излаб юрганида Баҳром билан...

Улар аввал бир-бирларига лутф қилиб юришди. Кейин ишхонанинг ҳисобчиси қизини узатадиган бўлди-ю, ўша тўй кечаси икки қалб бир-бирига ташналигини сезишиди.

Вадиган дегани туман маркази. Тўй ўша ерда бўлди. Уйигача кузатиб қўйиш учун машинасида олиб кета туриб Баҳромнинг музқаймоқхўрлик таклифи бўлди-ю, шинамгина меҳмонхона биқинидаги кафеда тўхташди. Музқаймоқ билан бирга Шампан виноси очилди. Баҳром бир-икки пиёла “ок”идан ҳам олди. Василанинг илтимоси билан ошиқ-маъшуқларнинг дилроздаридан сўйлагувчи “Титаник” мусиқаси янгради. Улар рақсга тушишаркан, Василанинг белидан кучиб яқинроқ тортар, бир нималар демоққа чоғланганда, лаблар туташиб...

Бу Баҳромнинг юрагини ҳаприқтирган тун эди.

Кўпни кўрган, ўлдим-куйдимларга ишонмайдиган йигит бир қарасанг жиддий, бир қарасанг қувноқдан-қувноқ. У энди ошиғу бекарор эди.

Шаҳло кўз, хушбичим ва ниҳоятда сипо Васила Атоийнинг “тояти нозик” таърифига монанд келадигандек эди Баҳромнинг наздига. Икки фарзанд туққанига қарамай, бир гули ҳам очилмаган ғунчадек. Шу боис, ошиқлари

бисёр унинг. Ёши ўттиздан ошган бўлса-да, йигит зоти бир сукланиб қарамай кўрсин-чи! Албатта, у буни яхши билади ва роҳатланади ҳам. Аммо чиройидан манмансиниб феълини ўзгартиргани йўқ – ҳаммага бирдек. Изҳори дил қиласидиган ўнлаб йигитларга тавозе билан рад жавоби беради.

У билан ўтказган онларини энтикиб, юраги ҳаприқиб эслайди. Тўгриси, шаҳарда сиёсатидан от хуркса-да, ишкий муносабатлар ва лутф борасида Василадан кўп нарса ўрганди. Шунданми, сухбат чоғларида ўзгача ҳузурланарди. Гоҳо хушбўй ифоридан маст бўлиб, ундан бошқа аёлнинг кераги йўқдек туюларди.

Муҳаббат одамни кўр қилиб қўяркан. Ота-она, фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар кўзга кўринмай қолса...

Кўр қилгани шу-да!..

Бир сафар тонгни бирга оттириб, бу ишларнинг мусулмончиликка тўғри келмаслиги, Оллоҳдан кўрқиши кераклигини гапириб нақ балога қолди. Бу ишларни тугатайлик, оилаларимизнинг келажагини ўйлашимиз керак, дейиши Василага оғир ботганди.

– Мен-ку йигит кишиман, сен аёл, онасан, фарзандларингни эртага турмушга берасан. Мен туфайли сенинг зараринг тегишини истамайман! – деди Баҳром хайрлашаётуб.

Аммо...

О, муҳаббат!.. Қанчалар бетакрор туйғу – ҳаётнинг мазмуни.

Баҳром у билан муносабатлари бошланганидан буён бошқача бўлиб қолган. Мехрибон, юмшоқ, кийимларига эътибор билан қарайди. Илгарилари кун ора соқол оларди. Энди эса ҳар тонг қиртишлайди. Одамлар орасида сипо, камгап, доим кулиб юрадиган одат чиқарди. Худди бирор қараб тургандек, кузатиб юргандек тасаввур қиласиди.

Уни кизиқтирадиган мавзулар камайган. Асосан хаёл суради, қачон қарамант, бир нарсага тикилиб, ўйланиб ўтиради. Аввалгидек тадбиркорликка муккасидан кетмайди. Пул ҳам бирламчи эмас шу топда.

Аммо, бугун...

Наҳотки, ҳаммаси чиппакка чиқади? Ҳайҳот, бугун англадики, Василани жонидан севаркан. Усиз яшаши қийин, сүяниб қолган. Дардини ҳам, сирини ҳам фақат унга айтарди. Ўзининг хатоси сабаб муносабатлари бузилиш арафасида. Умуман тўхташи тайин. Айбдор Баҳромнинг ўзи. Васила уни кечирмайди, агарда аввалгидек бўлса! Ҳаммаси тамом бўлди-ми?!

Баҳромнинг бирор нарсани ўйлашга, бирор билан гаплашишга кайфияти ҳам, ҳуши ҳам йўқ. Бугун якшанба, дам олиш куни, ҳуллас, ҳуши йўқ дегани ростроқ бўлади. Василани ўйлайвериб тонггача мижжа қоқмади. Дунёдаги энг тубан киши тимсолида кўраяпти ўзини. Фақат Васила билан ўтган кунлар хаёлини банд этган. Бахтли кунлар, самимий сухбатлар...

Кечув ўртасида турган Баҳром қалбан фаришта деб билган аёлнинг муҳаббатига арзимаганидан ғам чекаётган эди. Шунинг баробарида, қурбонликка кучи етмаётганлигидан эзилиб борарди. Ҳа, икки қирғоқ орасида. Бир томонда – гўзаллик тимсолига айланиб улгурган Васила. Иккинчи томонда эса...

Қайнисининг ўқиши борасида сўраётган домланинг қўнгириклирига ҳам жавоб бергиси йўқ. Эртага имтиҳон, домла жўяли жавоб кутаётир. Қишлоқдан қайнотаси йўқлаяпти. Аммо, қўнглига қил сиғмайди.

Хуллас...

Қоғозларини титкилаб, эрмак учун ижодий ишлари, мақола ва хатларини саралай бошлади. Шунда, хаёли чалғирмикан?

\* \* \*

Бахромнинг тақдири аввалбошдан бошқача эди. Ёқа ушлайдиган даражада ғалати. Эсида бор, тўққизинчи синфга ўтганида бошланган эди бу файритабийлик.

Ўшандан буён Бахромга кимдир ёки кимлардир ишқий ҳаёти, дардлари, умуман сирлари ҳақида нома юборадиган, дардини достон қиласиган бўлди. Хатлар турли одамларнинг бошқаларга муносабатлари тўғрисида. Энг муҳими, ҳаммаси саводи-ю, ёзилиш услугубига қўра турлича эди. Бирлаштириб турадиган биттагина қирра бор: муаллифи яширин. Яъни, муаллифлар ўзини таништиришмайди, атайлаб мужмаллик билан тариф беришади ўзи ҳақида. Ҳатто, илмоқли гаплар келтиришади. Номаларда жўнатаётган кишиларнинг ички туйғулари қаламга олингандек. Шунга ишонарди у. Баъзиларини ўқиб, юборган йигит ёки қизга, аёл ёки эркакка ачинасан. Баъзиларидан зарданг қайнайди.

Уларни ўн-ўн беш киши йиғилиб, маслаҳатлашиб, кейин жўнатган, деб ўйлайсан. Бунчалар сирли ва пухта бўлмаса булар.

Тўққизинчи синфда ўқиганига қанча йиллар ўтибди? Тасаввур қилинг, хатлар ҳозиргача ҳам тўхтагани йўқ. Севги, хижрон, изтироб, кувонч, лаззат онлари, қалдан чиқаётган энг нозик туйғуларни уйғун этган дил номалари Бахромни ҳали-ҳалигача таъқиб этаяпти. Хатларнинг муаллифлари уни ғойибона дўст, яқин одам деб биладиларми? Унда нега юзма-юз ўтириб дардларини айтишмайди?

- Бахромжон дўстим!
- Бахром aka!
- Бахромбек!..

Шу каби мурожаатлар билан бошлашади курмағурлар. Аввалига қизиқ эди. Бирорнинг ички дардларини билиш қизиқарли туюлади-да. Ваҳоланки, улар

жуда күп бўлса-чи? Ўтган йиллар давомида дил изҳорлари битилган юздан ортиқроқ хат келибди.

Неча киши ёзган экан-а? Ўн бешдан кам эмас. Синчиклаб таҳлил қилган Баҳром шундай тахмин қилди.

Бу номалардан мақсад нима бўлиши мумкин? Уни юбораётган одам... Ким у?

Шуниси аниқки, биринчиси қарийб чорак аср аввалги тўққизинчи синф ўқувчисидан эди. Баҳром ўйлайдики, дастлабки мактубни яқин дўстлари, синфдошларидан бири ёзган. Кейин кимгадир шундай қилганини айтган. Ана, холос! Кейингилари ҳам шу шаклда занжирдай уланиб кетаверган. Демак, сирини кимгадир айтган биринчи таскин топаяпти. Шошма, қанақа таскин!? Баҳром хатларга жавоб бермаса, аниқроғи, ким ёзганини ҳам билмаса! Тавбангдан кетай, қандай таскин бўлиши мумкин бу ерда?

Курғур, жуда ғалати. Ғалатики, ҳамма номанинг санаси бор. У куни яна бир бор кўздан кечириб, нима кераги бор беъмани ишнинг, дея ёқиб юбормоқчи ҳам бўлди. Қизиқ, бу номаларни йўқотиш эмас, балким, қандайдир тартибга солиб, бирон зўр ёзувчига таҳрир қилдириб китоб қилса-чи? Сўнг, ўқиган одамлар ўзларини таниб...

Гапнинг пўсткаласи, яна бир жиғибийрон қиласидан масала шуки, Баҳром изҳори дил қилаётганинг севгилисини билишдан ҳам маҳрум.

Хуллас, ўтган умри давомида ғалати ишлар билан бирга яшаяпти...

Гоҳида бу Баҳромга хуш келади. Ахир таскин берувчи бўлаётган экансан, уларга қайсиadier жиҳатинг маъқул келган.

Баҳром ўша хатларни бир-бир кўздан кечиришга қарор қилди. Ажаб, йўқ қилиб юбормагани ҳам тузук экан. Бугун улардан ўзи таскин излаёттир. Ҳатто қўлига қалам

олиб, акли етганича таҳрир қилишни ният қилди. Майли, анча вақти кетар, лекин бироз енгил тортади:

11 ноябрь, 1986 йил.

“Боря (синфдошлари шундай чақирапарди ўша пайлар)!

Сен ажойиб йигитсан-да. Мени кечир, битта сиримни сенга айтмоқчи эдим. Нозимани севиб қолдим. Қайси Нозима экан, деб ўйлама, унинг асл исми бошқа, аммо мен учун Нозима. Чунки унинг шаҳло қўзлари, нозу карашмаларида мени ўртаб юборадиган сеҳр бор. Дўстим, сени ўзимнинг яқин жсўрам, деб билганимдан шу изҳоримни сенга илиндим. Айтганча, бу билан нима ўзгарапди? Сен менинг ҳам, Нозиманинг ҳам кимлигини билмайсан-ку. Аммо, билсанг менга беш баҳо қўярдинг. Дишимга ҳам, ўзимга ҳам. Шунаقا гап оғайни. Сен ҳам биттасини яхши кўриб қолсанг, энг яқин дўстингга айтгин. Мен эса айта олмаяпман. Шунинг учун сенга илиндим. Омон бўл...

Мени Шухрат деб ўйлай қоларсан”.

Синфдошлар орасида тўртта Шухрат бўлса, қайси бирига сен ёзганмидинг буни, деб кўрсатиб бўлади? Шундан жавобсиз қолди буниси.

21 январь, 1987 йил.

“Баҳромжон ука!

Бошқа одам топмадим дардимни тинглайдиган. Фақат яхшилаб ўқийсан ва юрагингдан ўтказасан, деган илинж билан сенга шу хатни юборяпман. Саодат бор-у, вообишем, Саодат деб ўйлай қол, шу қизни сен яхши биласан, биласанми, уни ҳеч ким чиройли, ниҳоятда кўркам деб айтмайди. Оддий қиз. Кўрсанг, бу гатим ростлигини айтардинг. Ўқиши, синфдошларингнинг ичидаги ўртача

*туради. Кийиниши, юриши-туриши ҳам оддий. Менга айнан мана шу оддийлиги, кейин одамнинг юзига қарамаслиги маъқул. Билсанг, онам ҳам ҳеч қачон отамнинг юзларига тик қарамайдилар. Шу қиз менга ёқиб қолган. Ҳар куни мактабга келганим ҳамоно уни қидиралан. Бир кун дарсга келмай қолса, ўша куни кайфиятимни кўтаришининг иложи ийќ. Ука, сендан нима истайман, шуни сўрамоқчисан, тўғрими, фақатгина шу дардимни билишингни, менинг шу ички сиримга шерик бўлишингни истайман, холос.*

*Яна уч йил қолди, кўрасан, шу қизга уйланаман. Шунда менинг ҳам, менинг Саодатимнинг ҳам кимлигини билиб оласан. Мактубимни охиригача ўқиганинг, назаримда, ўйланиб қолганларинг эвазига ўша куни елкангга чопон кийгизмаган ҳам эркак эмас.*

*Сенга раҳмат ука, ўша кунгача хайр”.*

Бу мактубнинг келганига ҳам йигирма беш йилга якин вакт ўтди.

Баҳромга ҳеч ким чопон кийгизмади. Чамаси, хат эгаси ниятига етмаган. Бўлмаса, эркаклик қасамига жавоб берарди. Янаям, ким билсин...

### 17.07.87.

*“Қадрдоним Баҳромбек!*

*Кайфиятинг яхшиими? Сени одамлар ўзларига яқин олишаркан. Бу жуда яхши гап. Ҳаммани ҳам ўзига сирдоши тутавериши майди. Ҳали бу хизматларинг бир куни мева беради. Раҳматини ҳам эшиштасан, демокчиман-да.*

Мен ҳам сенга озгина сиримни очаман. Агар топа олсанг беш баҳо. Бўлмаса, мендан домангир бўлмайсан, бўтам... Мен шу мактабда ишлайман. Шу маълумотнинг ўзи етарли деб ўйлайман. Мен сенга фалончини севаман, деган гапни айтиши учун хат ёзмадим. Мен сенга мактуб ёзганлардан бирини, унинг аслида кимни яхши кўриб

қолгани-ю, нима учун айнан сенга дардини юборганини биламан. Агар шу бугун мени кимлигимни топиб келолсанг, шу сирни сенга очаман. Ўйлайманки, бу сенга қизиқ. Акс ҳолда ўша жумбоқчи саволларни миянгдан чиқара олмай юравер.

*Марҳамат, укам!“.*

– Нима, булар мени эрмак қиляпти, шекилли! – дея аччиқланганди ўшандада Баҳром.

Рост-да, бирор билан иши йўқ, мўмин, қобил одамни калака қилиш кимга керак! Нияти нима буларнинг? У ўша куни кўп ўйлади. Мактубнинг эгасини тусмоллаб кўрди. Рости, ишонмади бу одамнинг шу мактабда ишлашига. Ёзётганидан маълум, мард эмас. Топгандаям, тан олишига кафолат йўқ. Барибир уятга қолади. Демак, индамагани маъқул.

30.01.87.

*“Баҳром!*

Ҳалиям сен бор экансан жўра! Дардингни бирорвга айттолмасанг, қийин экан. Мана, сендай дардкаш одамни топишгани қандай яхши. Кечаси билан ухлаганим йўқ. Очиги, қилғиликни ўзим қилдим. Ҳом иши қилиб қўйдим, дўст. Сен биласан менинг кимлигим-у, ким билан қанақа бўлиб юрганимизни ҳам. Кечаги ҳафта Юмалоқбош(қўйини қишлоқ)даги бир дўстимнинг уйида ўтиргандик. Ўшанинг синфдошларидан биттаси билан танишиб қолгандим. Кеча центр(туман марказини қишлоқдагилар шундай атайди)да десанг биз иккаламиз ўша қиз билан учрашиб қолдик. Мени ажаблантиргани, ҳалиги қиз менинг ҳақиқий исмимни билиб олибди, мен унга Каримман деган эдим. У бўлса, менинг ўз отимни айтиб чақирипти. Бунинг устига... Ўша кеча бир нималарни ваъда қилиб юборган эканман, шунақа қилдики...

Биламан, назаримда, бу воқеани сен билган қиз ҳеч кимга айтмайди. Аммо айтмагани билан, энг муҳими, мен унинг олдида ким деган одам бўлдим? Э, жўраjson, ҳаммасини расво қилиб қўйдим. Энди нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб ўтирибман. Кечирим сўрайпман, жавоб йўқ. Нима қилиш мумкин ахир? Уф, сенга шуларни ёзяпман, сендан қандайдир юпанч изляяпман-у, аммо ўзимнинг кимлигимни сенга айттолмайман. Айтсан, сен ҳам балким мендан юз ўғириб кетсанг керак.

Жўра, нима қилишим керак!? Ҳамма дардини сенга ёзади. Лекин ҳеч ким сенинг ўзингга айтмайди. Нега шундай, ўйлаб кўрганмисан? Менимча, сени ҳурмат қилишганидан шундай бўлса керак. Сендан умид қилишади-ю, ўзларини танитишимайди. Ўзинг ҳам ҳеч қизиқмайсан. Қанақасан ўзи-а?

Агар билсанг, синфдаги қизлар ҳам сенга галати қарашиб юришибди. Гўёки сен уларнинг ҳар бирининг ички сирини биладигандек. Сендан қўрқишиади, бирорвга айбимизни ошкор қилиб қўймасмикан, деган хавотир билан юришиади. Ўзи ростдан ҳам, биронта олган мактубингнинг кимдан эканлигини биласанми, хумпар? Билсанг – биламан, деб билдириб қўйсанг-чи, ахир. Бир кун бу сирлар очилиб қолса борми? Нима бўларди, дейсанми? Энг ёмони, менга бўлса керак. Йигитчиликка йўйишармикан ёки...

Кейин биласанми, мен уни жуда яхши кўришимни билиб қолдим. Усиз яшашим қийинга ўхшайди. Майли, нима қиласа-қиласин, аммо уни севаман. Тушуняпсанми СЕВАМАН! Ўзинг ҳам биронтасини чин дилдан севганимисан? СЕВ, агар иложини қилолсанг, СЕВ! Шунда биласан муҳаббатнинг олови қандай иситишини-ю, унинг узоқлашиши қанчалар азоб беришини.

Укам, мендан ойликка кичиксан-ку, демак укам десам ҳам бўлади. Нима дейсан, бу кунлар ҳам ўтар-кетар... Аммо энди бошқасига қиё боқмайман, ҳатто бошқасининг,

*саломига алик олган ҳам номард. Фақат у мени кечирса бўлгани. Мени қанча қийнаса ҳам чидайман, кечирса бўлгани. Мен уни ёлгизим дейман, моҳим дейман, меҳрибоним, малагим, парвонам дейман...*

*У мени “офтобим” деган эди. Офтобидан кечмас, нима дейсан қишилоқи? Шуни сенга айтмоқчи бўлгандим. Тўғриси, анча енгил тортдим. Жўрајсон, агар бу изтироблар давом этса, сен билан дардлашсам, юзма-юз ўтириб дардлашсам майлими? Жавоб бермасанг ҳам майли, барибир буни билишим қийин. Аммо, қийналяпман. Ўтиб кетар, шундай деб дуо қилиб тургин. Раҳмат, сабр-бардош билан тинглаганинг, ўқиганинг учун мени. Ҳали яхши кунларингда қайтараман бу эътиборингни...*

*Сени ҳурмат қилувчи....”.*

Ҳамма адашади, хато килади.

Гоҳо хатолар инсоннинг юзини шувут қилиши мумкин. Шу воқеа сабаб изтироб чекаяпти муаллиф.

Қани эди, Баҳромнинг ҳозирги дарди ҳам унинг гуноҳичалик бўлса?!

Йўқ, ундан юз чандон оғир! Эҳ, Васила! Мен нималар қилиб қўйганимни ҳали англаб етганим йўқ. Ҳали изтиробларим, азобларим олдинда. Сенсизлигим улкан баҳтсизликдир! Буни аниқ биламан. Манави оғайниларим мендек бир одам борлигини айтишса эди, унга сени севишим ҳақида достон, йўқ, роман жўнатардим. Ёзганларимни ўқиб йиғлаган бўларди у. Менга раҳми келганидан эмас, йўқотмишларимни, бу дамлар қанчалар оғирлигини билганидан хафа бўларди.

Сени йўқотдимми?! Йўқотган бўлсам, мен ҳам йўқман... Танамда жон бор-у, фано даштига сингиб кетгандекман. Сасим чиқмайди, ҳаётда ўрним йўқдек: оиласда ҳурматим, яқинларим ичидан иззатим, фарзандларим олдида обрўйим...

Ҳеч нарса йўқ. Мана, нима қилиб кўйдим!

Баҳром илгари ҳам қийинчиликларни бошидан кечирган. Дейлик, бирорвга ёлғон гапириб, пушаймон еган. Бир ўртоғи билан орани очик қилиши ҳам анча мураккаб кечган. Бу галгиси бошқача бўляпти. У кеча йўлда кетатуриб, сал бўлмаса икки болакайнни уриб юборай деди. Ҳадиксираганидан бугун машинасини уйда қолдириб пиёда жўнади.

Ишхонада очилмади. Навбатчи эди, хаёли жойидамаслиги учун Равшан дўстидан ўрнига туриб беришни илтимос қилди...

\* \* \*

“21.10.88

*Хурматли Баҳром ака!*

Мен сиздан кичикман, яна бир томони қиз боламан. Эс-ҳушим, чиройим – ҳаммаси жойида. Тўғриси, сизнинг синдошлигиниздан кўччилигининг севгисини рад этганман. Аммо, ўзим истаган инсоннинг муҳаббатига эриша олмаянман.

*Биласизми, Навоий бобомизнинг бир газали бор:*

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,*

*Мени истар кишининг сұхбатин кўнглим тисанд этмас.*

дея бошланади. Мени истаганлардан безорман, уларга хушим ҳам, кайфиятим ҳам йўқ, мен истаган, ошиқ бўлиб қолган киши эса менга қарамайди. У Соҳибани яхши кўради. Нимасини яхши кўриши мумкин ўшанинг? Менимча, шу сариқ пишак уни ўзига бир бало қилиб олганга ўхшайди. Сан-сариқ бўлса, сочини майдада қилиб ўриб юришига ўлайми? Фаросатиям ўзига яраша, ўзини ким санайди ҳайронман шу қизнинг. Тўғриси, сиз шуни севиб қолишингиз мумкинмиди? Албатта, йўқ. Мен сизга унинг отини

*айтепман-у, ўзимни таништира олмайман. Менинг Рустам акани яшии кўришимни ҳам ҳеч ким билмайди, сиздан бошка. Мана, сизга сирни очдим. Бундан таскин топаман, оз бўлса-да, деган илинжум бор. Сиздан илтимос, Рустам ака билан бир гаплашинг, сени яшии кўрадиган, жонидан азиз кўрадиган лобаргина қизалоқ бор экан, қўй, шу саригингни денг. Илтимос, фақат мени излашини, топишими айтинг. Агар орзуларим рӯёбга чиқса, сиздан бир умр миннатдор бўлиб қолардим. Рустам акани умрбод ардоқлаб, суйиб яшайман, у менинг ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. Ахир, нима қиласай, усиз қолиб кетишими истамайман.*

*Илтимосимни бажарасиз, деган умид билан қоламан...”.*

Ҳа, Рустам ҳавасга арзирли йигит. У Соҳибани яхши кўради. Мактаб ахли билади. Улар жуда мос. Бу мактуб эгаси эса...

Баҳром хат битган қизни тусмолдан топгандек бўлди.

Раъно бўлса керак. Ростдан соchlари узун, бўйдор, суюги йириккина унинг. Баҳромнинг синфдошлиридан бир нечаси оғиз солган. Бир замонлар Жўрабек билан Қаршибой муштлашишган ҳам. Қаранг-а, қизнинг қўнгли қаёқда экан! Кўп жиҳатларини ўйлаб Рустамга оғиз очмаслик керак, деган хуносага келди.

Орадан қанча сувлар оқиб кетди. Тақдир экан, Рустам Соҳибага уйланмади. Икковининг ҳам тўрт-беш нафардан фарзанди бор. Кўпчилик уларнинг муҳаббат киссасидан хабардор.

Яшашяпти...

Мактуб эгаси, ҳақиқатдан Раъно бўлса, уям олти боланинг онаси, ҳозиргача кўркамлигини сақлаган. Тадбиркорлик қиласди. Эри ундан тўрт ёш катта Шароф исмли йигит. Яқинда учратиб юзларида ажин кўпайганини

кўрган Баҳром дарҳол шу мактубни эслаганди. Балки, оиласида муаммо бормикан? Ким билади, балким Шароф ҳам Раъононинг ёшлиқдаги эҳтиросларидан хабардордир.

Баҳром ҳам ўқувчилигига севган. Ҳеч кимдан яширмай, ҳамманинг ҳавасини келтириб севган. Орзу-ҳавас тақдирига ёзилмаган экан. Уйидагиларнинг ройиши билан Муаззамга уйланди. У қариндошларининг қизи. Тиббиёт техникумини тугатган, ақлли. Чироий ҳам бирордан кам эмас. Лекин ўртасида ҳақиқий муҳаббат бор, дейиш қийин. Муаззам қишлоқнинг одми қизи. Ҳаётини Баҳромга қўш-қўллаб бериб қўйган: бори-йўғи ҳам Баҳром.

Василани учратганидан бўён ҳар иккисини таққослади. Муаззамни яхши кўради. Аммо севги бошқа, муҳаббат мутлақо бўлак нарса. Мабодо, унга хаёт қайтадан берилса, токи бирорни севмагунча уйланмаган бўларди.

— Севгисиз, эҳтиросларсиз, туйгуларсиз яшаш жуда жўн. Ишқ – бебаҳо! – мушоҳада қилди Баҳром.

Умрининг ярми ўтиб кетди. Ҳаётга янгича қараш, роҳат олиб яшаш истаклари қийнайди тобора.

Буёғига нима бўлади? Энди муҳаббатга бало борми?

Фарзандлар бўй етаётир. Уйлаш, узатиш керак уларни. Севги ортда қолди. Орқада! Энг ёмони, юрагининг катта қисмини берган маликасини йўқотди у. Ўз айби, хатоси, гуноҳи билан. Васила ҳеч қачон кечирмайди! Кечириши мумкин ҳам эмас!

Тун ярмидан ўтганига қарамай, Баҳром қофозларини титкилашда давом этар, уйқуга шошилмасди. Бир томондан, Муаззамнинг ётишини кутарди. Энди ёлғон замзама билан суйкала олмайди унга. Уйкусида алаҳсиб сир бой беришидан чўчийди. Бир ҳақир аёлни қурбон қилган одам ўзини унга бағишилаган бошқа муштипар қалбни яралаши ортиқча! Айбларини бўйнига олганида нима ўзгаради?

“22.10.89.

Баҳромбек дўст!

Уибу мактубимни йўллар эканман, аввало, қимматли вақтингизни олаётганим, безовта қилганим учун Сиздан узр сўраб қўяй. Мана, ҳарбий хизматни тугатиб ўқиши давом эттирияпмиз. Мен ўзимни қийнаётган бир қатор масалалар билан мурожсаат қилишини ният қилдим. Очиги, Сизга айни фикрларни бошқалардан сир сақлашини сўраб қоламан, мен курсдошингиз Икромман. Октябрь ойининг йигирма икки куни ўтди, эътибор берган бўлсангиз, мен бирон кун ҳам дарсга бормадим. Нега дейсизми, ўйлаб-ўйлаб дорилфунун аудиториясида вақтимиз бекор ўтаётган экан, деган қарорга келдим. Ўзингиз айтинг, Машрабов домланинг ўша ёзган китобидан нима олиши мумкин ўзи, Эрбеков сиз билан бизга ўзининг найновларча лекциялари билан қандай ўзгариш олиб кира оларди, замдеканни олинг, ҳурмати баланд деб ҳисоблаганимиз билан, айтинг, қайси бир дарсидан қониқиши ҳосил қиласиз унинг. Очиги, унинг дасрларида қийналиб кетаман, ҳўш, ҳўши деявериб тингканги қуритиб юборади ўзиям. Мен Салимова, Пидаев, Тогаев, Тошлиевлар ўтадиган дарсларга албатта бориши керак деган қарорга келдим. Тилак Жўра билан Гайбулла Саломов, Нажмиддин Комиловларнинг маъruzаларини жон қулогим билан тинглаган бўлардим. Аммо, бу ишл улар бизга кирмас экан. Мана, менинг биринчи холосам.

Иккинчидан, одам эртанги кун умиди билан яшайди. Аммо, қачон ўша орзуимиздаги кун келади? Умримиз тугаганида ҳам келмайди. У орзу холос. Ахир ҳар кун, ҳар соат ва ҳар он умр охирига қараб кетиб бормоқда. Сизнинг кечаги тилагингиз бугун ҳам, эртага, индин ҳам амалга ошмаяпти, сезяпсизми? Мен болалигимда тонг сахар уйгониб уйда чироқни ёқадиган ускунага қўлим етмаганидан додлаб бақирадим – катталарагаки, улар тезроқ чироқни

ёқишиларини истардим. Негаки, назаримда, мен ўша фурсатни, ёргуға вактни бой берәётгандек бўлаверар эдим. Сиз ҳам ҳеч ўйлаб кўрганмисиз шу нарсани? Назаримда, биз ўша ёргуллик деб нисбат берәётган нарсанинг аниқ баҳосини бера олишимиз, аниқроғи белгилаб олиб, шуни бой бермаслик учун интилишимиз лозим. Шундай экан, бизни зулмат ичида тутиб турадиган нимаики – маърузами, дарсми, учрашувми, китоб ўқиши – нимаики бўлмасин, уни ҳаётимиздан чиқариб ташлашимиз керак, деган таклифни сизга айтмоқчиман. Сиз тушунадиган, ақыли йигитсиз. Ўйлайманки, ўзингизни яхши кўрасиз, умрингизни қадрлайсиз. Келинг, бундан буён нима билан шугулланиш керагу, қайси машгулотларни умр дафтаримиздан чиқариб ташлашимиз ҳақида ўйлаб кўрайлик. Нима дедингиз, дўстим?

Сизни ҳурмат қиласман. Ўйлайманки, сиз ҳам ҳурмат қиласиз... ўзингизни. Шунга лойиқ бўлайлик. Икром...”.

Икром – вундеркинд, дарсларга ҳамиша тайёр. Имтиҳонлардан навбатдан ташқари жавоб бериб “аъло” баҳога ўқир,ammo факультетнинг қалами ўткир талабаси эмасди. Очифи, уни кўпчилик ёқтириласди. Жамоага аралашиб кетавермас, ўзи билан ўзи яшарди. Имтиҳонларда бирорвга ёрдам бермайдиган, феъли тор йигит эди. Баҳром мактубини ўқиб унга нисбатан фикрини тубдан ўзгартириди. Баҳром ҳам уни хушламас, умуман кўпга қўшилмайдиган кишилар тамоман маъқул келмасди.

Октябрь тугади ҳамки, Икром дарсга келгани йўқ. Балки, қишлоғига – Чакамишга кетганмикин?

Икром учун ҳаётнинг моҳияти бошқа томонда экан. Унинг учун касб, ошна-оғайнини деган тушунчалар ёт. У бу ерлик эмас. Ўзга сайёранинг дунёқараши, тафаккури билан яшайдиган алоҳида тур. Балки, имтиҳонларда муаллимларни довдиратиб қўйишида ҳам сир бордир?

Биронта кишига яқинлашдими? Йўқ! Қизларга гап отдими?  
Йўқ!

Ажабо! Орадан бир неча ой ўтгач, суриштиришди. Йўқолган талаба Икром Тиловбердиев 1966 йилда Навоий вилоятининг .... тумани, .... қишлоғида туғилган. Мактабда ўқимаган. Йигирмага киргунигача далада қўй боққан. Кириш имтиҳонларидан фақат “беш” олган. Тарих муаллими билан тортишиб ҳақлигини исботлаган.

Эртакка ўхшайди гўё. Баҳром қайсиdir маънода унинг сирларини билган ягона курсдош бўлиб қолди. Орадан йигирма йил ўтибдики, Тиловбердиевни ҳеч ким кўрмаган, у ҳақида эшитгани йўқ.

Бу ажабтовур воқеалардан сўнг Баҳром дарсларга танлаб қатнашадиган, илгаригидек баҳоларга талашмайдиган, бўлар-бўлмас тадбирларга вақт сарфламайдиган, муҳими, эрталаб барвақт турадиган одат чиқарди. Ҳар тонг Икром ёзганидек, ёруғ лаҳзаларни бекор ўтказмаслик, зое қилмасликка ҳаракат қиласидиган бўлди.

“20.05.88.

Азизим...

Сизни ҳеч ҳам хафа қилмоқчи эмас эдим. Кечиринг, аммо Сиз мендан айрилдингиз. Мени тогамнинг ўғлига турмушга беришяпти. Ўзимни бир нима қилиб қўймасам эди. Сиз ҳарбийдасиз. Онамнинг оғир бетоблигини биласиз. Отамнинг кеча мен билан сұхбатлашгани, унинг кўзларига ёши олиб деганларини Сизга сўзма-сўз ёзив жўнатяпман. Балки мени ҳам, отамни ҳам тушунарсиз, аҳволимизни ҳис қиласиз, деган умиддаман. Мана, у киши нима дедилар: “Болам, энди катта қиз бўлдинг, онангнинг неча кунлик умри борлигини билмаймиз. Сенинг тўйингни кўриб кетса, дегандим. Тогангнинг ўғли ўқишини тугатиб келди. Бизга, онанг иккимизга қолса, шу қариндошларимиз билан ришиналаримиз узилиб кетмасин, деймиз. Она қизим, ҳали

ёйсизлар, ҳаётда сизлар күрмаган, тушунмайдиган күп гаплар бор. Баҳромжоннинг отаси дўстим бўлади. Мен унинг учун жонимни ҳам аямаган бўлардим. Аммо, бу ерда онанг бор. Умри поёнига етиб турганида унинг раъини қайтаришига журъатим етмаяпти. Инсон учун онадан-да азизроқ инсон бўлмайди. Мен учун онанг дунёдаги энг катта бойлик. У менга сизларни тугиб берди. Менинг ҳаётимни мазмун билан бойитди. Кеча волиданг билан гаплашиб унинг кўзи тириклигида Тогангнинг ўғли Холмурод билан тўйларингни ўтказсак, деган қарорга келиб турибмиз. Биз сенга ёмонлик тиламаймиз болам. Эртага аниқ жавоб айтамиз, деб келишидик.”

*Азизим...*

Мен учун бир умр энг азиз, энг яқин инсон бўлиб қоласиз. Сиз юрагимдан бир умрлик жой олгансиз. Мени кечирасан, бизни – иложисиз қолган отамни, ўз насибасининг қачон тугашини кутиб ётган онамни, дардини дод солиб айта олмай тўлғониб ииғлаётган вафосизингиз – мени, умуман ҳаммамизни тушунасиз, тўғри қабул қиласиз, деб ўйлайман. Сизни, умрим борки, согиниб, қўмсаб... яшайман.

*Азизим..."*

Мактубларни ўқийвериб дийдаси қотған Баҳром олис Челябинск вилоятининг Чебаркуль ўрмонзорларида бу хатни ҳар куни ўқиб, ҳар куни ғам чекди. Ўша дамлар бутунлай жўшкинликни йўқотди. Ротадаги энг шўх, дадил, олов йигитнинг ажralиб турадиган хислати энди унинг ёлғизликка берилгани, ўзини четга ола бошлагани бўлди. Қолган бир йилни шу алпозда ўтказди. Кўп китоб ўқийдиган, ёзадиган, эсадаликлар, одамларнинг характерлари билан боғлиқ жиҳатларни қоғозга тушириб қўядиган бўлди. На онасига, на дўстларига ёзган мактубларида Рисолат ҳақида бир оғиз ҳам сўрамайдиган

бўлди. Нима қиласи уларни қийнаб? Ўзи ҳаммасини билади-ку. Рисолатнинг онаси Ҳалима хола Баҳромни худди ўзининг фарзандидек яхши кўрарди. Отаси Эркин ака ҳам Баҳромнинг болалигидан қийналиб, етимлиқда ўсган отаси Шойим ака билан жуда яқин дўст бўлишган. Уларнинг яқинлигига ҳамма ҳавас қиласи. Шундай яқин одамларнинг фарзандлари бир-бирларига кўнгил қўйиши. Олтинчи синфдалигиёқ Баҳром соатлаб Рисолат билан телефонда гаплашар, муносабатлари ҳаммага маълум эди. Баҳром гарчи дадил, олов йигит бўлса-да, ҳалигача Рисолатга бир оғиз “Сизни севаман” демаган, қўлини ушлаб изҳори дил қилмаган...

Йиллар ўтиб, синфдошлар учрашувидан кейин холи суҳбатлашганларида Баҳром ҳали ҳам унинг ўзини севишини, муҳаббати самимилигини ҳис этди.

Рисолат ўзгармаган эди:

– Ўшанда, армияга кетмай туриб бирон жойларга олиб кетсангиз бўларкан, ота-она бир йил уришарди, одамлар узоқ борса, ўн йил гапиришарди, аммо бирга бўлардик, бир умр азоб билан яшамаган бўлардик, – деди у қовоғидаги намни сирқиб.

Роса йиглади. Баҳромга суюниб, кўз ёшлари селоб бўлиб йиглади. Беш болали хотин, катта бир ташкилотда обрўли ходим, киз узатадиган ёшдаги аёл ўтган кунларини афсус, надоматлар билан эслади. Баҳром бу ҳолатни умуман кутмаган, хаёлига келтирмаған эди.

– Қизингни келин қиласман, албатта, куда бўламиз. Болаларимизнинг тақдири қўшилган бўлсин, – деб ҳазиллашиб юрарди.

Мана, орадан қанча йиллар ўтибгина, 1988 йилда унинг учун қандай йўқотиш бўлганини яна бир бор юрагидан ҳис қилди. Жонини фидо қилгувчи Рисолатидан айрилган экан ўшанда.

\* \* \*

### Қоронғулик.

Заррача бўлса-да, ёруғлик тушадиган туйнук йўқ. Зим-зиё. Одамнинг кўзи қўр бўлса қандай бўлади? Шунда ҳам бунчалар зим-зиёлик бўлмас. Додлай, деса овози чиқмайди. Товушига нима бўлган? Демак, гуноҳлари учун жазо оляяпти. Энди уни қайси йўл билан қийнашаркан, ўтда куйдиришадими ёки музлатишармикин? Қўли, оёғи, елкаси, беллари – ҳамма жойи зирқираб огрияпти. Бу дўзахми, унда нега айтишмади фалон гуноҳларинг учун бу жойдасан, деб? Ёки бу босқичга етиб келинмадими?

Тавба, бу ер қаер ўзи!? Бундай зимистонни кўрмаган илгари. Ҳар қандай қоронғуликда қандайдир даражада ёруғлик бўлади. Буниси қоп-қора, жуда ҳам қора, ҳали мусаввирлар аниқ ифодалай олмаган ранг.

Кимдан нажот кутиш мумкин?

Хиёнат!

Хиёнатнинг баҳоси, нархи баланд, унга унча-бунча дуолар ҳам қалқон бўлолмаса керак. Тангрининг паноҳига! У нима деса шундай бўлади!

Баҳром қўлларини ёзиб атрофида нима бўлса ушлаб, шундан ўзининг қаердалигини тусмоллагиси келди. Ё, тавба! Қўллари ҳам қалта, жуда қалта, ҳеч нарса илинмаётиди. Демак, нажот йўқ: нима бўлса – бўлди! Қўзини қаттиқ юмишни ихтиёр қилди. Шундай қилса, кўз олдида бироз очикроқ ранг пайдо бўладигандек.

\* \* \*

Ҳовлидаги шовқин-сурон, дод-войдан сапчиб тушган Баҳром дабдурустдан нима бўлаётганини англайдиган алфозда эмасди. Катта қизи Мавжуда “Аяжон”лаб доддляяпти, бу ёқда қайнисининг уввос тортаётгани...

Компьютер ишлаб турибди. Үндан Баҳром туну-кун шитадиган мунгли қўшиқ оҳиста таралмоқда:

*Бир тутам соchlаринг менинг қўлимда  
Гижимлаб ўпайми ё тараб очай  
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,  
Сир деб сақлайнми ё елга сочай  
Сочилган сочингдек сочила сиринг  
Анор юзларингни кимга тутасан?  
Ўзинг-ку уларда вафо йўқ, дединг  
Нимага уларни тагин кутасан?  
Очилгон қўйнимда тўлгонган танинг  
Кўнгилдан ҳеч бир ҳид етказмаса  
Менга яқинлашма, эй тирик бўса  
Севдим, деганларинг ёлғондир сенинг*

...Муazzам ҳовлидаги сершох ёнғоқда осилиб турарди. Фоний дунёдан эридан олдинроқ кетишини ихтиёр қилибди. Баҳром кўргиликни дафъатан ҳис эта олмади. Муazzам тирикми ёки оламдан ўтишга улгурдими? Югургилаб ҳаракат қиласа, қутқариб қолиш мумкинми, шуни ҳам ўйлагани йўқ. Тамоман жонсиз танага айлангандек эди.

Уни қабристоннинг кунчиқар дарвозаси яқинига қўйишиди. Акалари шунга келишишибди. Фарзандлари мактабга бораётib ҳам, қайтаётib ҳам оналарини кўриб кетгандек, хабар олгандек бўлади, деган ўйда килишди.

Баҳром тезда ўзини тиклаб ололмади. Аёлининг умрига зомин бўлгани учун ўзидан ҳазар қиладиган бўлди.

Ўша туни Муazzам эрини уйғотмоқчи бўлиб кирган ва унинг иқрорномасини ўқигач, чидай олмай шапалоқдек коғозга дилидагиларини тўкиб солган эди:

*“25.08.09.*

*Сизни ким деб аташга ҳам ҳайронман.  
Болаларимнинг отаси. Умр йўлдошим, ўзимни одам,  
мехримни меҳр ўрнида кўрмаган, фарзандларимга оталик  
мехрини лойиқ топмай келаётган номард ота.*

*Сиз ноҳақсиз! Сиз севги дегани қандай бўлишини  
билмай ўтаяпсиз. Мұхаббат дегани сиз ўйлагандек нафс  
эмас, унинг баҳоси жуда баланд бўлади, сиз севгини хор  
қилиб сизга бағишланган бебаҳо неъматларни оёқ ости  
қилиб яшадингиз. Сиз маънавий томондан кўзлари ожиз,  
қалби сўқир бандасиз. Фарзандларим Сизнинг  
кимлигингизни билишлари учун уларни қийинчилик билан  
ўсишиларига-да розиман. Ўлмаса, яшаб кетишади. Аммо сиз  
уларга ота сифатида лойиқ эмассиз. Одамлар сизга ўз  
сирларини айтиб жуда қаттиқ янглишибдишар. Уларга  
нима ҳам бера оларди бу сўқир қалб, ноқис юрак, қўрқоқ  
одам.*

*Сиз бор бўлган дунёда қолгим йўқ.*

*Қиёматгача!”.*

*Бахромга йўлланган сўнгги мактуб шу бўлса  
ажабмас...*

**2006 йил**

# БОШ ОГРИГИ

(Ҳажвия ўрнида)

Одам эрта тонгни қандай қарши олган бўлса, у куни билан шунга яқин кайфият билан юради. Сиз бугун тонгни қандай кутиб олдингиз? Тушуниш мумкин, кеча туғилган кунда бўлган эдингиз, кўнглингиз бўш, ўзингиз айтмоқчи, озгинадан бошланган қултамитсин бора-бора... охири қандай ҳолатда уйга келганингиз ёдингизда йўқ. Ана холос, ўзингиз ўзингизга куни кеча энди оғзимга олмайман, бу гал охирги сўзим, энди бошқа ичмайман, деган сизми эдингиз?

Э, яшасинлар мавлоно. Сизни ўзининг ўзига дўстлиги йўқ одам, деса бўлади. Яна бошқалардан гина килиб қўямиз. Валлоҳи аълам, аввал ўзларидан бошласинлар. Ўзларидан, ҳа, кейин бошқа масалалар, бошқалар, яъни дўстман деганлар-у, дўстим деб юрганлардан гина айлагайлар.

Ўзи зўрга ётибман-у, яна шунаقا хаёллар билан бандман. Ўзингизни менинг ҳолимга солиб кўринг, сиз кечаси билан мижжа қоқмай беҳузур ётсангиз, шунаقا мавлоно, савлоно деган гаплар келадими каллангизга. Буғирт ўзининг устидан кулишга ўхшайди. Хотин ҳам овора. Буям, мана йигирма йилдан бери ҳаётнинг мен кўрмаган қизиқлари шулар экан-да, деб ўйласа керак болапақир. Болалар кап-катта бўлиб, қизинг бўй етиб, ўғлинг эр етиб, эрта-индин ҳовлингга қулликка келадиганлар шай турса-ю, яна бу кишимнинг аҳволлари бу бўлса. Қайси куни ишхонада катта мажлисда муҳаррир ҳам шақшайиб олиб нима дейди денг: биламиз баъзиларни кечаси билан ичиб, эртасига идорада куни билан ароқ сасиб юришади, бу билан қанақа меҳнат самараадорлиги бўлиши мумкин.

Ундей-мундай деймиз-у, ҳақиқатан ҳам қанақа меҳнат самараадорлиги ҳақида гап бўлиши мумкин.

Вой, бош ҳам шунака бўладими, кимирлатсанг лўқ-лўқ. Ажабо, шунча балоларга дори топган дўхтирлар бу бош оғриғига ҳеч бир малҳам топа олмасалар-а... Шуларгаям беш кетмадим. Агар ичгандан пайдо бўладиган бош оғриғини тўхтатадиган дори ўйлаб топилса, энг катта фойда шундан келса эҳтимол.

Шу кетишда пешин оққандада сал кўйворади. Буёғи кутиш керак. Кечаси неча марта ташқарига чиққан бўлсам шунча марта уйгониш машаққатини бошидан кечирган хотин мени умуман тушунишни ҳоҳламайди.

– Сасиб ётаверганча, бугун бозорга тушиб манави товуқларга дон олиб келишингиз кераклигини ўйламадингизми, тўрт кундан бери шу аҳвол, эрталаб тайинлайман, кечкурун, чалажон бўлиб келасиз. Манаву Ориф қўшнидан кунига бир қўшивучдан олти марта маккайи олдим. Одамда бет ҳам қолмади. Буларди биласизку, бир нарсани икки марта сўраб бўлмайди. Бўлмаса товуқларнинг ўзини қуритиб келинг, менга мисол учун керак эмас.

Хой барака топгур, мен ҳозир сенга ҳатто гапиришга холим йўқ. Гапириш тугул, айтаётган ҳар бир сўзинг миямга ҳанжар санчгандай урилаяпти, овозингни ўчиргин, овозинг ўчир дейсиз, албатта ичингизда. Мен мана ҳозир шундай қиляпман ҳам. Бу албатта хотинга умуман кор қилмайди. У дийдиёсини давом эттираверади.

– Ахир отам (қайнатаси, яъни менинг отамни назарда тутяпти) ҳам кечаги гал қишлоқقا борганингизда айтганакан-ку, бу ичкилик обрў опкемайди, сенга нима етишмайди, деб, отамнинг гапиниям олмасакансиз-да. Уф, энам(яна менинг онам ҳақида кетяпти гап) ўзи айтади бу отангнинг уруғида ичмагичи йўқ деб. Товба, сал инсоф биланда. Ўзиям бир яшик ичган чиқасизов кечаги ўкиришларингиздан. Кўшнилар ҳам аниқ эшитган бўлса керак.

Азоб, азоб, шу қани ҳолинг бўлса-ю, туриб хотинингнинг чакагини ўчирсанг, шунақанги туширсангки, ўчса, уни ўчса. Қани ўша куч, мадор йўқ-да шу. Ҳозир бош, мия оғриқларидан ҳам унинг сўзлари, ҳа гаплари эмас, ҳар бир сўзи алоҳида-алоҳида қонимга ташна қилмоқда. Гап унинг нима ҳақида, қандай маънодалигида, йўналиши, дийдиёси, муҳим-номуҳимлигида эмас. Ишонинг, хотинларнинг чакаги тўғрисида ҳикоя ёзган, қисса-ю шеър ёзган, ёки асқия қиласиганлар менимча ҳозир мен қандай ҳолатда бўлсан, шу ҳолатни бошларидан кечиришган. Аниқ. Мен бунга юз фоиз аминман, мингдан минг марта. Ҳожибой айтмоқчи “чакагагин” деган дори шунақанги керак дори эканки, раҳматли бу асқиясини бирон роса зўр майшатнинг эртаси куни ижод қилган бўлса эҳтимол.

Бу томонда телефон, баъзан куни билан бирор сўрамайдиган Шоймановни бугун тонг аzonдан сўрашгани сўрашган. Биринчи бўлиб Миша телефон қилди.

– Ассалому алайкум, – дейди у бакириб, ҳар гал шундай. Саломдан ёқимли сўз бўладими бўлмаса. Лекин шу боланинг саломи бирам ёқимсиз чиқяпти-ки, тавба ўз ҳолингча, тўғриликча гаплашавер, ўзим айтиб юрадиган гапларни тахлаб ташлайди, журипсиз кўрчичқоннинг кўзини ўйгандай.

– Ҳа, энди, – зўрга чиқади овоз.

– Бизам мана хотиннинг олдида жотиппиз Худо деб. Бугун куннинг авзойи бузилиб турибди.

Сенам нимадир дейишинг керак. Бунинг кўнгли бир нозикки, сал бошқача муомалани сезса, дарров тўнқиллаб бошлайди, балоларга қолишинг аниқ.

– Ҳа, дарвоқе, Тошкендаям шунаقا шекилли...

– Ҳа ҳали жотипсанми дийман, ҳа мундай эрта туради, бомдодга турсангам ҳақинг кетмайди, – дейди у. У ҳақ, энди инсоф юзасидан айтганда, мен қаторилар ишқилиб инсофга кириб, бирори номоз ўқиган, яна бирори

рўза тутган, ҳарқалай, кексалик бўлмаса ҳам бошида дўппи, нуқси уриб қолган шунака монанд авлоднинг. Уф, бу ҳали давом этаяпти,

– Анови Аҳматни кўрган эдим кеча, шу тўй бошламоқчи экан, бир нормальний артист қанчага келаракан, шуни бир сўранг деяпти, нима дейин жўра?

Нима деган бўлардингиз?

– Билмасам, эрта-перта гаплашайлик, ҳозир бироз маза йўқ эди ошна, бир маслаҳатлашиб кўриб айтаман, хўпми?

У кўйса қани:

– Уни биласан-ку, бир беш–олти юз минг беради, ундан кўп беролмайди, шунга яраша, шунга рози бўладиган ўзингнинг ошналарингдан бирорини об келади деб қўйдим, Анварминан Собир кемайдику энди бу пулга туврими?

– Кўрамиз, жўра, кўрамиз, сенга ўзим айтаман, давай,— телефонни диваннинг устига ташлаб югуриб ташқарига отиласман. – Падарига лаънат шу ароқни ўйлаб топганинг.

Ростдан ҳам булат бор экан ҳавода. Ўқчиб-ўқчиб бироз енгил тортгандай бўламанда яна ётогимга қайтаман. Э, жонингдан ўтиб кетгандан сўнг бирордан уялмай ҳам қолар экансан, менинг уйдан отилиб чиққанимни қўшни кузатиб турибди, мен унга эътибор ҳам қилмабман. Кўрдим, бироқ қарамадим, ҳеч нарса демадим ҳам. Дейдиган эмасиди аҳволим. Ўл, бу кунингдан дердик жўраларга ҳазил қилиб ёшлиқда. Бу ундан беш баттар ҳолат. Телефонда қандайдир овозлар, э бу Миша ҳали ўчирмапти занғар, жуда малол келади яна гаплашиш, аммо начора.

– Жўра, илтимос ўзим телефон қиласман, кейин гаплашайлик.

– Эй, менга қара, уйингда тинчлики, хотининг билан уришиб-пуришиб ётганинг йўқми? – шу гап кам бўлиб турибдида менга.

— Эй онангди эмгир, қўясанми йўқми, айтдим-ку, ўзим телефон қиласман, деб — телефон трубкасининг қизил нуктасини алам билан босаман.

Калланинг ичида нимадир отилиб чиқиб кетадигандай азоб бераяпти. Билмадим, бу мия пишиб кетиб қайнаб чиқмоқчими ёки қон томирларга сиғмай қолаёттирми, ишқилиб сўз билан тиник тасвирлаб бўлмайдиган оғрик.

Кўзимни юмаман, озгина кўзим илинса, бироз ўзгарармидим, дейман. Кичик қизим киради, дада, менга устозим икки минг етти юз сўм олиб келинглар, деди. Бу энди кўзимга илинган уйқуни бузаётган гаплар. Барака топ қизим, мактабга кетаётганинг йўқми, алам қилаётгани гап оҳангимдан сезилади.

— Соат ўн иккода кетаман, — англамагани сезилиб турибди.

— Ўзим кетишингдан аввал бераман, хўпми?

— Хўп.

Устимга кўрпани тортаман, қаҳратон совуқ бўлганда ҳам бошимни кўрпага тиқиб ётолмайдиган йигит икки қават кўрпага шундай ўрандимки, нафас олиш учун етарли бўлган кислород қайси тешик ё тирқишдан киради деб ўйлаганим, бу масала хаёлимга келгани ҳам йўқ. Хуллас, бир соатлар чамаси “ширин” уйқудан сўнг туришга тўгри келди. Ишхонадан хабар келди. Қаранг хабар эмиш, бугун иш куни бўлса, ўзинг кимсан, сени ишхонага вақтида бормайсан, дейдиган одам йўқ, бир нарсани дўндириб отгул қиласидиган ҳаққинг бўлса ҳам майли эди, яна маданият билан сўрашибди, хотинқулнинг айтишича, иложи бўлса борар ёканман, Самарқанддан бир киши келиб кутиб турганмиш.

Эрталабки тозаланиш тадбирларидан сўнг ишга отландик. Бош оғриги тарқаб кетгани йўқ. Автобус ё метрода юриш хавфли, бирдан кўнгил айниб қолса, нима бўлади. Такси тўхтатамиз. Келишган жойда тўхтаган такси

ҳайдовчисига икки минг сўм узатдим, у менга ғалати қараш қилди, камми, дегандай имо қиссан:

– Ака, договор дороже денег. Бу нима қилганингиз, – дейди. Тавба, калланинг жойида эмаслигидан бошида келишганимиз ҳам эсдан чиқибди. Ишқилиб, ўзинг шарманда қилмагин илоҳим, деб ишхонага кириш жойига борсам, кўпинча жанжал қилиб кетадиган шикоятчи чол турибди. Албатта, мени кутаётган одам у эмасдир, деган хаёлда эдим. Аммо милиция постига яқинлашганим ҳамоно менга ниҳоятда таниш ва ниҳоятда ёқимсиз овоз мени чорляяпти... Ҳа, ҳа, гапини тушуниш анчайин, сог одамнинг тушунишини назарда тутяпман, оғир бўлган қария, бугун эса ажабки, менинг “персоналний геройим” бўлиб турибди.

...У билан биринчи учрашувимиз хонада кечган эди. Бу кишини бир-икки кўрганман шунгача ҳам, қандайдир бошқа газеталарга кириб, кимлар биландир гаплашиб юрар эди-да. Ўша куни, тушликка яқинроқ, хонада ўзим ўтирган эдим. Биз уч киши бир хонада ишлаймиз. Эшманов деган ҳукуқ бўйича ёзадиган бўлим бошлиғи, Маҳмуджон ва мен – мухбирлар. Шу эшик очилиб, секин-аста бир одам мўралаб бошини кўрсатди. Ғалати жиҳати, айни кузнинг охирлари, ҳаво совуқцина бўлиб, кираётган бошда ёзги шляпа, ҳали оҳори тўкилмаган, мўралаган бошнинг навбатдаги ташриф қофозини тақдим қилган бўйин қисмida футбolkадан юқоридаги ниҳоятда покизалиги шундоқцина рангидан “сезилиб” турган бўйинда галстук, эгнида фуфайка, албатта тозалиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган алфоздаги, тананинг куйи қисмida жинсилигини тусмол қилиш мумкин даражадаги шим ва резина этик. Албатта тасаввурингиздаги одамни гуллар ўсиб турган шинамгина хонага киргазиб кўринг, ҳаводаги ўтакетган бадбўй ҳидлар димогингизга урилаётгандек бўлмаса мен

кафил. Биз буни реал ҳаётда кўрганмиз, бошимиздан ўтказганмиз.

– Салом, – ушбу муборак меҳмон оғзидан “с” ҳарфи “с” билан “ш”нинг орасидаги бир овоз сифатида чиқди. Тўхтанг, аслида мен бу мавжудотни албатта ўттиз фоиз ҳам тарифлай билмадим. Агар тарифлай билганимда таъбингиз албатта тирриқлашиб, менга нисбатан қандайдир ёвқарашиб пайдо бўлар эди. Балким, шуниси ҳам дурустдир. Лекин мен бу одамсимон тананинг юз тузилиши ҳақида бир оғиз гап айтмасам бўлмас. Бу гап мабодо кўча-кўйда кўзингиз тушиб қолса, эътибор қиласиз, деган маънода айтилаяпти. Бошдаги шляпа агар жони бўлса ўзига ўзи ўт қўйган бўлар эди, бундай бошлар устида туриш учун нақадар баҳтсиз ёкан бу шўрпешона-я... Мен, мисол учун шу шляпага жуда ҳам раҳмим келди. Ёши олтмишдан ошганлардай қўринадиган бу одам шаклидаги маҳлуқотнинг яқин иккى ойда сувнинг яқинига йўламаганига қўрқмай кафолат бераверса бўларди. Соқоллар устара ёки қайчи қўрмаганидан бетартиб ва ярашиқсиз ўсиб кетган, биз одатда соқол қўйган кишиларнинг юзида топадиган қандайдир маъно, нур, одамни тортадиган илиқлик ҳақида канакаям гап бўлсин? Энди унинг муддаосига келсак: у ўзини мустақиллик билан боғлаб ўн беш дақиқа маъруза қилди, лекин мен унинг мазмунига етмадим. Айтишига қараганда, у ойга парвоз қилиши, у томондан қандайдир режаларини тайёрлаши, негадир ўғли ва қизи унга қарши ёканлиги, қолаверса колхоз (ўша пайтда хўжаликлар эди, дарвоҷе, бу чолга бунинг нима фарқи бор ўзи) раиси ҳам унинг оламшумул режаларига тўғаноқлик қилаётгани, у газетада мақолалар, ҳа айнан мақолалар чиқариши кераклигини билдирган эди. Мен ўта реалист одамман. Бу мақтаниш эмас, бироқ бир нарсанинг амалга ошишига ўзим ишонмасам бирорвга ваъда бермайман. Қолаверса, бу

махлукот қаршисида бундай вайда бериш учун аклинг ҳам жойида бўлмаслиги керак.

Нима қилмоқ керак? Калла ишласа вазиятдан чиқиш мумкин. Хатлар ва шикоятлар бўлимида ишлайдиган Шаҳобиддин яхши йигит, бироз мақтанчоқлигини ҳисобга олмагандан албатта. Ижодкорлигидан фирибгарлиги кўпроқ тарози босадиган шу ҳамкасбимиз бир “оламшумул мақола” битаётгани (бу унинг ўз ибораси) ҳакида бундан ярим соат аввал мақтанган, агар қишлоқлардан истеъоди баланд бўлган кишилар ҳакида маълумотлар бўлса, беришимизни сўраган эди. Қарасам, мавзуга жуда “мос”. “Истеъод” и барқ уриб турибди. Отахонга мурувват кўрсатиб ўтиришга чорладим ва сўз қотдим:

– Мен бу ерда янги одамман, сиз кўтараётган масалага ақлим етмас дейман, айни шу масалада бир устозимиз иш олиб бораётган эдилар, шу киши билан бир гаплашиб кўрсангиз, – десам унинг кимлигини сўради. Менга шу керак эди ўзи. Тарифига зўр бердим.

– Пойтахтдаги барча муҳим масалалар шу одамнинг кўлидан ўтади. Бизнинг устозимиз бўлади.

– Қани гаплашчи, – деган жавоб бўлди. Шаҳобиддин рўпарадаги хонада ўтиради, ҳозир жойида, мен ички телефондан унга қўнғироқ қилиб гапни узоқдан ва албатта, у ёқтирадиган мулозаматлардан бошладим.

– Устоз, – дедим сўзга алоҳида ургу берган ҳолда, бу унга мойдек ёқади. Энди амалда у қандай қилиб менга устоз бўлсин? Йўлига-да. – Бошлаган оламшумул асардин яқин ойлар ичинда биз фақир-у ғураболар-да баҳраманд ўлғайларму?

– Эй, мавлоно, сиздек укаларнинг қувваи ҳофизаси учун уни тез кунлар ичинда еткармоқ истагинда ёнурмиз, муородингиз ҳосил бўлодурғон кунлар яқиндор бўтам.

Менинг муродим ундан-да тезроқ ҳосил бўлмоғи ўзимга аён эди албатта. Усталик билан унга бояги гапини эслатиб қўшимча қилдим:

— Олдимда бир улуғ инсон ўтирибдилар. Сиз у кишини албатта танийдурсиз, кўргансиз(аминман, албатта кўрган, танийди), шу инсоннинг бутун олам билиши жоиз бўлган бебаҳо ғоялари бор экан, мен ушбу топилмани сизга илиндим, менда ҳозир яна бир ўзимнинг бўйимга мос топшириқча бор эди, шунинг учун бундай улуг ишлар фақат улуглар қўлидан келур, деб сизга бермоққа қарор айладим, мавлоно.

Қаранг, гапларни ҳам маржондек тизиб ташладимми, ортида катта манфаатим бор, шу мавжудотдан қутулиш, мана менга “илҳом париси”.

— Ким экан ул зот? — гўшақдан жуда мулойим овоз келади.

— Ҳозир ул устодни олдингизга ўзим бошлаб борурмен. Сиз бир пиёла чой қўйиб турингиз.

— Бош устига.

Ҳис-ҳаяжонларни жиловлаган ҳолда меҳмонни хонадан кузатиб чиқиб эшикни илиб, унга Шаҳобиддиннинг эшигини очиб марҳамат қилинг, дея ичкарига таклиф қилдим. Эшикни ёпиб қандай тезлик билан зинапояга стганимни билмайман, шоша-пиша тушликка кетатуриб ортимга бир ўн марталаб қараган бўлсам керак, бу одам кувиб келмаяптимикан, деган ҳадикда.

Тушлик узокроқ нуқталарда ижро этилгач, бирон икки соатларда ҳалиги ҳадикларни йўқотиб, озгина тўлишиб, озгина салобатли юришлар ва кекириб қўйишлар ила тўйинган қадам олишлар билан хонага яқинлашар эканман, Шаҳобиддиннинг хонасидаги жимликдан хотиржам тортдим. Ҳарқалай, ҳеч ким йўқ. Эшикка калит солсам, очиқ экан, бамайлихотирлик билан уни очдим ва... Не кўз билан кўрайки, ҳалиги норасо Эшманов билан

кучоклашиб турибди-да. Эшманов, э номард шу мавжудотни ҳам “отам” деб турибди. Э отанг ўлиб, отасиз қол-е, Эшманов, – дедим ичимда. Отахон еттинчи осмонда, менга ёмон гап айтмади. Эшмановни икки юзидан икки марталаб ўпти. Кейин мен билан қўлларимни сиқиб хайрхўш қилди. Уни бир бало қилиб кузатдик. Хонанинг ҳамма очилиши мумкин бўлган жойларини очиб, ҳидини кўп ёмон кўришимизни яширмайдиган ҳисобхона ходимаси Маржона қизнинг кооператив духисини олиб келиб роса пулфлатиб ҳалиги одамсимон нимарсанинг исларини ҳайдаган бўлгандик.

Мана шу одам мени чақиряпти, мен билан гаплашмоқчи, мени балким кучоклаб ўпмоқчи ҳамдир. Расвои раддибало!

Бошимдаги оғриқ ... эсимга тушди. Буниси эса ундан беш баттар оғирроқ оғриқ эди.

**2007 йил**

# ЭШМАТОВНИНГ ДОЛЛАРЛАРИ

## (Бўлган воқеа)

Курбон Эшматни танийсиз. Ҳа, ўша машхур журналист, ҳозирда “Солиқлар ва дунё” деган газетанинг мұхаррири. Бизларга устозлиги ҳам бор. Одамнинг жони дейишадику, шу одамларга ўхшаганларга айтилган шу гап.

Энди, агар тўғрисини айтсан, ҳозир сизга айтмоқчи бўлаётган воқеани бир кун ҳаммага ўзим айтишим керак, деб юрганим учун қоғозга туширяпман. Азбаройи бошқача одамларнинг қанақалигини айтмоқчи бўлиб бошланган бу ҳикоялар аслида ҳаётда бор одамлар ва уларнинг турли кундалик воқеаларга муносабатларидан ҳайратланганимиз, ундан хурсанд бўлганимиз, бошқаларга ҳам қизиқ ва билиб қўйса ёмон бўлмаслиги каби мулоҳазалардан келиб чиқиб ёзилган. Қолаверса, бу ҳикоянинг яна бир алоҳидалиги бор, буни кейин ўзингиз фаҳмлаб оларсиз.

1996 йил эди чамаси. “Ўзбекистон овози” газетасида Қурбон aka билан бирга ишлаймиз. Эшматов (Бу одамни кўпчилик фамилияси билан атайди, бу ҳам ўзига хослик) бўлим бошлиғи, мен ходим, катта кабинетда Норқобил Жалил учаламиз бирга ўтирамиз. Норқобил aka яхши қаламкаш, ҳозирги кунда “Оила ва жамият”ни туркиратаётган журналист. Ҳазиллари ўткир, гап келганда, отасини ҳам аямайдиганлардан. Ўшанда жума куни эди. Таътилга рухсат олганман, аниқроғи, жумада буйруқ чиққан, душанбадан хисоб. Ўзи одатда шунақа қилинади, ўзингиз ҳам шундай қилгансиз чиқар. Шанба куни қандайдир бир юмуш билан ишхонага келиб кетдим. Душанба яна келдим, ишхонаям магнити борми, кунига бир келиб кетмаса, худди бирон нарсангни йўқотадигандекми-ей ҳисланиб юрадида одам. Ўзи таътилда бўлсанг бало бормиди, дейдиган одам йўқ.

Келиб хонага кирсам, Қурбон Эшмат ўзининг “молтопар” сейфини ағдар-тўнтар қилиб тинтиб ўтирибди. Келинг, аввал сейф ўлгур ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтай. Бошқа бирон жойда кўрмаганман, бир темир яшик, оғирлиги ҳам ўн беш-йигирма кило чиқар, дейман. Кейин қишлоқларда бўлади – катта қулф, шунаقا зорманда билан ёпилади. Акамиз бир оғайнисининг икки минг доллар пулини чўнтағида кўтариб юради, айтадики, ўша дўстига уй олиб бериш керак. Эътибор беринг, икки минг долларга ўша пайтда икки хонали уй олиш мумкин эди. Жума куни кечқурун бир жойда улфатчилик режалаштирилиб Қурбон ака шу пулни кўтариб юрмай, деган фикрда уни сейфига солиб кўяди. Сейфнинг қалити ҳам чўнтағига “оғир”ми, “кўпол”ликми қиласиди шекилли, столининг тортмасига қўйиб кетади. Эртаси, яъни шанба куни ҳам ишга келган, лекин зарурати бўлмаган шекилли сейфни очиб кўрмаган. Душанба куни бир нимани излаб сейфини очса... Пул йўқ, ўша долларлар йўқ. Мен ўтирибман хонада, ўзимни кўярга жой тополмайман, худди ҳақиқатдан ҳам, йўқ энди ўзингиз ўйланг, ҳар қандай одамнинг кўнглига биринчи бўлиб шу хаёл келади-да, тўгри эмасми, ўзимга ҳам шу фикр келаяпти ўша топда, ростиям ўзим ўғирлагандай ҳижолатдаман. Нима деб гапириш керак, қандай сўзларни айтиш жоиз бундай ҳолатда – билмайман.

Хуллас, икки мингдан бир минг саккиз юз доллар олинган, қанчадир Россия рублига тегинишмаган. Бироз карахт бўлиб турдида, э онангни, деди Қурбон ака, яна бир нималар деди. Кейин кулади, Ҳусанбой, отам (у ҳаммага, ҳатто аёл кишига мурожаат қилса ҳам “отам” деб гапиради) нима қиласиз?

Мен нима дейишим керак, нима қиласам, нима десам тўғри гапирган бўламан? Тилим айланмайди. Хуллас, ўша куни алламаҳалгача отамлашдик. Бир маслаҳатга келдик. Устоз(шундай деб айтсан у одамнинг ҳақи бор)нинг Ички

ишлиар вазирлигига каттакон амалдор ошнаси бор. Шунга мурожаат қиладиган ва текширирадиган бўлдик. Менга ҳам шу керакда, барибир нималар хаёлига келмайди, дейсиз. Бунинг устига, юристлар тили билан айтганда, менда “алиби” йўқ, ҳамма фактлар менга “антиалиби” бўлиб турибди. Шундан сешанба ё чоршанба қуни ўша амалдор дўсти келди идорамизга.

Сўраб-суриштириб воқеа қандай ҳолатда бўлганини билиб меҳмон қулиб юборди. Ҳақиқатда ҳам, кулгили. Ўзи хукукий мавзуда ижод қиладиган журналист, қанча суд очерклари муаллифи, жиноий ишлиар бўйича адолатсизликларга барҳам берган изқувар ижодкор Қурбон Эшмат ўзига келганда, кўп хатоларга йўл қўйган, яъни бундай ўйлаб қараса, ҳамма жойда ўзларининг бармоқ излари, ушламаган жойи қолмаган сейфини, калити, тортмаси ва ҳоказоларни.

Эшматовнинг ўртоғи мен ишхонангиз олдига бармоқ изларини текширувчи катта автобус шаклидаги машина олиб келиб иш бошлатаман, билиб кўйинг, бинога кириб ишлайдиган ҳар бир одамнинг бармоқ изларини оламиз, кейин сейфингиздаги билан солиштириб кўрилади, суриштирув, қидирав ва тергов олиб борамиз, балким топилиб қолиши мумкин, деди. Кимдан шубҳангиз бўлса, уларни биринчи бўлиб текширамиз. Ҳе, Жабборқулда жон қолади, дейсизми? Тасаввур қилинг, “Матбуотчилар” кўчасидаги етти қаватли газета таҳририятлари биносида энг камида икки минг одам ишласа керак, дейман. Ўнлаб газета таҳририятлари, “Шарқ” нашриёти ходимлари, техник ва муҳандислар, фаррошлардан тортиб киоска, ошхона ишчилари гача анча одамда энди. Шуларни пастга автобус кўйиб бармоқларини текширишияяпти, тасаввур қилингда, нима бўлади, биринчидан, гап-сўз урчиди, нима эмиш, Қурбон Эшматнинг икки минг доллари йўқолибди, ие, ўзи бир журналист бўлса, шунча пул, яна долларни



Бурноғи йили ўғил уйлантирди, ҳамма журналистлар ўша ерда. Түй эгаси бой бобо бўлиб тўёна олиб турибди. Мен ҳам қўлимдагини ҳеч кимга қўрсатмай секингина бердим. Карасам, кўйлагининг чўнтағида долларлар, мана Жаббор Рассоқов, кейин яна бир қатор амалдорлар, уларнинг отини айтиб бўлмайди, тўёналари ўша манзилга етказиб қўйилмоқда. Бироз туриб секин ёнига бордим, устоз, дедим ўзигагина эшитадиган овозда, ҳа отам дейди у. Бу сейфнинг қалити ҳалиям ўша адресда турадими, “Кайси сейфнинг”, сўрайди айёrona бокиб. Мен айтаман, “Ўша молтопарнингда”, “Э, уни сотганман”, “Кимга?” “Норқобилга текинга сотилиб кетган у сейф”.

— Мана кўрдингизми, айбдор эмаслигим шу ерданам маълум, дейман кулимсираб. “Йўқ, дейди устоз, — сенларнинг икковингаям ишонч йўқ, шунинг учун пулни сейфга солмай қўйганман”. Қаерда туради бўлмаса, десам у шундай дейди кўкрагини қўрсатиб, мана шу жойда, камбағалнинг моли кўзининг олдида туриши керак.

Ишқилиб, ўша адресда тўй харажатларига ундан-бундан олинган қарзлардан ортиб бир нима қолган бўлсинда...

2006 й.

## УСТА

Бугун ишхонада ҳаммадан олдинроқ пайдо бўлдим. Бунга ўзим сабабчи. Кейинги вактларда негадир эсим жойидамас. Билмадим, бу бир ҳафта олдин кучли даволаниб чиққанимдан, яъни баданимга сингишаётган антибиотиклар таъсирими, ё ўзи асабларимнинг чарчаганиданми, кунда-кун ора нимадир эсимдан чиққан, қайсиdir бир масалани ёдимдан чиқарган бўлиб колаяпман. Кечаям бир дунё ёзганларим, қанчадан қанча мусикаларни ўзида жамлаган флешкани компьютерда қолдирибман. Бу флешка деганлари фойдали нарса. Ёқтирган қўшиқ, ашуласардан бир икки юздан ошигини ёздириб олганман унга. Машинада ҳузур қилиб эшишиб юраман. Ишхонада қилинадиган таржималар, сценарийлар, унда-мунда фойдаси бор-йўқ матнлару, хужжатлар ҳам шунинг ичидаги жам. Агар йўқолса, ўзим айбор бўламан. Ахир хонага эрталабдан қанча одам кириб чиқмайди, дейсиз? Шунақа гаплар. Келиб унинг компьютерга тикилганича турганини кўриб кўнглим таскинланди. Хўш, бугун қандай ишларни режа қилганман. Шуни ўйлай бошладим. Энг аввало, кеча уйда миямга муҳрланган иш – Уста билан учрашиш.

Ҳа, айтганча, у ишга соат тўққизда келади. Роппароса тўққизда. Бир дақиқа ҳам олдин ёки кеч эмас, тўғри вақтида пайдо бўлади. Худди ниҳоятда муҳим лавозимда ўтирган амалдор-у, унга одамлар умид билан кўз тикиб ўтиришадигандек. Киноя эмас бу, у ростдан ҳам худди шундай ўйлади. Ўзи бир ўртача уста. Одамлар бошқа жойга бориб келишга эриниб унга мурожаат қиласди. Нимаям қилсин. Мисол учун, энг яқин бошқа жой Чорсу бозорида. Бозорга бориш-келишга камида бирон соат вақт кетади. Агар у жойда ҳам одам кўп бўлса кутиб қолишга, бўлмаса, ташлаб кетиб кейин яна бориб-келишга тўғри келади. Шу кичкина матоҳни деб икки марта бир соатдан

вақт кетказиши кимгаям ёкарди дейсиз? Унинг олдига кўп “мижоз” келишига асосий сабаб шу.

У эса... Тавбангдан кетай. Одам ҳам шунаقا бўладими-а? Аввало, у ўтирадиган хона, унинг тили билан айтадиган бўлсак, “кабинет” ҳакида. Бу ерга кирсанг, димогинг ачишиб кетади, чангнинг, яна бу ерда тахланниб ётган алламбало – ҳам ёзги, ҳам қишки, узоқ йиллар аввал урф бўлган, таги тешилган, усти йиртилган, чокидан ажраб кетган, оғзи очилган, товони тушиб қолган, таги олиб ташланган, тасмаси бузук ва ҳоказо “диагноз”лар билан бу ерга етказиб келинган пойабзаллардан қандай хид чикиши мумкин? Улар ҳам гўё бу пойабзалхонанинг ўзига мос бўлиб, кир-чир, яқин орада мой кўрмаган, буришган, туришган, хулласи калом афтода бир ҳолда қалашиб ётибди. Бир пойи тепа қисмда, бошқаси яна қаердадир, бетартиб, пала-партиш бу оёқ кийимлари йифиндисини кўриб, нима, одамлар янгисини олмай қўйганми, деган хаёлга ҳам борасан. Турли тоифа, хилма-хил. Уларга қараб бу матоҳларнинг эгалари ҳакида ҳам муайян тасаввурга келиш мумкин...

Баъзи аёллар пойабзалларини кўриб бу қайси бир хурилиқога хизмат қиласар экан, дея унинг эгасини ўзингизча хаёлингизга келтирасиз, парти кетиб-шарти қолган бошқасини кўриб тавба, ахир шуни ҳам эпақага келтириб бўлармикан, дея ажабланасиз. Ҳамкаслардан бири келиб пойабзалини ечиб оёқяланг бўлволган, шошиляпман, объектда кутишаяпти, тезлатинг, дейди. Бу устанинг парвойига ҳам келмайди. У ишини бироз тезлатиб ҳам қўймайди. Кимдир келдими, келмадими, гапирдими, савол бердими, жавоб истаяпими, э борингки, ўляптими-қоляптими, унга барибир. Қўлида товони ажраб кетган туфли. Ўзи янгигина, бугун мойлангани ундан келаётган Хитой мойининг хидидан маълум. Аммо, ажраб кетган. Шундай ҳолатда турган касбимиз “юлдузча”ларидан бири

бўлган бу йигитга қараб ўйга толаман. Яқин олти ой ичида “яралганлардан” бу “юлдуз”. Ёниб-ёнмай ўчиб кетадиган хилидан менимча. Муомаласи ўзига яраша. Димоfiga хода етмайди, деган баҳога лойиқ бола. Бу ерда одам бор-йўқлигига қараб ҳам ўтиргани йўқ. Салом-палом дегани ҳакида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Тўғри келиб, мана буни тўғрилаб юборинг, эмиш. Оласан! Уста сендан ўн беш марта кўп кўйлак йиртганларга, “юлдуз”дан юлдузга айланиб кетганларга парво қилгани йўғу, сенга йўл бўлсин. Бу этикдўзи тушмагур нуқул уйида бола-чақасига фалончидек ғўддайганини бунча куттирдим, бошқасини яна фисмадонча ялинтирдим, деб мақтамаса эди, дейман.

Ўзи ишхонамиз ғалати. Ҳеч “простой” одамни топа олмайсан. Ҳаммаси авлиё. Фақат Ўрол жўра айтмоқчи, биттагина камчилиги бор. Ҳеч пастга тушишмайди. Нима энди, эфирда икки марта кўринган бўлсанг, шунақа ўзгарасанми, дейдиган мард йўқ. Телевизорга чиқиб бирорни қойил қилган бўлса бир нави эди. Бошловчи-да. Бошловчи ким, мана сиз айтинг. Бошловчи бирор ёзиб берган матнни ўқиб берувчи яrim техник, яrim артист бир одамда. Хафа бўлманг-у, мен бу билан бирорвга паст назар билан қараётганим йўқ. Сира ҳам. Бошловчи қачонки, муаллифнинг муддаосини англаса, нима демоқчи эканини ҳис қилиб етсагина уни томошабинга яхши етказа олади. Матнни ўқишини ҳамма билади. Гап қандай ўқишда. Илгариги дикторлар матнни ўқишдан олдин ўзлари учун сўзларга белги кўйиб чиқишар эди. Қайси сўзнинг қайси ҳарфига ургу бериш маъносида. Интонацияси жойида эди уларнинг. Бугунгилар-чи? Қизларнинг аксарияти бўяниш, безаниш билан овора, йигитлари ҳам кам эмас улардан. Сочини причёска қилиб сарсон. Имиж экан бу. Имиж касбий маҳоратдан пайдо бўлса эди. Бу қаҳрамон ҳам ўшалар қаторидаги “замонавий” тўтилардан. Аммо буларнинг халқ ичидағи гапларини эшитсанг, тавбангдан

ёка ушлайсан. Нима эмиш улар, ўзларидан чиқариб гапиришар эмиш, шунинг учун бошловчиликка айнан уни танлашганмиш. Ол-а, аслида сүфлёрдан фойдаланиб уч-тўрт марталаб ёзиб монтаждан қолгани эфир юзини кўрган бўлади. Баъзи содда кишилар бунга ишонишлари ҳам мумкин. Аммо зукко томошабин бошловчининг кўзидан, уларнинг матннинг юришига қараб ҳаракатланишидан сезиб ўтиради.

Чалғиб кетдим. Мен устахонадаман-ку. Бу ердаги оёқ кийимларни кўриб уларнинг эгаларига асл баҳони берса бўлади. Халқимиизда мақол бор: Дўст бошингга, душман оёғингга қарайди, деган. Менимча, бу ҳикматли гапни одамлар пойабзалининг ҳолатига боғлаб айтишмаса керак. Ие, нима деяпман ўзи, демоқчиманки, пойабзали эскироқ, бирон қисми ейилганроқ бўлса у ёмон, агар янги туфли кийган бўлса у яхши маъносини бермайдику, демоқчиманда. Мен пойабзалларнинг сифати, “савияси”, ижтимоий келиб чиқишига қараб, бу қандай иқтисодий аҳволда яшайдиган одамники эканини билса бўлар экан, деган хулосага келдим. Агар шу томондан қарасангиз, ишхонамиздаги кўпчиликнинг аҳволи ўзига яраша экани маълум бўлади. Қараб чиқсан, пойабзал отлиқ нимарсаларнинг аксариятида эгаларининг ҳаққи аслида қолмаган ҳам. Боя парти кетиб-шарти қолган иборасини айтдим. Шунга моси кўп. Аёлларга хос бўлган туфлилар, шиппаклар(улар кўпроқ) ҳам хизмат муддатини асосан ўтаб бўлганлардан иборат. Эркакларимиз, яъни ишхонамизнинг йигитлари аксарият ҳолларда хитойлик пойабзалчиларнинг маҳсулотларидан фойдаланишайти экан. Энг муҳим афзалиги арzon бўлган бу мамлакат маҳсулотларининг фойдалилик коэффициенти ҳақида ижобий сўз топиш қишин, албатта. Аммо бу ерда ўзга бир жўғрофий нуктадан келтирилганларини кўрмадим.

Энди устага қарайман. Бугун олтинчи кун келишим. Э, бунақанги ланж этикдүз бўлган сени, деб кетвортган бўларди мендан бошқа бўлганида. Аммо буниям ўзига яраша бир гаштими, қизигими борга ўхшайди. Нимагадир ҳар қандай жойда асабим чақнаб кетадиган мендек тажанг одам олтинчи бор келишимга қарамай миқ этмай ўтирибман. Уни боя айтганимдай эпчил, қўли енгил, ишини сифатли бажарадиган усталар сафига сира ҳам қўшиб бўлмайди. Кўллари бигиз билан ишлашда жуда нўноқ, мисол учун, пойабзални таги билан тикса чоки шундок билиниб қолади, ёки ташриф буюраётган аёлларнинг ҳар учинчиси олиб келаётган пойабзалларини икки-уч кун илгари унга тузатдирган-у, бирори чоки сўқилиб кетганидан, бирори оёғини сиқаётганидан, яна бирори товонининг баландлиги икки хил бўлиб қолганидан нолиб қайтиб келаяпти. Аммо ноилож шу ерга келади. Қаёққаям боради. Бу одам эса... Устанинг ўзига хосликларидан бири унинг ниҳоятда ҳазм қилиб бўлмайдиган муомаласи ва ўзига бино қўйгани билан боғлиқ. У кириб келган кишининг саломига алик ё олади ёки йўқ. Унинг кулиб турганини эса шунча вақт давомида кўрмадим. Умид билан қадам ранжида қилган одам дафъатан бундай муомаладан ғалати аҳволга тушиб қолиши тайин. Мен ҳам нечоғли хушмуомала бўлмайин, бундай вазиятда ташаббус кўрсата олмаяпман. Ўзи ишим тушиб келиб ўтирган бўлсан, нима ҳам дейман ахир. Ўтирибман хона хўжайнининг қовоғидан умидвор бўлиб. Бир-икки ҳамкасбимиз бирон жўяли жавоб берилмагач қайтиб ҳам кетди. Мен эса устанинг ишини томоша қиляпман. У миқ этмай ишлайпти. Мана, келганимга бир яrim соат бўлди. У килаётган ишини тугатди, чамаси, бошқа бир шиппакни қўлига олайпти. Жаҳлим чиқиб кетди.

— Оғайни (овозим ўзимга ҳам ёқимсиз чиқди, фўлдираб гапирдиммией), мен қарийб икки соатдан бери

кутиб ўтирибман. Олтинчи марта келишим. Ўзи икки дақиқалик иш. Мени жўнатиб юбора қолинг...

У менга бирон сўз айтмади. Қўлимдагини олиб, у ёқбу ёғига кўз югуртириди.

– Эртага келинг, – деди кейин. Энди тутаб кетдим.

– Нима деяпсиз ўзи? Ахир шунаقا ҳам бўладими?

Шу дардингиз бор экан, боя айтақолмайсизми куттириб ўтирмай. Ахир қанча ишдан қолиб кутиб ўтирибманку сизни... – Барибир оҳангода дўқ йўқ эди бу тутоқишининг ҳам. Чунки унга ишим тушиб турибди. Қолаверса, шунча кутиб, яна қайтиб кетиш...

Ниҳоят у туфлининг орқа томонида сўклиб кетган бир сантиметрча чок ўрнини янгитдан тикишга кириши.

– Бизда ҳам режа бор, – дейди бир маҳал. Мен қилаётган ишига пулини тўламасмидимки...

– Ака, эл қатори ҳақингизни оласизку.

– Гап сиз берадиган уч-тўрт сўм устида эмас.

Менинг ҳам раҳбарим бор. Булар(шиппакка қўлини нуқиб)нинг эгалари ҳам чакана одамлар эмас. Уларга ваъда бериб қўйганман. Улар сиздан баландроқ одамлар бўлиши ҳам мумкин ака.

Агар унинг кўлидаги туфли менини бўлмаганида чаккасига солиб юборардимку-я.

– Рўйхат қилиб қўйсангиз бўлар экан. Навбат билан келардик.

– Энди шундай қилмасак бўлмайди. Бу масалани директорга қўймоқчиман. Битта бўлсам. Бунинг устига “шеф” ҳам у ер-бу ерга фақат мени юр қиласди. Яна ярим соатдан кейин ошга кетишимиш керак, маданият вазирлигидаги бир каттаконникига.

Индамай кўя қолдим. Ҳолингни кўрган одам афtingга қарагиси келмайди-ю. Тавба. Бир сантиметрга ҳозиргина тайёрлаган ипи етмасая. Бояги пала-партишга аралашиб кетган ипни топиб яна озгина узиб ишини давом

эттира бошлаган устанинг ёнидаги стол устида турган унинг тушлик овкатини кўриб қолдим. Овқат устанинг қўлидан ўтган тайёр “маҳсулотлар” орасида эски сочиққа ўраб кўйилган. Ишини тугатар-тугатмас, этикдўз бояги сочиқни очиб ичидан шиша банкани олди. Унда суюқ бир овқат бор эди. Сочиққа ўралган нон ҳам бор экан. На қўлни ювиш бор, на артиш, банканинг қопқоғини очганча совиб қолган шўрвани хўплаб нонни тишлаб тушликни бошлади бизнинг қаҳрамон. Буни расмга олиб ҳам бировни ишонтириш қийин эди. Кўлига беш юз сўм бериб кам эмасми, деб сўрадим. Бўлади, у пулга қарагани ҳам йўқ.

Шу бир ой ичида мўлжаллаган энг катта ишлардан бирини дўндириб, елкамдаги оғир юқдан кутулгандек хурсанд бўлиб, енгил тортиб ишимга кетдим. Мен хонага келганимда соат миллари ўн иккига яқинлашарди. Шу билан бугунги куннинг ярим иш вақти ўз поёнига етадиган, режадаги ишларга эса на ҳафсалам ва на иштиёқим қолмаганди. Кимга раҳмат дейишимни билмай тушликка отландим...

**2009 й.**

# ИҚРОРЛИК САСИ

## 1

Қаёқданам ўқидим шу китобни. Шерзод ўзи ақлли йигит-у, ҳар нарсага ҳайратланаверадиган, нимаики воқеа бўлса, шуни бўрттириб, одамга ажабтовур янгилик сифатида етказиш одати бор. Кейин гап-сўзлари, нутқ стили ҳам ўшандай ажабтовур. “Чизиш” деган расм устида ишлайпсизми” дейди соат олтига яқинлашаверса. Бу қуённинг расмини чизишга шайланяпсизми, яъни кетмоқчимисиз, дегани унинг. Қовоқ сомсани ҳар куни сйверсангиз, қовоғингиз осилмай иложиям йўқда, бобо, деб кўяди жаҳли чиқиб турганида бир нарса деб зам-зама қилсангиз. Шу бола, ака, шуни ўқисангиз, унча кўп куйинавермайдиган бўласиз, деб электрон нусхасини почтамга ташлади. Мана, ярмини вараклаб ўзим ҳам шу асарнинг руҳига тушиб, ҳеч нарсага ажабланмаслик, ҳеч нарсадан хафа бўлмаслик керак, деган мавзу билан бошимни тўлдириб ўтирибман. Толстой буюк ёзувчи бўлган. Сўзсиз. Уни ўқиб ўқидим, дейишга истиҳола қиласан киши. Худди Навоий бобомизнинг буюк асарларини ўқиб ҳеч нарса тушунмаганимиздек. Шу боисдан феъли-хўйимда пайдо бўлаётган чала ярим тўхтамлар, ўзимни ўзим койишим ва койимаслигим кераклиги, бирордан хижолат тортишим-у, буларнинг бари аслида сариқ чақачалик ҳам аҳамиятли эмаслигини англаганга ўхшаш мулоҳазалар... Мулоҳазалар эмас, узук-юлук гаплар десак тўғрироқдир балки. Шунаقا. “Иқрорнома” икрор қилдиряпти чамаси...

## 2

Нималар бўлаётганини биламанми? Хўш, нима экан? Билмайман. Туни билан мижжа қоқмай ўзимни еб

битиришим мумкин, эртасига битта иликрок, ҳаттоки, ўзимча иликрокқа сал-пал яқин келадиган сўзми, қилиқми, ишора менинг кайфиятимни жойига тушириб қўйиши мумкин. Хўш, бу ўзи нима? Бу характеристми? Билмадим.

Қандайдир жиннинамо рухиятда юрибман. Ўзимни ўзим тушунмайман. Ўзимга ўзим тўғри фикрни айтиб тўғри йўлга бошқара олмайман. Атрофимдагиларни қарийб эшитмайман, кулгуларим ниҳоятда юзаки, сохта, ҳамдардлигим, бераётган маслаҳатларим ҳам охири йўқ, жўяли эмас. Нимани истаётганим ҳам аниқ эмас. Хўш, булар ўзи ҳақиқатдан ҳам нима? Менга нима бўляпти?

Охирги бир ой давомида менинг рухиятимда кечеётган бу босилқа ҳолатни англаш, ўзимни ўзим назоратми, таҳлилми, таҳрирми қилишим керак, деган хulosага келяпман. Ажратиб олишим керак, ахир бундай яшаб бўлмайди! Абсолют ҳақиқатни излаш аҳмоқлик. Ҳар қандай аҳмоқона ва тайтувликдан дарак берувчи ишми, ҳаракатми, у ким томонидан амалга оширилган бўлмасин, эътибор бериш керак эмас, янайм аникроғи, аксинча, эътибор берганда ҳам, жуда жиддий, тагига етиб бориб мулоҳаза қилиб кўриш лозим, назаримда, шунда ўша аҳмоқона ишдан ҳам озгина мантиқнинг, ҳеч бўлмаганда, исини излаб топса бўлади. Бўлмаса, илож йўқ.

Кейин, бирорларга баҳо бериш осон – у қандай бўлмасин! Аммо, ўзимчи? Ўзим қилган гуноҳларни нега кўз олдимдан ўтказмаслигим керак экан? Ахир мен инсон сифатида ҳам, одамгарчилик, диёнат бобида ҳам издан чиқиб кетганим йўқми? Хўш, кимга нима деб ақл бўлишга виждоний ҳаққим боракан? Кецирасан-у, биродар, ҳали қилган барча гуноҳларингни бир “Титаник” ҳам кўтара олмас, дейман. Яна нима эмиш, бу ҳаётдан рози эмасмишлар?! Сизга қанака ҳаёт керак эди ўзи? Балким, атрофингиздаги дўстларингиздан биронтасини йўқотиб кўрарсиз? Болаларингизнинг ҳар кунги дийдорини бирон

дунёвий бойликка ўлчаб бўлармиカン? Нағмалар қилганингда уялмайсан-а, номард! Болаларни эрта улғайтириб қўяётган, тарбиясига салбий таъсир бераётган ишларинг камми? Ишхонадаги бор обрў-эътиборинг секин-аста сўниб бормокда. Ахир биласан, амалинг бўлмаса, сенинг асл башаранг янада аникроқ намоён бўлади. Чунки одам қийинчиликда очилади, кимлиги аён бўлади. Озгина қийинчилик кўрдингми, йўқми, ўзингни қахрамонлар, жабр кўрганлар қаторига қўша бошладинг, кўкрагингни керасанми-ей? Биродар, шошилма, сендан анча кўп ақл йиққанлар, анча улкан хизмат қилиб қўйганлар бор, сенга йўл бўлсин, сенинг бир лим меҳнатинг ё бир икки ишларинг вақт синовига бардош бериши даргумон. Ҳаётда ҳар куни ишлаш, ҳар куни интилиш, ҳар куни нимадир қилиб яшаш керак. Охирги икки йилда қилган қайси ишингдан кўнглинг тўлди, ахир Худойликка келсак, биронта жўяли иш қила олганинг йўқ-ку...

Аммо, ўринсиз ва ноҳақ, мунофиқлар даражасига яқин ҳолда, атрофингдагиларнинг сенга бўлган эътиборини жавобсиз қолдиряпсан, сенга бўлган интилишларини инкор этяпсан, Оллоҳ кўнглингга солиб турган эзгу ишлар, мақбул амалларни ижро қилмаяпсан... Сенга шундай савол беришлари мумкин: шу пайтгача ўз олдингга қўйган қайси режангни охирига етказдинг?

Эсингдами, анави сен руҳий касал деб билган раҳбаринг билан келишмай қолганингда, ўзингга оламшумул режа қилганинг. Агар ишдан кетишга тўғри келса, ундоқ қилиб ўзимни кўрсатаман, бундоқ қилиб ҳаммани қойил қиласман, фалон йўл билан ҳалол пул топаман... Ўша режанг ҳали ҳам иш столингда турибди. Ҳа, анча сувлар оқиб кетди, касалларнинг касаллигини ҳамма билди, ишларинг ҳам бир нави, бировнинг олди, бировнинг кети. Аммо ўша ўзинг ўзингдан ғуурланиб тузган режаларингни амалга оширишга нима ҳалақит беряпти?

Йўқ, ҳалақит берайтгани йўқ ҳеч нарса, сабаб бошқа ёқда! Сенда ирода етишмаяпти, оддийгина қилиб айтганда, ИРОДА! Мана шунаقا, биродар. Аввал нинани ўзингнинг баданингга санчиб кўр. Кейин... Балким, шунда ўзингнинг асл башарангни очиқ кўрарсан. Демак, ўртаҳол фикрловчи, ношуд одамсан – мана сен кимсан?

### 3

Бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Абадийлиги у ёқда турсин, бу дунёнинг турган-битгани ёлғон, бутун борлиғи ўзи ёлғонга қурилган. Ёлғон дунё! Шундай экан, бунча интиламиш-а бу дунёнинг ўша алдамчи лаззатларига? Бир сўздан қолмайдилар, қолсалар, дунё бўғизларига келиб кетади, бир парда пастроққа тушмайдилар – тушсалар, бу дунёдан улушсиз ўтадигандек... Ахир буларнинг ҳаммаси писта пўчоғидан-да арzonроқ ва арзимайдиганроқку. Нега атрофимиздаги яхши одамларга диққат қилмаймиз? Мисол учун, ана Дилноза деган матн терувчи қиз. Наздимда, у ҳар куни бизларнинг асл башарамизни қўриб, томоша қиласди, унда мана шундай имконият бор...

У гўё ҳар куни илиққина салом бериб сўрашадиган, шу ҳайҳотдек улкан хонага кириб чиқадиган қирқ-қирқ беш нафар ажабтовур феъл–атворли, турли-туман фикрли, ўйли-ўйсиз, ҳаёли-ҳаёсиз, уятли-уятсиз кишининг феъли, атвори, бу ҳаётдан мақсади, кейин ўзи учун маъқул ва муносиб билган мақсадлари учун ҳеч нимадан тап тортмаслиги, тубанлиги даражасини – билиб-кўриб ўтирадигандек. Кейин сал фаросати бўлса, менимча, бу қизда фаросатдан етарли, биладики, бу даргоҳда ким нимага қодир. Ахир у ҳамманинг ёзиш истеъдодидан боҳабар бўлиш имконига эга. Ҳали компютер деган “мўъжиза”дан фойдаланишни билмайдиган ё буни кўр-кўрона “машинистканинг иши” деб ор ҳисоблайдиганларнинг ёзганларини оқقا кўчиради. Автомат, дейсиз. Бир дақиқада бир қоғозни ёзиб ташлайди.

Д 1 бўлиб кетган ҳарфларнинг жойлашуви. Агар фаросати етса, бу ношуд “ёзғувчи” ижод аҳлининг ҳар бирига хос бўлган “услуб”(услуб эмиш, нўноклик ва саводсизлик даражаси, деса тўғрирок бўлади)ни ҳам ўзлаштириб олган бўлса ажабмас. Ким гапнинг эгасини қаерга қўяди, ким кесимини дегандек. Ўзи аслида эга-кесимсиз гап тузаверадиган алламбало “услуб”лар ҳам пайдо бўлган бўлса ажабланмайман ...

Аммо, ҳеч қачон унда муомала ўзгариши, bemavrid нуқма ташлаш, ҳазил қилиш, бирорга илғар-илғамас бўлсада, кинояли кулиш ё гапиришни кузатмайсиз. Отасига, тарбия қилган онасига раҳмат шу қизнинг. Нима, унинг ташвиши, эри, боласи, қўшниси билан ё бозорга борганда тижоратчи савдогар билан муносабатларини достон қилса бўлмасми? Жон қулоғи билан эшигадиган, мұҳокама қилиб баҳо берадиган, керак бўлса “текин” маслаҳатини берадиган “мутахассислар” ўтирибди-ку бу ерда ахир. Дарди йўқдегу, аслида балким унинг ичидаги дард бизларнидан оғирроқдир. Ким билади дейсиз? Менга буюклиknинг оддийликда эканига қандайдир ишорага ўхшайди шу қизнинг ўзини тутиши.

Бизлар, яъни бошқалар ўзимизни тута олмаймиз, сабрсизмиз, ўйсизмиз, фаросатсизмиз, маданиятсизмиз... шу қизнинг теграсида, унга нисбатан! Аммо буни ўлсак ҳам тан олмаймиз! Ўлсак ҳам! Шу ҳикматми, шундан бир нарса оладими одам? Шуни айтиб нима орттирадим ўзи? Ўзи шулардан нима наф? Фақат савол бериб ҳам ноҳақмиз! Ноҳақмиз, аммо ҳеч бўлмаганда, шу ҳақиқатларни (нисбатан ҳақиқатларни) эътироф этиб лутф қилганимизни айтмайсизми?

#### 4

Мурод Сафо бир роман ёзибди. Қирққа кириб уйланмаган бу йигитнинг шу қиррасини ёқтирмайман.

Сунъийдек кўринади унинг ҳаёт тарзи. Лекин ўйлаб кўрайликчи, балким у ҳақдир. Ахир бирорни баҳтли қила олишига кўзи етмаётгандир. Ахир фарзандли бўлса, уни қандай қилиб етук инсон қилишини билмаётганиданdir балким унинг бу қарори? Ёки ҳаётда ҳали бу сирсиноатларнинг тагига етмай туриб, уйланишни мантиқка зид билаётгандир у? Билмадим, аммо бизлар эл қатори яшайдиганлар нима каромат кўрсатдик? Ўзим баҳтлиманими? Баҳт ўзи нима? Баҳтлиманими, деган саволга менинг ўрнимда бўлса бир одам дунёда армоним йўқ, деб ҳам жавоб берар балки? Аммо Мурод менинг аҳволимни кўриб раҳми келса ажаб эмас. Ахир баҳт, дегани ҳам шунаقا – бир солиштирганда, чеки-чегараси йўқ абсурд нарсага ўхшайди. Фарзандларим, Худога беадад шукур, ўзимданда қимматлироқ бойликларим. Ота-онам – уларнинг борлигига Оллоҳга беадад шукурлар бўлгай! Рўзғоримда дастурхон, қора қозон қайнаб турибди. Аммо, шулар ва яна машина, иккита ҳовли, яна бир нималар билан мен баҳтлиманими? Мурод бу жумбокқа жавоб топишни истамайди. Ахир мен у айтган йўлдан бормаганман-ку. Унга нима? Унинг йўли бошқа. Унинг йўли ҳамманикidan-да бошқа.

## 5

*Мен ҳамма илмлардан жавоб изладим ва жавоб топа олмадимгина эмас, балки амин бўлдимки, менга ўхшаб илмдан жавоб излаган бошқа одамлар ҳам ҳеч нарса тополмаган эканлар. Тополмагангина эмас, балки очик-оидин шуни эътироф қилишганки, мени тушкунликка олиб келган ўша нарса, яъни ҳаётнинг маъносизлиги инсон эришиши мумкин бўлган бирдан-бир хуросадир. Ажабо, ажабо! Толстойнинг хуросаларини кўринг-а. “Ясная поляналик” қария бу дунёсигаям тупуриб қўйибди! Юксакликдан эмас, иложсизликдан, фойдаси*

йўклигидан... Бутун умр хурилиқолар эъзозида бўлган дейишади уни. У ўлганидан кейин хотини, яъни “момо” фарзандларига “отангларнинг ўлимида менинг ҳам катта ҳиссам бор” деган экан раҳматлик. Уни ўта рашкчи бўлган дейишади. Бўлса бордир. Рашк рашк қилаётган одамни қандай кемирса, рашк қилинаётган кишига ҳам шундай таъсири куч бўлар экан-да! Бу Толстойнинг кампири айтган гапдан хулоса. Толстойки, бу дунёни бир чақага олмаётган, шунча обрў, шон-шуҳратдан кейин ҳам ҳаётидан миннатдор бўлиб, ундай қилиш керак, бундай ёзиш керак деб эмас, бу дунёинг бир тийинга қиммат деётган экан, бир нимани қойил қилолмай халқ ёзувчилигини, ёзганидан бирорвнинг кўнгли тўлмай туриб яна бир нималарни даъво қилаётган адилларни ҳеч ҳам тушунмайманда. Ғиштдай-ғиштдай китобларидан, ўлсин агар, битта янги гап топиб бўлмайдиганларнинг кўкрак керганига ўласанми?

## 6

Мамадиев хонага кириб каллани қотиради: Сизларда, албатта, чой деганлари бўлиши керак, деб ўйлайман, совуган бўлсаям, жа-а ҳиндча бўлмасаям, хитойчами, ўзимизнинг самарқандчами, бизга ўхшаган камбағалларга бўлаверади, қўшничилик, келаверамизда баъзан-баъзан кўнгил тортиб...

Баъзан-баъзан эмиш, кунда-шунда, денг биродар. Бирон кун хато қилганингиз бормиди? Худдики, бир солимлик куруқ чой кўтариб келгандек-а. Ҳангомаси-ку, одамнинг жигига теккани теккан.

“Жуда ижод билан қаттиқ машғулмилар, дейман, муборак бошларини қимирлатиб қўйишга ҳам ишора йўға.” Шу гаплар ҳозир шу ерда ўтирганлардан кимга ёқди? Ҳеч кимга, албатта. Тавба.

У ўзи гапиради, ўзи эшитади, ўзи чойни топиб ичиб, ўзи кетади... Бошқалар бирор белги беришмайди, на бор,

демайди чойни, на йўқ. Қолган пичингми, киноями гапларга ҳам жавоб йўқ. Бирор бошини қимирлатиб “келдингми” ям демайди! Лекин, қарийб ҳар куни шу аҳвол.

“Китобча чиқкан экан, расм беришни унудибман. Болалар чиқаришган экан...”

Мулла йигит, нима, сиз Абдулла Орипов ё Эркин Вохидовмидингизки, китобингизни бирор чиқариб барака топса? Ўзи бир брошюранамо нарса бўлса керакки, ўша қўлбола ноширлар чиқарган, бир нима деб уларни ҳам орзулатган бўлсангиз эҳтимол. Аммо Мамадиев деган шоир, ҳа, ашъорларини ўқиб барака топиш мумкин бўлган шоир борлигини бу дунёда кимдир билармикан?

Менинг жиғибийроним чиқади, қоним қайнайди. Ана, кўрдингизми, яна шунаقا бўлиб кетяпман, ўзимдан чиқиб кетяпман... Тавба, нега бунча асабийлашишим керак ўзи? Менга нима? Мамадиевдан беш баттар пастроқ бўлиб халқ шоирлигига даъво қилганлар қанча-ю, ҳа, ҳадди сиққандир, ҳа, бир мақтангиси келгандир, одам бировга ичидагиси – яхшидир-ёмондир, гапини айтса, бунинг ёмон жойи борми? Нима, арпангни хом ўрганми, бунча кенаб чарчамаяпсан Мамадиевни?

Мамадиевнинг хонадоши Халимов ҳам ёқмайди менга. Бошқаларга ҳам ёқади, дея олмайман уни. Носамимий. Эй ака, деб худди бир ой кўришмаган қадрдондек кучоқлашмоқчи бўлади, ҳартугул вилоятда бироз ишлаб келганидан кейин сал тортилиб қолгандай. Тавбангдан кетай, худди менга бир дарддошдек-а, кўришганида кўзида нур йўқ, кўзингга тик қарамайдиям. У хонага кираверса, дарров мазахи гап бошланади:

– Ҳа, Рўзикул бу, Бўстонлиқда очган нотариусингиз Бекободдагидан ҳам гавжум-ку. Қандингизни уринг-а, бекорга юридическийда ўқимаган экансизда-а?

– Ҳа, энди Бригад (Бу Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Дев билан пакана” фильмидан келиб чиқкан сўз), бизнинг

нотариуснинг иккови келтираётган даромад Ҳусанбойнинг Жиззахдаги иккита супермаркетидан бирининг даромадига ҳам етмайди. Кеча олган машинасини кўрдингизми?

Бундай пайтда мен ҳам отни қамчилаб қоламан:

– Акалар, одам бироннинг мошинига минса дарров қуллуқ бўлсин, дейиш керак, нархини сўраманглар, шу сизлардай акаларга хизмат қилсин, деб олдик. Дунёга бир келамиизда ахир.

– У Жиззахда ишлаганида ҳамма томонни ўпириб келган-да, – қўшилади яна кимдир.

Бу Халимовнинг реакция қилиши учун айтиладиган ёлгонлар. Каёқда дейсиз, аслида бу тўртовлон тушликка пул тополмай хонада кўк чой билан Маннонжоннинг хотини тайёрлаб берадиган сухарикларни сўриб ўтирибди. Халимов реакция қиласи лекин. Кўзлари нурсизланиб, у ёқ-бу ёкка алантглаб бошлайди. Унда кўролмаслик, ичи қоралик касали бор. Тузалмайдиган касалликлардан бири. Мана, у қанақа одам. Яна, эй ака, қалайсиз, деб тиркалишига ўлайми? Менга бунақа юзида ниқоби бор, бўлганда ҳам, яққол намоён бўлиб турадиган кимсалар умуман ёқмайди. Кимга ҳам ёқарди улар? Бундайлар тоифасига анави Парвозни ҳам киритса бўлади. “Эй, ака”га қўшиб “Янгаларнинг ҳаммаси яхшими”, деб хи-хи қиласи. Ахмок, бу нима деганинг, биринчидан, ёш жиҳатдан бундай гапиришга ҳаққинг йўқ, иккинчидан, қанақа янгалар. Падарлаънат, ўзи биттасига зўрга чидаб юрибмиз-у.

Нима бўпти, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Айтса айтар, шу билан хурсанд бўладиган бўлса, икки марта айтавермайдими? Э, ўн, минг марта айтмайдими шуни? Шу билан осмон узилиб ерга тушармиди? Шу билан сенинг хотининг иккита бўлиб қолармиди? Ахир буларнинг ҳаммаси арзимайдиган, ўйлашга ҳам, гапиришга ҳам, умуман сариқ чақага ҳам қиммат гапларку!

... савол қуйидагича түрүр: “Мен бүгүн қилаётган ишдан қандай самара чиқади? Эртага қилаған ишимдан-чи? Менинг жасамики ҳаётимдан нима маңын чиқади?” Бошқача қилиб ифодаласа, савол бундай бўлади: “Мен яшаб нима қиласман? Бирон нарсани исташимдан нима маңын? Бирор иш қилмоғимнинг нима кераги бор?” Яна бошқачароқ саволни бундай ифодаласа бўлади: “Ўлим ҳақ, мен, албатта, бу дунёдан ўтаман. Менинг яшашимда шундай маңын бормики, менинг ўлимим уни маҳв эта олмаса?”

Оғир саволлар, шундайми? Толстойнинг жавоб топа олмаган, аниқроғи, жавоби йўқ саволлари. Энди бунга мен жавоб излайми – ҳожати йўқ. Мен жавобни ҳаётдаги феълатворим ва яшаш тарзимдаги ўзига яраша ўзгаришлар билан топишим мумкин, деб ўйлайман.

Ошга кетатуриб йўлда сермасланиб турган икки аёл билан саломлашиб қўйдик, ўн йилдан ошдики, бирга ишлаймиз ва биламиз – уларнинг кимлигини. Очифи, уларга нисбатан фикримиз бузилмаган ҳеч ҳам. Аммо ҳаракат бор... Улард!

Қилиқлар, кийимлардаги оттенкалар. Бўрттириб кўрсатишга уринилади баданнинг одамнинг эркакман, деганини қизиқтириши эҳтимоли бўлган нуқталарини... либослар орқали. Кейин гап-сўзларда ҳам қандайдир таманноларни қузатасиз. Ажабо, ошга кетаётган йигитлардан бирига Одинанинг мени ўзингиз билан обкетмайсизми, деган гапини ҳаммамиз эшитдик.

Ажабланиш ҳисси қанча одамда бор? Йўқ, одам ўзи бирорни ҳайрон қолдириш, лол қилиш, ҳайратга солишини хуш кўради, ваҳимага ўч, шов-шувнинг кетидан қувади. Эшитдингизми, ҳозиргина айтишларича, ва ҳоказо жумлалар билан бошланадиган бундай шум(асосан шум хабарларга ўчмиз) хабарни биринчи бўлиб гапираётган

одамларни күрганингда тавба, нега энди бирорнинг бошига тушган күргилик ёки бирор қилган хато учун бу одам яшнаб кетаяпти, бунча кайфияти күтарилаяпти бунинг, деб ўйлайсан бехос. Гарчи куйиниб, ўша одамга дардкашдек кўрсатиб гапирса-да, шу воқеани бўрттириши, одамларнинг янада фаолроқ, диққатларини бериб эшишиларини истаётганидан бу одамнинг кайфиятидаги ҳолатни сезмасликнинг иложи йўқ. Аммо, уч-тўрт кундан кейин бу шов-шувнинг ҳам қиймати йўқолади. Ўша одамга ҳам эътибор пасаяди, умуман, шу довдир-совдирлик билан бу тоифа одамлар барибир озми-кўпми, обрўларини ҳам йўқотиб боришади.

Энди ўйлаб кўрсам, мен ҳам худди шундай кишиларга ўхшаб кетаётгандекман... Сизчи, ажабланманг, аслида сиз ҳам шундайларнинг бирисиз... Ўзингизга холис баҳо беришга ҳаракат қилиб кўринг-а...

**2010 й.**

# У С Т О З

## 1

...Йўлдамиз. Хурсандман. Ака одатдагидек, таклифга кўп ўйлаб ўтиrmай, чўрт кесиб жавоб берди: “Кетаверамиз”.

– Бизнинг машинада кетамиз, – дея қўшиб қўйди кейин қатъий қилиб.

Ёқилғи масаласида қийналиб турганимдан, бу жуда маъқул келди. Энди, аканг қарағай рулда, ҳангомалашиб кетаверамизда – Зомин, қайдасан, деган қўшиқни айтиб...

– Уйга кириб формани янгилаб олсак – таклиф килди устоз. – Посон кўйлакларни ечиб далабопини эгнимизга илмасак, бу иссиқда кийимлар ҳам ўзимиз билан бир бўлиб кетмасин.

Келинойи акани кузатар экан, улар ўртасидаги икки оғиз сўз ўйини ҳам кишига мамнунлик бахш этади.

– Ҳусанжон, акангиз ёш йигитлардай қизил футболка кийиб чиққанини қаранг, – деди янга ҳазиломуз.

– Устоз ҳали навқирон йигитларда ўзиям, – деб юбораман мен ҳам.

Бу гап акага маъқул келди чамаси, навбатни қўлдан бергиси келмади:

– Чечангиз бизни вообщем чолга чиқариб қўйган, шундай деб одамни кўнглини кўтариб қўйинг-а.

Хуллас, янганинг дуосини олиб йўлга чиқдик.

Катта кўчага чиққач, шу яқиндаги дўкондан у-бу харид қилгандек бўлдик. Жиззахдаги укаларга “қултамитсин”ни ўзимиз оламиз, деб айтиб қўйган эдим, кейинги масаламиз шу эди.

Ўрикзор яқинидаги “шакир-шукур” – шундай дея қолайлик (бу ибора Ҳамроқул деган амакимнинг топган атамаси, у дастурхондаги ноз-неъматларга “лаққи-луққи”, анови қулинг ўргилсинга эса “шакир-шукур” деб ном

қўйган, “лаққи-луққи” минг зўр бўлмасин, иккита “шакиршукур”сиз ҳеч расамадисига келмайди-да, деб қўяди бир юз элликни отгандан кейин), дўконига кириб “Ассурийский” деган янги чиққанидан иккита олиб машинага жойладик.

Йўл унча узоқ бўлмаса-да, юзга лопиллаб урилаётган гармсел, кейин менинг тушликкача “загар” олганим, аканинг бир бош оғрифи мажлисдан чиққанини эътиборга олсак, ҳар ҳолда бу йўл жуда осон кўринмасди. Менинг хаёлимда битта нарса – сафар баҳона у кишининг кўнгил мулкига саёҳат қилиш, уни англаш ва қоғозга тушириш. Бу осонмас. Аслида устознинг биз шогирдлар яхши биладиган ва ҳаммамиз учун сирли бўлган битта хислати бор. Баъзан муайян масаладаги фикрини узокдан олиб келиб, хulosасига келганда, тугал фикр айтмай, қийнайди. Аникрофи, у кишининг нима демоқчи эканини ўзимиз тушуниб олишимиз керак. Бу масала кейин мен, Ўрол (акага кўп йиллар ёрдамчи бўлиб ишлаган, ҳозирда “Инсон ва қонун” газетасининг етакчи мухбирларидан), Худойназар (Ўзбекистон радиосида адабиёт таҳририяти бош муҳаррири) каби “доно”лар ўртамиизда роса таҳлил-талқинга сабаб бўлади. Менимча, устоз бир нарсани назарда тутган бўлса, Ўрол бунга мутлақо бошқача тўн кийдиради, Худойназар укамизнинг тушунишлари бундан-да кутилмаган бўлиб чиқади. Шунинг учун бунаقا пайтда мен “консенсус”га келиш учун жўраларга мурожаат қилишимга тўгри келиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Устоз раҳбар бўлган чоғларида бизларга мансаб бериб эркалаган эмас, гапнинг энг огирини ҳам ўзимиз эшитардик, олдига кириб бирор шахсий масаламизни ҳал ҳам қилган эмасмиз. Олайлик, мен Жиззах телерадиокомпаниясида беш йил раис бўлиб ишлаган бўлсам, зўр-базўр бир марта йўл-йўлакай тўхтаб бир пиёла чойимизга шерик бўлган, холос. Аммо, ғоявий етуқ, бундай кучли мафкурачи билан бирга ишлаш, у кишининг бевосита

топшириқлари билан кўрсатувлар тайёрлаш бизни ҳақиқий даражада пишитган. Беш-олти марта ўзлари чақириб топшириқ берганида мен, олайлик, “Сиёсат” таҳририятининг мухаррири, ўзимни унча мунчасига гал бермайдиган ақли дониш деб билсам-да, ҳали кўп нарсага ақлим етмаслиги, бир сўз билан айтганда, журналист сифатида ҳам билимим ҳали мақтангулик эмаслигини англаб етганман. У кишининг мавзуларни очишда қайси жихатларга эътибор бериш кераклиги, сухбатдошдан керакли сўзни қандай қилиб “суғуриб” олиш мумкинлиги, бугун давлатимизнинг кўтарилаётган масаладаги позицияси қандайлиги ва ҳоказо йўналишлардаги ҳар бир кўрсатмаси, аникроғи, танбеҳидан кейин бир неча кун чуқур ўйга ботиб юрадим.

Бундан ташқари, устозга тан беришимнинг яна бир жихати шунда эдики, мен мафкура, маънавият ва маърифат билан бевосита ишлаб юрган жуда кўплаб етук олимлар, мутасадди раҳбарлар билан ҳамсұхбат бўлиб, уларнинг билим ва савияларини таққослаш имконига эга эдим. Айнан ўша таққослаш ва қиёслаш хulosалари ўлароқ, Абдусаид Кўчимовдек мамлакатимизнинг олд қатор мафкурачиси билан бирга ишлаётганимдан ғуурланардим.

## 2

Зомин ёзда оромижон масканга айланади-да. Шаҳарнинг дим муҳити одамни бўғиб ташлай, деб турган мавсумда бир бориб унинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиш кишига шу қадар ором баҳш этадики... Ҳар йили бир марта Зоминга боришни Жиззахда, вилоят телерадиосида раис бўлган чоғларимда одат килганман. Ишхонадагилар билан бирга касб байрамимизни Ўриклида ўтказардик. Рона мириқиб дам олардик.

Ўзи одам сафарда синалади. Бир жойда ўн йил бирга ишлаб ҳам одамни бир марта сафарга чикқанчалик таниш қийин. Бурноғи йили түрт жўра Зоминга чиқадиган бўлдик. Улар билан яқин ошначилигимиз бор. Тушликларга бирга борамиз, туғилган кун, тўй-аза дегандек. Аммо, ўша сафардан кейин мен улардан узоқлашиб кетдим. Икки кун бирга юриб, уларнинг мендан анча олис турадиган, дунёси бошқа қитъада жойлашган йигитлар эканига амин бўлдим. Энди менда уларга нисбатан самимият йўқолганди. Мен уларга кўр-кўрона, яъни ичимда хушламай, ташимда замзама қилишни хуш кўрмайман. Кейин ўйлаб қарасам, аслида ҳаётдаги баъзи илкис суринишларимга ҳам шу – характерим сабаб бўлган эса ажабмас.

Хуллас, Зомин йўлидамиз. Сирдарё вилояти марказига етар-етмас, йўлимизни тўсган ДАИчиларнинг кўзига иссиқ кўриндим, чамаси, ”Э, ассалому алайкум, aka, узр, танимабмиз”, деди қўлини чаккасига келтириб. Телевидениега чиқмай кўйғанимга беш-олти йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, баъзи юргдошларимизнинг таниб қолишлари хурсанд қиласди албатта. Қолаверса, тезликни оширган эдик, бундай пайтда телемашхурликнинг фойда бергани рост.

Хужжатларимизни кўриб ўтирмай, “оқ йўл” тилаган лейтенант “Кўриб турамиз, жа оборасиз ўзиям” деб кўшиб қўйди. Илгари, бундан ўн йиллар олдин, хақиқатдан ҳам, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар мутасаддилари билан бир-бировимизни “обориб-обкелардик”, эсимда, аммо бу йигит охирги марта мени қачон телевизорда кўрганийкин, шунга ҳайрон бўлиб турсам, устоз сухбатимиз ўзанини ўша йилларга, аниқроги, биргаликда жўшиб ишлаган даврга бурди:

– Матбуотнинг, телевидениесининг кучи, унинг одамлар ҳаётидаги ўрнидан дарак бу, демак, оз бўлса-да,

одамлар эътиборига тушган экансиз. Бундан хурсанд бўлиш керак.

Мен 1999 йилги парламент ва 2000 йилги Президент сайловларини эсладим. Биринчи шов-шувга сабаб бўлган кўрсатув сиёсий партияларимиздан бирининг ўша пайтдаги раҳбари билан тайёрланган эди. Анча тортишувлар билан кечган мулоқотни монтаж қилиб, ҳар ҳолда инсонийлик нуқтаи назаридан у кишини чақириб тайёр кўрсатувни кўрсатдим. Мени баъзи масалалардаги тортишувларимиз одоб доирасидан чиқиб кетмаганмикан, деган истиҳола безовта қиласди. Қаҳрамонимиз кўрсатувни синчилаб кўриб чиқди ва хўрсишиб қўйди. У кишидан астойдил қайси нуқтаси ёқмагани, эътирози бўлса айтишини сўрадим. Аммо у кўрсатув ёмон чиқмагани, аслида шундай тортишув ва баҳслар кераклигини билдири.

Кўрсатув эфирга кетгач, уч-тўрт кун қўнғироқлар тагида колдим. Дарҳақиқат, сиёсий мавзуда, қолаверса, жамиятда ўз ўрнига эга эканлигини мудом даъво қилаётган аъзолари сони жиҳатдан энг нуфузли сиёсий партия раҳбари бир қарашда мухбир саволларига жўяли, асосли жавоб бера олмаётган эди. У берилган саволни жавобсиз қолдирмас, бироқ мулоҳазалар жуда жонсиз, моҳиятан қўйилаётган масаланинг ичига кира олмаётган эди. Хуллас, саволлар кескир бўлиб, жавоблар шунга муносиб эмасди.

Савол беришдан осони йўқ, деган фикр бор. Аммо, бу тўғри эмас. Аввало, берилаётган саволлар мантиқли бўлса, мавзунинг очилишига хизмат қиласагина сұхбат жонли бўлади. Яъни, айтмоқчиманки, савол бериш ҳам осон иш эмас. Энг аввало, бу сиздан мавзудан хабардорлик, керак бўлса, сұхбатдошингиздан кам бўлмаган билим, кейин саволни айнан қайси нуқтада бериш, бунинг мавридини белгилаш, қолаверса, сұхбат-мулоқотнинг тизгинини қўлда тутиб туриш – булар муайян даражада малака, савия талаб этадиган масалалар. Шу маънода,

телевидениеда сиёсий партиялар мутасаддилари ва умуман, турли мавзулардаги жиiddий мулоқот-сұхбатлар ортида кагтагина меңнат туришини таъкидлашни истардим.

Албатта, баҳслашиш маданияти ҳам ўзига хос талабларни ўртага қўяди. Ҳаддан ошиш, маҳмадоналиқ қилиш бундай чоғда қилинган меңнатни бир пулга киммат қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Менинг ўзимга баҳоим ёмон бўлмаса-да, барибир ички бир ҳадик бор эди. Шунинг учун бундай пайтларда Абдусаид аканинг олдига кириб саволлар, тайёрланган лавҳалар, фактларни кўрсатиб чиқар эдим. Мен ҳар гал устоз ҳузуридан чиқар эканман, мўлжаллаган режаларимга бир қатор таҳрирлар киритардим. Абдусаид аканинг нуктадонлиги шунда эдики, партия мутасаддилари саволларга жавоб беришда айлантириб кетишлари мумкин бўлган томонлардан огоҳ этиш билан бирга, ўша даврда сиёсий жараёнлардан оддий одамлар яхши хабардор бўлишлари, уларнинг сайловларда фаол иштирок этиши, қайси партиянинг қандай сиёсий куч эканини билиши жуда мухим эканлигига эътибор қаратарди. Ростдан ҳам, устоздан қўшимча қилинган бир неча савол режалаштирилган кўрсатувнинг ўткирлигини, қўйилган масалаларнинг кескинлигини оширади. Умуман, бу биргина мен билан боғлиқ воқеалар, аслида эса, телевидениеда ўша йилларда ташкил этилган “Юзма-юз”, “Таҳлилнома”, “Долзарб мавзу”, “Сайловлар ва биз”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Миллий манфаат” каби ўнлаб таҳлилий дастурларнинг сценарийлари асосан шахсан раҳбарнинг хонасида ўз маромига етказилиб пишиб чиқарди. Буни ушбу дастурларни тайёрлаган ҳеч бир ҳамкасбимиз инкор этмаса керак. Мен масаланинг бошқа бир жиҳатига – мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари ичида энг етакчиси бўлган ташкилотга муайян масъулиятни ўз елкасига тўла ола биладиган, ечимини кутаётган долзарб муаммоларни кўтариб чиқишдан кўрқмайдиган зукко,

ғоявий жиҳатдан етук раҳбарнинг бош бўлганини таъкидлашни истар эдим.

Ахир раҳбарингиз бирор таклифингизнинг амалга ошишидан ҳадиксираса, “таклиф” ва “ташаббус” деган сўзлардан ўлгудай кўрқса, ўзи эса бирор жўяли йўл кўрсата олмаса, билгани – “у мумкин эмас, бу мумкин эмас” бўлса, ундаилардан халққа, жамиятга нима наф ахир

### 3

Куёш қибла томонга қизариб ботаётган маҳалда Зоминнинг тоғли худудига кетиш йўли бошланишидаги янгидан очилган ошхонага қўндик. Ҳарсанг тошлар гирдига цемент ялатиб кўтарилиган супалардан бирига жойлашиб мордашқуриб ўтирганча эсаётган шабададан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Нақадар ҳузурбахш эди бу. Зоминнинг ўзига хос яхна, тандир кабоб, жиз каби таомларини кўпчилик билади. Охирги йилларда Зомин кабоблари ҳам тилга тушган. Биз ҳам кабоб буютиридик. Олис йўлнинг чарчоғи ёқимли таассуротлар таъсирида кўтарилигандай бўлди. Суҳбатимиз ҳам шунга уйғун эди. Мен “махфий режа”мга асосан ўртага савол ташлайман.

“Шогирдларим кўп деб хурсанд бўламан, – дейди Абдусаид ака менинг шогирдларингиздан қўнглингиз тўқми, деган саволимга жавобан. – Мана, ҳар доим ёнимда ёшлар. Бирга ишлашдик, ниманидир сизлар мендан ўрганган бўлсаларингиз, яна ниманидир мен сизлардан ўрганиб келаман. Очиги, ҳар бир инсон ўзи бир олам. Бироннинг бирорга таъсири, хиссаси жуда кўп бўлавермайди чамаси. Асли илгига бўлсин ҳар кимнинг...

Мана, мисол учун, Ўрол жўрангиз, адабиётни – дунё адабиётида чуқур илдиз отган оқимларни яхши билади, асарни тушунади, тушуниб таҳлил қиласи, ўзига хос қалами бор, ёзаман деса гўзал ҳикоялар, публицистикалар ёзади. Унинг ўзбек ва жаҳон адабиётини



*Отам ва онам – бизларни уларнинг дуолари асраб юрибди...*



*Аҳли аёлимни жондан азиз фарзандларим билан ўзим суратга олганман.*



*Фарзандлар – шулар учун яшаймиз!*



*Зомин тоғларига оиласый саёхатлар (2006 йил)*



Волга дарёси кишини  
сокинликка чорлайди. 2008 йил



Талабаликдан хотира – дүстларим Азамат Сафаров  
ва Баҳриддин Қўшмоновлар. 1992 йил.



Мирзааҳмад Норбеков – қаодрон акам. 2010 йил, Алушта.



*Қадрдон акам Олимжон Маматқұлов ҳамда гид қызы  
Эльмира (у ҳам асли Фарғонадан экан) билан Исломил  
Гаспринский уй-музейида. 2010 йил*



*Қадрдон акаларым  
— Ропижсон  
Кудратов (Аллох  
рахмат құлсын) ва  
Неъмат ҳожи  
Ортиқов билан.  
2011 йил.*

нозик тушуниши, зукко талқин қилишига, айникса, ҳавас қиласман. Факат ўзимизга ўхшаб дангасалиги бор – ёзишдан кўра маслаҳат осонроқ, деймизку ўзимизам кўпинча. Лекин газетага ўтганидан кейин анча очилди, ўтган йили ёзган мақолаларининг ҳар бири ўзига хос ҳужжатли асардай ғап бўлди-ку. Биз бир-биримизни турткилаб, ёз-ёз деган гапни тез-тез айтиб туришимиз керак.

Шеъриятда ҳам, насрда ҳам, публицистикада ҳам истеъоддининг ўрни катта. Ўзида бўлмаса, зўракилик билан шоир ё ёзуви ясаб бўлмайди. Шундай экан, устоз-шогирд деган гапларга ҳам нисбий қараш керак. Масалан, сиз билан бизга устоз-шогирдликдан кўра ака-укалиқ кўпроқ ярашади деб ҳисоблайман. Нима дедингиз?”

...1997 йилнинг декабри. “Сиёsat” таҳририятига бош муҳаррир бўлганимга бир ойлар бўлган. Тўгриси, телевидениенинг муҳити менда оғир таассурот уйғотиб юрган пайтлар. Бу вазифада иш бошлаган кунларимда учтўрт нафар кекса ҳамкаслар кириб менга “оқ йўл” тилаган бўлишди. Уларнинг эътиборидан хурсанд бўлдим. Аммо, бу ҳаммаси эмасди. Бир қарашда ҳурматга лойиқ, деб билганим – улардан бири, ўзининг “самимий акалик” маслаҳатини шундай билдириди: “Бу жойда ҳеч ким олти-етти ойдан кўп ўтиргмаган. Шунинг учун тез-тез ишлаб ол”.

– Яъни... – ҳайрон эдим мен.

– Кимнидир ишга жойлаштири, кимгадир эфир ажрат, хуллас, танга йиғишга фурсатинг кўп бўлмайди.

Янги кўрсатувларни мияда пишитиб, ғоялар ичida илҳомланиб яшаётган бир пайтимда бу гапларни эшитиш гўё бошимга совуқ сув қуйгандек эди. Ўша-ўша анча пайтгача кайфиятимни бир маромга келтира олмадим. Ахир, катта жамоа, телевидениенинг етакчи таҳририятиларидан бири бўлса, барибир сизнинг жўшқинлигиниздан тортиб тушқунлигинизгача

жамоадошларингизга озми-кўпми таъсир қиласи. Айниқса, телевидениеда. Бу жойнинг об-ҳавоси шунаقا.

Шундай кунларнинг бирида кечга томон телефон жиринглаб қолди. Одатда, ички телефон икки хил: оддий ходимлардан келса – узиб-узиб, тегишли раҳбарларнинг линиясидан бўлса – тез-тез ва шитоб билан жиринглайди. Бу иккинчиси эди. Гўшакни олсам, раис. Хулласи калом, емаган сомсага пул тўладим. Бизга тааллукли бўлмаган масала учун роса “пўстагим қоқилди”. Ҳали эфирга кетмаган, аммо қўрик вақтида раҳбаримизнинг кўзи тушиб қолган бир кўрсатув сабаб бўлганди бунга. Мавзу бизга тегишли. Аммо у очиб берилмаган, кейин уни қўриб Абдусаид акада мухбирнинг холислигига ҳам шубҳа уйғонган эди. Бунинг устига, шу пайтларда бир ходимимизнинг вилоятлардан бирида шубҳали ишлар қилгани ҳақида гап урчиб, шундан ҳам асли у кишининг кайфияти йўқ эди. “Ходимларни нега бошқара олмаяпсиз, ёки ўзингиз ҳам шерикмисиз”, деган таънали гапларни эшитиш мен учун жуда оғир эди.

Менталитетимиз шундай: раҳбарга гап қайтариб бўлмайди, қолаверса катта рангдагисига. Ўзи бир алфоздаги аҳволимга бу воқеа ҳам қўшилгач, тарвузим қўлтиғимдан сирғалиб уйга қайтдим. Бу тахлитда ишлаш менга, менинг характеримга мутлақо тўғри келмасди. Чунки, ичим тор бир одам бўлсан, майда-чуйда нарсага ҳам ўзимни еб ташлагудек қийналаман-у... Йўқ жойдан бунақа гап эшилаверсан, қўп узоқ яшашимга ҳам кўзим етмайди. Уйга бориб бир кўтаришда юз элликтани уриб дум-дурс уйкуга кетдим.

Эртаси аzonда келиб аризани ёздим. “Ўз ихтиёrim билан бошқа ишга ўтиб ишлашимга рухсат беришингизни сўрайман...”. Қанақа иш бераркан, дея ўйлайман. Бир кўнглим, “Ассалом Ўзбекистон”га мухбир қилиб ўтказса бўлди эди, бирон кунни чиройли қилиб тайёрлардим, деган

ўйга келаман. Сўраб ўтиармиди, кайфиятига қарайди-да. Ҳали иш берсаям... Мабодо, ўзимдан сўраб қолса-чи, бу ҳолда нима десам тўғри бўлишини чамалайман. Хуллас, шунаقا талмовсираб турсам, директор телефон қилиб хонасига киришимни сўраб қолди.

Телеканалнинг ўша пайтдаги раҳбари яхши йигит, энг муҳими, телевидение иши бўйича иккита кучли мутахассис бўлса шунинг биттаси эди. Ишхонанинг “кухня”сини жуда яхши биларди. Бирор тезкор топширик бўлиб қолса, уни ташқарига чиқиб ўтирмасдан бажаришнинг йўлини топарди. Қойил қолардим ва ҳавас килардим. У раис томонидан берилган топшириқлардан менга тегишлисини етказа туриб, “Ҳа, бурга тепдими, қовоғингиздан қор ёғаяпти”, деб луқма ташлаган бўлди. Менга ҳам шу керак эди, дарров ичимдагини тўкиб солдим. У “дард”имни эшитиб роса кулди. “Сиз шу гапга шунча додвой қилсангиз, бизлар эшитаётган танбеҳлардан сўнг ўзимизни осишимиз керак экан-да. Боринг, мазгини қотирманг”, – у гапга шу тариқа нуқта қўйди.

Бироз бўшашиб кабинетимга қайтдим. Эшикни очишим ҳамоно телефон кечаги шиддат билан ўзига чорлар эди. Гўшақда яна раис. Абдусаид аканинг мулойимлигини кўрсангиз... “Ассалому алайкум, оқсоқол, дея сўз бошлади “шеф”, бундан бўён ишни сизга салом беришдан бошлашга аҳд қилдик. Чунки, сиёсатимиз кўлингизда. Тақсир ...”

Кейинги гаплар аҳамиятли эмасди, айтса ҳам, айтмаса ҳам, ёзиб олса ҳам, ёзиб олмаса ҳам бўлаверадиган “дежурний” гаплар. Энг муҳими, раис кеча бироз қизишгани, яна дент, ноҳақ танбеҳ берганини ўзи билгач, шуни юмшатиш учун мулозамат қилаётганди. Билмадим, керак вақтда бундай “паст”га тушиш ҳамма раҳбарнинг ҳам кўлидан келармикан? Аммо, билганим, шу биргина воқеанинг замирида ҳам раҳбарлик салоҳияти, ҳам инсоний некбинлик ва адолат уйғунлашганди. Мен бундай

вазиятларнинг кўпини кўриб раҳбар қандай бўлиши керак, деган маънодаги талайгина саволларга жавоб топганман. Абдусаид ака билан тўққиз йилга яқин бирга ишлашган бўлсак, бундай вазиятлар кўп такрорланган. Камтарлик, холислик, инсоннинг қалбини англаш, кечиримлилик, керак жойда, ходимларнинг кўнглига қараш, уларни ноҳақликлардан ҳимоя қилиш каби фазилатлар раҳбар шахснинг безаклари бўлишига гувоҳ бўлганмиз. Йиллар давомида кўриб-билганларимиздан сўнг бу инсонни устоз дейишга ўзимни ҳақли сезаман.

#### 4

Ўрикли адабиёт аҳлиниңг севимли масканига айланиб ултурган. Қўлига қалам тутган ёшdir, кексадир кўп йиллар давомида мунтазам ўтказилиб, анъанага айланиб кетган Зомин гурунгларида қатнашган ва ёз жазирамасида юртимизнинг ушбу боҳаво ва сўлим масканидаги илҳомбахш сухбатлар, адабий кечалардан куч олган, кувват олган. Шу маънода Абдусаид ака иккаламизга Ўрикли янги “кўриқ” эмас. Бўш коттежлардан бирига жойлашиб чарчоқ ёздига киришдик. Уйқу маҳали аллақачон келганди.

Эрта тонгдан устоз “тарки одат, амри маҳол” деганларидек, тоғ ён бағирлари бўйлаб сайрга чорладилар. Мен у кишининг одатларидан яхши хабардор бўлганим учун ҳадиксирабгина орқаларидан эргашдим. Абдусаид ака ҳар тонг иш вақтигача камида беш-олти километр пиёда юришга одатланган. Бунга кўплар, айниқса, менга ўҳшаган “дангаса”лар чидармидик. Ўриклида бўлган саноқли кишиларгина бу жойдан сўқмоқлар орқали “Зомин санаторийси”га олиб чиқадиган тоғнинг тепасигача борган. Бизлар ҳам бордик – биримиз ихтиёрий, биримиз мажбуран. Раҳмат-э!

Сўқмоқ йўл ёқалаб бизгача ҳам ўнлаб, юзлаб, балки минглаб одамлар бу томонларга ўтишган. Илонизи йўллар

бунга гувох. Бундан ташқари, тошларга битилган исмлар, “севдим-куйдим” мазмунидаги сўзлар, дараҳтларнинг таналарига ўйилган нақшлар, синдирилган шоҳ-шабба, шарқираб оқаётган катта сув бўйидаги тегилавериб тайпокланиб кетган тошлар ҳам бу ерларга минглаб одам оёқ босганилигини билдиради. Аммо одам табиатнинг энг ноёб мўъжизаси бўлиш билан бирга афсуски, хом сут эмган бандаси ҳамдир. Йўл бўйлаб аёлники-эркакники аралаш ич кийимлар, сув бўйига ташланган чиқитлар... Буларни кўриб одам чин маънода озорланмай иложи йўқ.

“Бизга Оллоҳ берган мана шундай жаннатмонанд табиатнинг қадрига етмаганимиз чатоқ, – дейди Абдусаид aka куйиниб. – Ахир куйида жойлашган ўнлаб қишлоқларнинг аҳолиси бу ариқдан сув ичади. Отабоболарнинг сувга туфлама, гуноҳ бўлади, деган улуғ ҳикмати қаёқда қолди? Инсоғимиз, диёнатимиз қани?

Бундай ҳолатда қоидабузарларга қатый чоралар кўриш керак. Биз буни ўз жонимиздан, баданимиздан ўтказмасак, ақлимиз кирмайди”.

Шу жойда икки кун аввал эшитган латифани сўзлаб бердим.

“Айтишларича, шайтон эндинга ақлинни таниётган фарзандига бу дунёдаги бор мавжудотларни таништираётганмиш. Мана бу – йўлбарс, уни ўрмонлар шоҳи ҳам дейишади, ундан ҳамма жониворлар қўрқади. Буниси тулки, унинг шумлиги, айёрлигидан келиб чиқиб, бизга яқин кўришади, буниси тошбақа, ҳокисор жонивор...

Шу пайт бола шайтон шу атрофда юрган одамни кўриб қолиб,

– Ота, анави ким? – дея сўрабди.

Шайтон ўз боласига ҳаяжон билан таништирган экан:

– Болам, шунисидан эҳтиёт бўлганинг маъқул. Бу “жонивор”ни “одам” деб атайдилар. Ҳамма қилғилиқни ўзи қиласди-ю, жавобига келганда, бизга тўнкайди”, – дебди.

Кулган бўлдик. Кулгилими эди бу? Агар кулгили бўлса, ўзимизнинг устимиздан эди бу кулгу.

Абдусаид ака кечаси алламаҳалгача ухламади. У кишининг бирон илинадиган гапми, иборами, латифами, ҳикоятми эшишиб қолса, ҳар доим ёнида ёлиб юрадиган ёндафтариға ёзиб қўядиган одати ҳам бор. Бу сафар билдимки, мен айтган латифа унга илҳом берган эди. Эрта тонгда устознинг навбатдаги асарининг ilk укувчиси бўлишга муяссар бўлдим:

### ШАЙТОННИНГ ЎГИТИ

– Бўтам, – деди бир кун Шайтони лайнин.  
Сўниб бораётир умрим чироги.  
Сенга бу дунёни таништирайин,  
Улгайгач, хатолар қилма, чирогим.  
Жондору жонзоротлар оламда бисёр,  
Барчаси Эгамнинг азиз мулкидир.  
Уларнинг ичиди доно ва ҳушер,  
Бизга энг яқини мулла тулкидир.  
Бақаламун дерлар мана бу қуртни,  
Табиатга мослаб турланар тез-тез.  
Болта кесолмайди сенинг ҳам муртинг,  
Борган манзилингда қолдирмасанг из.  
Анови шалтангни ҳўтиқвой дерлар,  
Бу нокас танҳодир модаркушиликда.  
Найнов жирафани бўрилар, шерлар  
Нонхуруши қиласди ҳар кун тушиликда...  
Шу пайт муюлишида кўринди бир зот,  
Суяниб олганди таёқ-ҳаччага.  
Икки қўл-оёқли ушибу мавжудот,  
Антиқа кўринди шайтонваччага.

*Қариянинг эса афти бужмайиб,  
Дардчил хўрсинишидан тиришиди жисими.  
– Созлаб таниб олгин, бесас илжайиб  
Тургувчи бу каснинг “одам”дир исми.  
Ақли заковатда бўлгани каби  
Шумлик бобида ҳам йўқдир қиёси.  
Беозор тиржайиб турса ҳам лаби,  
Фитнага тўладир икки дунёси.  
Булар шундай каски, этини шилиб  
Олади устозу паноҳларини.  
Барча қилғиликни ўзлари қилиб,  
Бизларга тўнкайди гуноҳларини.  
Шул бўис бобонгни айлай дессанг шод,  
Ҳалол топай дессанг ризқи рўзингни.  
Одамзот наслидан бўлгин эҳтиёт,  
Одамзот наслидан асрар ўзингни.*

Латифангиз биз Тошкентга қайтиб улгурмаёқ, Абдулла аканинг қулоғига етиб борса, бу “нон”га албатта устознинг ўзлари эгалик қилишлари турган гап эди. Шунинг учун насибани шу ерда муаллифлаштириб кўя қолдим”, дедилар мамнун қулиб Абдусаид ака. Бу – ижод лаззати эди. Ҳозирда ёзиш, ижод устознинг энг севимли машғулотига айланган. Яна дeng, бўлакча важоҳат, илҳом, қувват билан киришган бу ишга.

Назаримда, кейинги йилларда эълон килинган “Муҳаббат боғлари”, “Кўзларимнинг қарогидасан?”, “Эл сув ичган дарёлар” номли китоблари Абдусаид Кўчимовнинг кўнгил ардоғидаги хулосалари, ҳаётий тўхтамлари, тажрибаларидан ҳосил бўлган дурданалар. Нафсијамбрини айтганда, “Эл сув ичган дарёлар” ўз қаҳрамонлари умрига умр, ҳаётга бўлган шижоатига шижоат, ижодига рағбат, ҳаётига мазмун олиб кирганига

шубҳа йўқ. Бу китоб яратувчисининг асл муддаоси, покиза ниятининг ижобатидир.

## 5

Тоғлардан кўчиб тушган улкан тошлар аслида табиатнинг нақадар бетизгин кучга эга эканлигини намоён этиб турибди. Уларнинг ҳар бири йигирма-ўттиз тонна, балки ундан-да оғир юк босса ажабмас. Дунёга устун бўлмоқни муддао қилган одамзод ҳали табиатда унинг куч-кудрати етмайдиган қанча кароматлар бор эканини билмайди...

Аммо, шу гўзал масканда сигир боқиб, унинг сутини аzonлаб ўzlари келадиган меҳмонларга сотишдан кун кўрадиган, ҳозирда молларга ем-хашак йиғиши билан машғул бўлган, юzlари офтобдан қорайиб, танаси меҳнатдан чайирланган мана бу кишининг хаёли нимада экан? У айни паллада икки бош соғин сигириининг қишлигини ҳозирлашни бош мақсад қилиб олган бўлса ажабмас. Вақтинчалик қурилган чайла, аникроги, темир сўри унинг ёзлик уйи экан. Каравот устида бешик, икки нафар болакай уни навбатма-навбат тебратади, бу билан унда ётган чақалоқни юпатишади. Сал пастроқда беминнат “транспорт” воситаси бўлган эшак боғланган. У офтобда тобланиб ётибди. Ёнгинасидан шарқираб сув оқаётir. Шунинг учун куннинг кўзи бўлса-да, иссиқнинг тафти баланд эмас. Сўридан йигирма метрлар узокъликда оиланинг бекаси таппи қиляпти. Чамаси, бу унинг ҳар кунлик юмуши.

Мана, сўлим Зоминнинг узок қишлоқларидан бирида бундан ўн йиллар илгари яралган бир оиланинг ҳаёти – бахти. Бу ҳаётга, бу бахтга мазмун бағишилаб турган сир нима? Умуман, ҳаётнинг мазмуни, унинг баҳоси нима билан ўлчанади? Шоҳона иморатлар қуриб, унга бахт олиб кира олмаганлар камми дунёда?

Таппи қилаётган мана бу бека, менинг назаримда шоҳона ҳаёт кечираётган маликалардан кам сезмайди ўзини. Унинг бахти – оиласининг тирикчилик манбай бўлган молларига емиш ҳозирлаётган анави эркақда, умрини ана шу инсонга бағишлаганида. Аёлнинг юзларида ҳаётдан норозилик, ўтаётган кунларидан ношукурчилик аломатлари сезилмайди.

Ўз синглимни ўйладим. Турмуш ўртоғи оғир хасталик билан ётиб қолди. Дўхтирлар умид йўқ, дейишияпти. Баъзи кунлари гапирмай ҳам қолган. Овқатини ё онаси, ё яна кимдир чайнаб солади оғзига. Оғир кун. Куёв баҳоси йўқ, ажойиб йигит. Синглим бояқиши: “Майлига, соғаймаса ҳам, гапирмаса ҳам, ҳаммасига розиман, умримни бағишиладим, то тирик эканман, унга ўзим қарайман, болаларимнинг бахтига, менинг бахтимга уни олиб қўймасин”, дея Худога илтижо қилади. Мен синглим, мунисгина жигаримнинг қандай бахтли оиласининг бекаси бўлганини англагандай бўлдим, унга ич-ичимдан ҳавас қилдим. Эй, Парвардигорим, унинг ноласини эътиборсиз қолдирмагин, дея қўнглимдан ўтказдим.

Аёл таппи ёпиб бўлди, қўлларини ювиб, ўчокда қайнаётган қумғондан чой дамлади ва хўжайинига олиб кетди.

– Шу оила сўрисини бизга бир кечага ижарага берармикан, – Устознинг бу саволи хаёлимни бузди. Кулиб юбордим. “Ҳа, – деди ака. – Бериб бўпти, демоқчимисиз?” “Шундок, бўлса керак деб қўрқаманов” – дедим мен.

## 6

Зоминда икки кун бўлдик. Суҳбатларимиз давом этди, одамзоднинг табиат олдида аслида катта кудратга эга эмаслиги борасидаги фалсафий хулосалар асносида яна бир нималар устознинг ёндафтарига қораланди. Сафардан қайтаётганимизда Ўриклида ёзилганларидан эшитайлик,

дeя устозни қистадим. Ака бироз жилмайиб, ўзларига хос шавқ билан Зомин илхомларидан пайдо бўлган янги шеърларини ўқиб берди:

### **ПОСАНГИ**

*Нега ҳазон каби ёнар ўрмонлар,  
Қишилоклар, шаҳарлар айланар кулга?  
Нега соҳилини бузган уммонлар,  
Аждардек ютмоқда не чиқса йўлда?*

*Оқсоч табиатнинг тугаб бардоши,  
Авлодлар гамини еганидир бу.  
– Эй, инсон! Тўкмайин дессанг кўз ёшни,  
Ҳаддингдан ошмагин!.. – деганидир бу.*

### **ТОҒДА**

*Дуч келмай деб, сайёд ўқига,  
Тоғ оралаб қочарди оҳу.  
Тирмашарди овчи чўққига  
Ўлжасида тийрак нигоҳи.  
Пастда эса ҳоргин йўловчи,  
Лолу ҳайрон турарди қотиб:  
“Кулайсан-ку! Эй, тентак овчи  
Кўйғанмисан эсни йўқотиб!  
Зарилмиди битта эчки деб,  
Шунча азоб, шунча машаққат!” –  
“Ғўр” овчининг ташвишини еб,  
Қолмас эди тоқатда тоқат.  
Тиккан каби гаровга жонни,  
Тошдан тошга сатчиди овчи.  
Ақли шошиб, тошиб фигони,  
Тошдек қотиб қолди йўловчи.  
Эҳ, ўзга ўй, ўзгача тилак,  
Ташвии билан яшар йўловчи.*

*Овчининг-чи, армони бўлак –  
Овчи эди, шу боис овчи...*

Ҳар икки шеърни ҳам кўчириб олдим. Чунки уларнинг биринчи ўқувчиси эдим. Эсдалик–да, вақти келиб балки бирор нима ёзсан, киритаман, деб ўйлаган эдим. Мана, аскотди.

**2011 й.**

## “БИЗДАН СҮНГ ҲАМ ВАТАН ҚОЛУР”

Одамзодга ҳали тил ато этмай туриб, Оллоҳ унинг кўнглига расм чизиш машқини солган экан. Шундан бўлса керак, болалигида бирон нарсанинг тасвирини чизмаган, қайсиdir манзарани акс эттириш, сиймо яратиш иштиёқини бошидан ўтказмаган киши йўқ.

Санъатда осон йўлнинг ўзи йўқ. Истеъдод ва ҳиссиётлар билан бирга тўқсон фоиз муваффақиятнинг калити тинимсиз меҳнат, изланиш, интилиш, фидойиликдан келади. Айниқса, рассомлар... Очигини айтиш керак, негадир рассомлар ижодига бизда қизиқиш у қадар катта эмас. Юртимизда яшаб ижод қилган, бугунги кунда турли кўргазмалар ташкил этиб ўз асарларини намойиш этаётган бир қатор мусавирларни биламиз, аммо уларнинг ижодидан етарлича бохабармиз, ёки уларнинг энг катта ўзига хослиги, машҳур асарлари ҳақида яхши хабардормиз дейишимиз қийин. Бу қизиқишнинг етарли эмаслигидан. Афсуски, биздан олис ўлкаларда ном қозонган, ҳайрат ва эътирофга сазовор бўлган юртдошларимиз – рассомларни баъзан танимаймиз ҳам.

Нафсиlamбрини айтганда, уларнинг ўзлари ҳам қандайдир машҳурлик, мақтов ва олқишлиардан қочиб юришади. Ҳокисорлик ва камтарликни маъқул топишади. Ҳақиқий маданиятиликнинг нишонаси бўлса ажабмас бу.

Одамзоднинг кўнгли нозик. Дарвоqe, ўша кўнгли нозикликнинг яна бир белгиси бирор гапни айтмоқчи бўлаётган кишининг фикрини англашда, нима демоқчи эканини тушунишда ҳам бўлса ажабмас. Баъзан улар сўзлашиб эмас, юз-кўзлар, кайфият, қарашлар орқали фикрлашиб, сухбат курадилар... Бу ҳолатда улар билан тил топишиш ҳам осон, ҳам қийин. Осони – у сиз ўйлаган, билмоқчи бўлган мавзуга ҳамоҳанг жавоб беради, қийини –

сиз буни англаш, ҳис этишда қийналасиз... Аммо ҳар гал гўзаллик яратувчилар билан бўладиган сухбатлардан кўп озиқ келади кишига – маънавий куч-кувват оласиз, ўзингизни уларга ошно тутгингиз келиб қолади. Мазза қиласиз бир сўз билан айтганда.

Пешонасиға рассомлик қисмати битилганлардан бири юртдошимиз, Европа-ю океан ортида эътироф қозонган ижодкор Исфандиёр Ҳайдардир. Юқоридаги баҳолар, мулоҳазалар ҳам у билан бўлган сухбатлар, мулоқотлардан ҳосил бўлган хуносалар эди. Чунки у билан неча бор сухбатлашиш насиб этган бўлса, ҳар сафар ана шу кўйга тушаман. Унинг борлиғи, шахси, қисмати... Шунақа одам у. Кейин ўйлаб қоламан, бу унинг иқтидорли эканиданмикан?

Балким... У болалигида ҳамма фанлардан аълога ўқиган. Математика ўқитувчиси уни келажакда кучли математик бўласан, деб башорат килса, тилчи домла ундан истедодли ёзувчи чиқишига ишонарди. Шундан бўлса керак, мактабни тугатгач, чизган расмларини Тошкентга, рассомчилик билим юртига юборар экан, ҳаммадан ҳам кўра, бундан унинг расм ўқитувчиси Сайфиддин Пиримкулов хурсанд бўлган эди. У Исфандиёрдан бир умр миннатдор бўлиб ўтди. Устоз, деб унинг орқасидан тўртбеш марта хабар олгани йўқ, аслида, устоз учун шогирдининг муваффақияти, тан олинишидан катта эътибор, эътироф бормиди ахир...

### **Мусаввирнинг болалиги**

Исфандиёр нимжонгина, ҳаммага кўшилиб кетавермайдиган, табиатан инжикроқ, кўпинча хаёл суриб юрадиган бола эди. Табиатга, она замин гўзалликларига, Ойқор, Туркистон тоғларининг ажиб ва бетакрор улуғворлигига сўнмас муҳаббат ўша пайтларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Кейин бу ижодкорлик мўъжизаси,

поклик, ҳокисорлик ҳам ўша кезларда унинг қалбига кириб келган...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари. У пайтларда камтарлиқдан бир нарсага эришиш ҳакида орзу қилиш ҳам қийин эди. Ижарама-ижара, ётоказма-ётоқ дегандай. Ҳаётнинг кундалик ташвишлари, устига устак, рассомчиликнинг Исфандиёр танлаган аслиятдан чизиш санъатига ҳам эътиборнинг камлиги. Хуллас, Бахмалдан келган қишлоқи йигитнинг чизган расмлари Италия ва Германияда бўлиб ўтган кўргазмаларда тан олиниб катта баҳога сазовор бўлгачина, у ўз имкониятларини рўёбга чиқариш даражасига етиб келди.

Йўқ, бу гапларнинг ҳаммаси бугун эскирган. Умуман олиб қараганда, бу сиртдан шунаقا. Бу Исфандиёр Ҳайдарнинг кўнглидан кечган ёки бировга гапирган гаплари эмас. Чунки у умуман қандай шахс эканлигини тушуниш қийин. Фақатгина унинг илк ном қозониши ўз мамлакатида эмас, балки Европанинг нозиктаб, диди баланд томшабини, зукко санъатшуноси томонидан рўёбга чиққанини таъкидлашни истаганимиздан холос.

Унинг номзоди Ҳамза номидаги давлат мукофотига кўйилади. Аммо Исфандиёр бундан хурсанд эмасди. У бундай мукофотлар амалда ижодкорни бузади, ижоддан чалғитади, деб ўйларди. Кутгани, истаганидек, у мукофотга лойиқ топилмади. Гап унинг асарлари лойиқлиги, нолойиқлиги, у қолиб ундан баланд топилган ижодкорнинг аслида қандай даражада эканида эмас, муҳими, ушбу мукофотнинг айнан унга берилмагани эди. Мукофотга муносиб топилмагани учун шоир дўсти Рауф Парфи уни биринчи бўлиб табриклайди. Сабаби, улар бу борада ҳамфирк эдилар, кечга бориб эса улар бу хурсандчиликни нишонлайдилар ҳам. Исфандиёр ижодга янада қаттиқ киришади.

## Исфандиёр Ҳайдардан ҳаётий хикоя:

Халқ амалий санъати йўналишида бизнинг ижодкорларимизга етадиганини топиш қийин. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Парижда бўлиб ўтган Бутунжхаҳон амалий санъати қўригига ҳамюртимиз Ота Полвонов олтин нишонга лойиқ топилади. Ажабки, устага нишондорлик дипломи берилиб, олтин медаль бошқа кишига тонширилади. Орадан йиллар ўтиб, устага бу ҳақида маълум қилишганида, сoddадил ва бағри кенг ижодкор шундай деган экан: Ҳайрият олтин нишон бошқа юртда эмас, Ўзбекистонимизда экан-ку... Бу каби кенг феъллик ҳам баркамоллик, етукликнинг белгиларидан бўлса ажабмас. Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Исфандиёр Ҳайдар ўз ҳамкаслари, рангтасвир усталарининг шу инсондан ўрнак олиб яшашларини истайди. Унинг такаббурлик, манманлиқдан олис бўлган феъл-автори, табиатининг ифодасига ўхшайди. Бу фикр ҳам. Ҳакикий ижодкор ҳаргиз эзгуликка ташна бўлиб яшashi керак. Шундан бўлса керак, санъаткори, ижодкори кўп юртда маънавият баланд бўлади. Санъатни маънавиятнинг бешиги деб бежиз аташмайди.

Санъатга муносабат ҳам маънавиятнинг қўриниши. Исфандиёр Ҳайдар айнан санъатга бўлган муносабатимиздан хафа бўларди.

1980-йиллар... Исфандиёр Ҳайдар ўз ижодхонасида фаромуш ўтирибди. У одатicha, пастдаги дўкондан яримта бўлка нон, бир шиша кефир олиб келган. Стол устида ҳали ўчиб тугамаган икки дона “Астра” қолдиғи, қўлида янгисини бурқситиб тортади. Бундай пайтда унга бир сўз кам, иккитаси ортиқча. Йўқ, у жаҳли чиқиши, сизни хафа қилиб қўйиши маъносида эмас, ўйлашимча, у ёки катта бир илҳом оғушида, ёки бир нимадан кўнгли озор чеккан. Табиатини тўла билмаганингдан кейин бир нарса дейиш

ҳам қийин... У айнан санъатга бўлган эътибор мавзусида “жигибийрон” бўлаётган экан.

Бир кун олдин унинг “Бахмалда ойдин тун” деб номланган асарига франциялик меҳмон ўттиз минг доллар таклиф қилган. Бу ўша пайтда Тошкентда данғиллама ҳовли ва яна ундан ҳам ортадиган пул дегани эди. Очиғи, бу каби қиммат баҳоланганд асарлари кўп бўлиши, қолаверса, тўрт фарзандли оиланинг икки хонали уйда сиқилиб кун кечиришига ҳам қарамай, Исфандиёр Ҳайдар бунга унамайди. У пулни кўп-кам дегани йўқ, у шундай ноёб асари, бутун вужуди, қалбини бериб яратган нодир асаридан жудо бўлишни ҳохламагани учун бунга рози бўлмаган. Унинг фаромушлиги, хафалиги эса, нега энди қайсиdir олис ўлкадан келган киши бу асарнинг ноёблиги, зўр асар эканини тушунаяпти-ю, ўзимизнинг ватандошларимиз буни тушунмаслигидан қийналаётганида эди. Йўқ, у “Бахмалда ойдин тун”ни ўзбекистонлик бирон киши сўраса бермоқчи бўлиши мумкинлигидан эмас, балки умуман, санъатга бўлган лоқайд муносабатимиздан, бизнинг умуман санъат асарларига қизиқишимиз, уларни тушунишимиз, қадрлашимиз даражаси пастлигидан хуноб бўлаётган эди. Юксак санъат одамларнинг дунёқарashi, маънавиятига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилар экан, нега бундан биз баҳра олишни истамаётганимиздан оғринаётганди у.

Исфандиёр Ҳайдарнинг иккинчи бир фалсафаси – ким бўлмасин, нодир асарларни яратар экан, ижодкор бу иши уни етиштирган, вояга етказган, тарбиялаган халқнинг бойлиги эканини, унинг шахсий мулкидан баланд туришини англаши кераклиги эди. У бу мулкни эҳтиётлаш лозимлигини уқтиради. Ахир ўтмишдаги бетакор дурданаларимизнинг Европа ё уммонортидаги музейларга кўрк бериб тургани етар энди.

Ижодкордан эзгулик кутиб яшашга ўрганғанмиз. Унинг эзгулиги нимада? Унинг эзгулиги, бизларга қиладиган жоиз бўлса, яхшилиги унинг асарларида, ўша чизилган расмларда.

### Ўғри ва ижодкор

Мусавирнинг устахонасига бир неча бор ўғри тушган. 1994 йилда унинг Рассомлар уйининг юқори қаватида жойлашган ижодхонасини иккинчи бор ўғри босди. Унинг дил қўри билан яратилган кирқдан ортиқ энг сара асарларининг оригинал нусхалари ўмарид кетилди. Ижодкорга унинг ҳар бир асари бир фарзанди каби ардоқли бўлади, дейишади. Шундай кунда кўнгил сўрамоқ жоиз эди шекилли. Устахонага қадам қўяр эканман, ижодкорнинг ғамгин нигоҳлари, афтодаҳол киёфаси кўзларимда муҳрланиб қолди. У мотам тутаётғанмиди... Билмадим. Мен ўша нигоҳлар, ўша ҳолатни ҳар гал эслаганимда, ижодкорнинг ҳар бир асари унинг ўз боласидек қадрдон бўлиб қолади, деган гапга икрорлик келтираман. Йўқ, боласи, фарзанди каби, шунга teng эмасдир... Аммо ўша уйқусиз бедор тунлар, берилган қалб кўри, меҳр... Буларни ҳам баҳолаш, қийматини белгилаш мумкин эмас.

### Исфандиёр Ҳайдардан ривоят:

*Қадимда бир уччига чиққан ўғридан сўрашибди: Хўши, сенга нима етишимайди? Ўғрилик қилмасанг ҳам кунинг бинойидек ўтиб турибди-ку? У шундай экавоб қилган экан: Мен бойникини ўғирлаб, камбагалга тарқатаман. Бунинг нимаси ёмон?*

Исфандиёр Ҳайдар қўштироқ ичидаги “ўз ўғри”ларини ҳам ҳақ деб топди. Улар мендаги бойликларни шу нарсаларга эҳтиёж сезадиганларга етказиб берадилар. Бунинг ёмон томони йўқ. Мен уларни сотмайман ва улар бирорвга хизмат қилмайди ҳам. Аммо бу одамлар

қобилиятли, ақлли. Улар менинг ижодий ишларимнинг баҳосини билишади, шунга муносиб баҳоларда сотишади. Демак, менинг асарларим америкаликми, францияликми бир санъат шайдосининг уйини, музейини безаса ажабмас. Аммо, энг қизиги, ўша жойда санъатни нозик ҳис этадиганлар менинг ишларимни тушунишади, нима демоқчи эканимни англашади, кейин балким ҳайратга ҳам тушишар, ва охир-оқибат сўрашади, бу кимнинг асари, унинг муаллифи ким деб. Мана, қарабсизки, дунёда Ўзбекистон деган бир бетакрор мамлакат борлиги, унда ҳам истедодли ижодкорлар кўплиги, ўшалар қаторида шу нодир асарнинг яратувчиси, Бахмалнинг “Уяс” деган бетакрор қишлоғида туғилиб ўсган камтаргина боласи Исфандиёр Ҳайдаровнинг қаламига мансуб экани ҳақида гап боради. Кейин истайдими-йўқми, сухбатдошлар бизнинг ватанимиз ҳақида, унинг қайси нуқтада жойлашгани, бу ерда қандай улуг кишилар вояга етгани, бизларнинг улардан ҳеч ҳам кам одамлар эмаслигимиз ҳақида сўз боради. Менга мана шу катта таскин бўлади.

Мен бу гапларни шу ҳолича қабул қила олмадим. Жамиятдан, шу номард ўғрилардан, ўзимиздан, ўзимдан норози бўлдим. Жамият ўшанда бундай нодир асарларга тайёр эмасди. Ўғрилар эса бу ишларни қонунга хилоф равишда ва пул учун қилаётган эдилар, улар учун ўзбек рассомининг бу бебаҳо асарлари қаердадир бизнинг ватанимиз ҳақида илиқ баҳолар келтириши биринчи ўринда муҳим эмасди, улар учун бу расмларни сотищдан келадиган пул муҳимроқ эди. Ўзимиз, ўзимдан хафалигим биз жамиятда ана шундай гўзал асарларнинг бебаҳо эканлиги ҳақида, уларнинг аҳамияти, умуман, санъатнинг улкан аҳамияти ҳақида бонг урмаётганимиз, журналист сифатидаги ўз вазифамиз, бурчимизни бажармаётганимиз эди. Демак, бу ишда бизнинг ҳам айбимиз бор деб ўйлаганим эди.

Коллекциячи Станислав Мансуров шундай эслаганди:

*Ўзбек рассомлари ичида борлиқнинг айнан аксини Исфандиёрдек “ёза” оладигани йўқ. Унинг картиналари қаерда чизилгани, қай бир ҳудудни акс эттираётганини ўзлари “айтиб” туради. Мисол учун, унинг Фаргона манзараларини акс эттирувчи расмлари Бахмалга оидларидан фарқ қилиб туради. Бу ижодкорнинг ўлка тарихи, маданияти, урф- одатлари-ю, қадриятларини чуқур билишидан далолат беради.*

Собиқ тузум даврида бир неча бор ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг бошқа республикаларда кўргазмаларини уюштиришда қатнашганман. Бир гал Запорожье шаҳрига 25-30 тача ижодий иш олиб бордик. Кўргазма очилишигача расмлар музейда сакланиши керак эди. Аммо, не кўз билан кўрайликки, Исфандиёрнинг бир картинасини директор ўз хонасига осиб қўйибди. У тавозе билан бу асар кўпчиликни ҳайратда қолдиргани учун кўргазма очилгунча уни ўз хонасида саклашни лозим топганини айтди. Тошкентдан борган ижодкорлар орасида энг ёши Исфандиёр эди. У ёш, кўргазмага ундан ёши катта ва ўзини буюк деб ҳисоблайдиган бошқа рассомларнинг ишлари ҳам олиб борилганди.

Днепропетровск шаҳрида бўлиб ўтган яна бир кўргазмада мутахассислар Исфандиёрнинг бир қатор ижодий ишларини ўн тўққизинчи аср мумтоз мўйқалам усталарининг асarlари қаторига қўйишиди. Улар ўз сўзлари ва эътирофларида шундай бетакрор ижодкор билан замондош бўлиб яшаётгандиларидан баҳтиёрликларини ҳам таъкидлашган эди. Унинг кўргазмалари Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳам катта муваффақият билан ўтган.

Исфандиёр Ҳайдар ўз устози Неъмат Кўзибоев ҳақида ҳамиша миннатдор бўлиб гапиради. Устоз ким? Устоз, яхши устоз ўз шогирдига, энг аввало мустақилликни

ўргатиши, меҳнатга, ижодга муносабатдан таълим берар экан, ўзи бунда ҳамиша ўрнак бўлиши лозим.

Ўзининг шогирдлари кўп. Аммо шогирдни устоз эмас, устозни шогирд танлагани тўғри. Шундай экан, мен менинг шогирдим ким экани ҳақида гапиришим тўғри эмас деб ўйлайман, дейди мусаввир.

Исфандиёр Ҳайдарнинг ижодкор сифатида ўз принциплари бор. Йўқ, буни принцип ёки тамойил ҳам эмас, балки ўзига хослиги десак балки тўғрироқ бўлар. У биринчи навбатда шоир сифатида тасвир чизади. У одатда ўша гўзал манзараларга тикилиб-тикилиб баҳра олади. Ўша кўринишларни дастлаб ўз шуурига муҳрлаб, кейин уларни оқ қоғозга туширади. Янги асар ўша тасаввур ва дунёкараш, истеъдод уйғуналигига дунёга келади.

Мўйқалам устасининг “Бухоро”, “Хива оқшоми”, “Тўйдан қайтиш”, “Тун” каби ўнлаб бетакрор асарлари унинг ижодий фаолиятида ўзига хос ўрин тутиб келади.

“Бахмалда ойдин тун” асарини санъатшунослар ижодкорнинг мўъжизаси деб аташган. Тўғри, муносиб баҳо. Унга тикилиб поёнсизлик, чегарасизликка дуч келасиз. Туннинг шу қадар гўзал бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Бу мўъжиза билан мусаввир ватанига, ўзи туғилиб ўсган заминга туганмас муҳаббати, меҳрини ошкор этмоқчи бўлганмиди? Ахир Бахмал шунчалар бетакрор, ўхшashi, қиёси йўқ замин, бир томони тоғларга ва ундан осмонни қоплаган булутлар билан туташиб кетган, қуйида мавжланиб оқаётган сокин дарё, милтиллаб кўринаётган саноқсиз чироқ шуълалари, тоғларнинг пурвиқор салобати, қуёшнинг тоғ ортида билиниб-билинмас сочаётган ёруғлиги... Йўқ. Мен бу асарни умуман таърифлай олмадим. Бунга ақлим ҳам, қобилиятим ҳам етмади. Ва мен ўз туғилиб ўсган тупроғим, ватанимни бу ажойиб ижодкорчалик севмас ҳам, тушунмас ҳам, кўрмас ҳам эканман. Ўттиз минг доллар таклиф қилган

чет эллик мухлис Исфандиёр Ҳайдарнинг ўша чексиз муҳаббатини илғаган эди. У шу мусаввир каби ўз ватанини севишни истаган ҳам бўлса ажабмас. Балким, у ўз дўстлари, яқинларига ҳам эй оғайнилар, мана, ватанини севиш қандай бўлади деб бу мўъжизани кўрсатмоқни орзу қилгандир. Шундай бўлса ҳам ажабмас. Биз ватан ҳақида маддоҳлик қиласидиган, ҳар икки гапнинг бирида ватанини севиш кераклигини тақорролайдиганлардан ҳақиқий ватан меҳри, она юртга муҳаббат қандай бўлишини сўраб кўрмаймизда. Аслида ўз юртингни дилда сев, қалбинг билан ардоқла. Мана, ўша эъзоз, юрт соғинчи, элни суйиш, она заминга оқибат...

Исфандиёр Ҳайдарга таъриф бериш қийин. Бунинг учун уни аввало англаш керак. Ижодкорнинг оддий одамлардан юксакда, ажралиб туришини кўраман унда. У кўп нарсадан афсусда. Умрининг кўпроқ вақтини ватанимиз бўйлаб кезиб, унинг бетакрор манзараларини қаламга олиш билан ўтказмаганидан... Имкон топиб она юрти Бахмалга, қишлоғига тез-тез бора олмаслиги, ўша сўлим ва боҳаво маскан ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмаётганидан, одамлар, айниқса ижодкорлар билан мулоқотларнинг камлигидан...

У ўзи билан ўзи яшашга ўрганиб қолгандек. У ўзидан излайди ўша она қишлоғининг нуксини, ўша қишлоқдошларидағи некбинлик, соддалик, балким тоғларнинг сарбаландлигидан пайдо бўлган мағрурликни, баландликни, ҳокисорлик ва покизаликни... Баъзан топади – мамнун бўлади, баъзан йиллар таъсирида чалкашиб кетадиган турли хаёт сўқмоқлари, чизгилар таъсири билан айқаш-уйқаш бўлиб кетадиган хаёлларидан фаромуш ҳам бўлади. Ҳаёт давом этмоқда. Болаликнинг ўн олти йили бу олтмишдан ортиқ йиллар орасида яна нени истасин?

Унинг кўнглида мудом ватан ишқи. У ватанида ватанига тўймайдиган ижодкордир. У ватанига ўзини,

ўзининг бетакрор ижоди билан бутун борлигини тикиб қўйган мусаввир. Ўзлигини ҳам шундан излайдиган одам. Ҳофиз Алининг қўйидаги сатрлари Исфандиёр Ҳайдарнинг ҳаёт фалсафаси янглиғ жаранглагандек бўлаверади:

*Унумилар чанг, тўзонлар,  
Оёқ остинда хазонлар,  
Биздан сўнг ҳам ватан қолур...  
Бундай қараши ҳар бир инсоннинг баҳтидир.*

**1995 йил.**

# **ЖАЙДАРИЛИК**

## **Таниқли ёзувчи Собир Ўнарнинг “Бибисора” китоби ҳакида**

Ушбу китобдан истеъдодли адиб Собир Ўнарнинг кейинги йилларда ижод қилган қиссалари, ҳикоялари ҳамда матбуотда эълон қилинган бадиҳалари ўрин олган. Ушбу бадиий асарларда ёзувчининг ўша ўзига хос жозибага эга бўлган тили, самимийлиги, оддий кишлок ҳаётиними, шаҳарнинг шовқин-сурониними ёритишдаги ажиб бир жилоларни кўриш мумкин. Маънавият, оиласвий, ахлоқий ва севги-муҳаббат мавзуларини қаламга олар экан, ёзувчи ҳаётни айнан тасвирлашга ва ўқувчини ҳам ўша ҳаётни ҳолатларга эргашиб, дардли жойида дард билан, кувончи жойида кувонч билан иштирокчига айланишига харакат килади. Очигини айтганда, асарнинг биринчи қиссаси “Бибисора”ни бир нафасда ўкиб чиқдим ва ажиб ҳолатларни юрагимдан ўтказдим. Демоқчи бўлаётганим, ёзувчи истаганидек, қиссадаги воқеалар, хис-туйғули ҳолатларнинг иштирокчиси, жойида хайриҳоҳи, жойида муҳолифига айландим.

Қисса ҳакида сўз юритар экан, ҳассос шоир Абдулла Орипов ундан Чингиз Айтматов каби буюк ёзувчининг издошидек таассурот олганини эътироф этади. Дарҳақиқат, Собир Ўнарнинг бошқа асарларида кузатилганидек, у бу гал ҳам узоқлардан гап бошлиб бошингизни қотирмайди, сизни биратўла воқеанинг ичига киритишга, унинг ичидан туриб гап бошлишга интилади ва тўғри қилади ҳам.

Албатта, мисол учун мен китобдаги бадиий асарларнинг бадиий қиймати, адабий нюанслари, айтайлик, услуби ёхуд бошқа жиҳатларига бир йўла баҳо бериш ҳакида ўйлаётганим йўқ. Ҳали бундай асарларга жўяли, борида кескин, жоиз пайти сўровли баҳоларни бера биладиган адабиётшуносларимиз, танқидчиларимизнинг

нонига шерик бўлишни бизга ким қўйибди? Мен ўқувчи, китобхон сифатида баъзи нуқталарга эътибор қаратишни жоиз билдим. Масалан, Собир Ўнарнинг боя юқорида таъкидлаганимиз тили ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ келади. Асарни маза қилиб ўқиш учун унда маҳорат билан сўздан фойдаланилган бўлиши биринчи шарт бўлса ажабмас. Яъники, нўноқ тил, сўзга ғариб бўлган киши ёзувчи эмас. Айтилмоқчи бўлинаётган воқеаларни сўзнинг қудратидан маҳорат ва усталик билан фойдалана билишда гап кўп. Собир Ўнар воқеаларнинг манзилидан, қаҳрамонларнинг яшаш шароити, географиясидан келиб чиқиб ўша ҳолатларни кўпроқ ифода этиш қудратига эга бўлган сўзларни, халқнинг ичидаги кўп фойдаланиладиган, аммо айтайлик газетачилик, журналчилик каби ёки телевидение ва радиочилик фаолиятимизда кўпам ишлатмайдиганимиз, айни вақтда жозибали, ҳам ўша ифодада маънони юқори даражада бера оладиган сўзларни топиб ишлатганки, уларни бир-бир тагига қизил қалам билан чизиб қўйдим. Эътибор беринг:

“Тўйнинг тўппаси тўрт кун. Яъниким, тўрт кунгача тўйхонанинг овкати узилмайди. Зериккан, бекорчи борки, тонг отгач бу ёққа секин томоқ қириб кириб келаверади.

— Ҳай, Жонибекип, келин мойли оёқ бўлсин, Опкелавер нишхўрдингни, бизга бўлаверади.

Амакимнида калла-поча қозонга осилган куни бўйинсалари шундай деб кириб келаверади.

Бир ҳафтадан сўнг куёвнинг teng-tўшлари келади.

— Тарвузинг ёрилди, илигинг қуриди, қулогингдан ой кўриняпти. Ҳай баччағар, энди кўпкарига ярамайсан. Хотининг билан кўпкари ўйнайверасан. Тамом бўлдинг, тамом. Овқат-повқат ҳам еб тур. Қани, топган-тутганингни обкел, биз ҳам шерик бўлайлик.”

“Нишхўрд” деган сўзга эътибор беринг. Бу энди ўзингдан қолгани, бу ерда дастурхонингдан меҳмон еб-еб

охири колдиргани бўлса ҳам бўлаверади, деган маъно келиб чиқаяпти. Назаримда, колган-қутгани деган сўздан кўра, муаллиф бу сўзни тўғри қўллаган. Яна келадиган меҳмонларнинг кимлигига берилаётган нисбатда ҳам ёзувчи уй эгасининг жўра-йўлдошлари, уй бекасига янгами, келинми деб мурожаат қилувчиларни бир сўз билан “бўйинсалари” дея қўллаяпти. “Кулоғингдан ой кўриняпти” дегани дашт одамларига, Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари, Сурхондарёning ҳам кўпгина қишлоқларида уйланганига бир неча кун бўлган куёвга нисбатан ишлатиладиган ҳазиллардан.

Ёзувчи шу тахлит сўзлардан унумли фойдаланган. Мисол учун, “мудгор” сўзини олайлик. Бу адабий тилдаги “умидвор” деган сўзнинг маъносида келади.

“Пўлат тоғаям уч сўм, беш сўм ёхуд “Портвейн”нинг мудгори, то шом қоронғуси чўкиб одамлар бетоқат бўла бошлагандагина моторхона ёнига эшагини бойларди-да, аввал “Беломор” сигаретни обдон охиригача сўриб, кайфини суриб, кейин бемалол моторхона дарвозасини очиб кўйиб тимирскилана-тимирскилана моторнинг учидаги парраги ёнига каноп арқонни хўп ўраб оларди-да, оёғини тираган кўйи тортиб юборарди”.

Пўлат тоға қишлоқдаги биринчи движокнинг эгаси, аникрофи, движокни юргизишга масъул бўлган киши. Одамлар кеч тушгач, бу мўъжиза электрдан тезроқ баҳраманд бўлиш, ҳалиги лампалар ёругида ҳаётга хурсанд бўлиб боқишини истайди, қолаверса, бироз вақт ўтиб, қишлоқда биринчи телевизор ҳам пайдо бўлади, буларнинг ҳаммаси ўша движок билан амалга ошадиган мўъжизалар. Демак, Пўлат тоға жуда муҳим одам. У ўзини қишлоқдаги энг керакли, энг муҳим одам санаса ҳам ажабмас. Демак, усиз, унинг рўйи-ҳохиши siz ўша мўъжизалар сароб бўлиб қолиши мумкин. Шундай экан, у қандайдир таъма, ўзига нисбатан илиқ муносабат, хурмат, кейин шунча муҳимлик

эвазига мисол уч сўмми, беш сўмми дегандек бир нарса умидворлик билан яшайди. Ўша “мудгор” ҳолат бор унинг ҳатти-ҳаракати, имо-ишораси, бурнига хода етмай қолиши, бемалол, аста-секин, имиллаб, сигаретни ҳам обдон таги-туғигача тугатишида бу нарса яккол кўринади. Ёзувчи бир сўз билан одамни ёмонотлиқ килишдан узоқда ва у ўзининг айнан мана шу сўзга мурожаат қилишини ҳам биз келтириб ўтган ифодалар, яъни шу сўзга муносиб кўрилаётган қаҳрамоннинг ҳаракатлари, ўзига хос жиҳатлари орқали исботлаб бермоқда.

Бир ўринда “Номаъқулнинг нонини жепти” дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси. Бу билан у кишлоқда бир гапни маҳкам тутиб оладиган, ўзиникини маъқул қиласиган кишининг ҳарактерини жуда чиройли очишга муваффақ бўлади. Дарҳақиқат, дашт қишлокларда яшайдиган одамлар чўрткесарлиги тутса “номаъқулнинг нони” ҳакида кўп гапирадилар. Бу ўринда ҳарактерни очишда бу иборалар кўл келгани, ўрнида ишлатилганига эътибор қаратмоқчимиз.

Умуман, “Бибисора”да қайси давр тилга олинаётгани ҳакида такрорлаб ўтириш шарт эмас. Унда ҳаммамиз ҳам бошимиздан ўтказган болаликка хос туйғулар, беғубор болаликнинг ўзига хос қарашлари, энтикишлар, болаларча севги, ўзаро янга билан қайни, бола билан амаки, бола билан Бибисора, ғалати феъли музаллим, ёвуз одам, одамларнинг унга бўлган муносабати, қотилнинг ўғли қишлоққа келиб мудхиш ишларни қиласеради-ю, қишлоқдагилар унга мум тишлагандек жим ва ҳоказо ҳолатлар қаламга олинган. Боланинг шераматлиги сабаб жисмоний тарбия музаллими мактабдан қувилади. Аслида ҳамма ҳайиқадиган бу музаллимдан айниқса ҷаласавод директор кўпроқ кўркаркан. Аммо, энди бу мактабда ўқимайман, деб аҳд қилган бола Бибисора ўқийдиган мактабни қора қилиб эрта-индин ўша қишлоққа бормоқни

истаганида аён бўлади-ки, бу бетайин муаллимни Бибисораларнинг мактаби қабул қилибди. Энди у ўша жойда дарс бераркан. Демак, бундай одамлар барибир орамизда. Фақат уларга муносабатни ўзгартириш керак. Уларни ўнглаш, тўғри йўлга буриш лозим. Одамлар эса... Худдики, уларга барибир. Томошабин бўлиб яшайверишидаи. Назаримда, муҳаббат, самимий ҳистийгуларни тараннум этган ушбу асарда одамларни хушёрликка чақириш истаги ҳам йўқ эмас.

Адибнинг “Дунё шундоқ туурмий?” деб номланган иккинчи қиссаси бир газетанинг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келаётган, яқиндагина ёзган бир мақоласи учун ўринbosарликка тушиб қолган Ширинқул исмли йигитнинг ҳаётидаги, оиласидаги нохушликлар ҳақида. Аслида жанжалсиз уй йўқ, дейишади. Дарҳақиқат, халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочади”, “Эр-у хотиннинг уриши – дока рўмолнинг куриши” каби жуда кўп ва хўп топиб айтилган иборалар, мақолларнинг тагида ҳам оилавий жанжалларнинг кўп бўлиши ва уларга қандай қараш жоизлиги ҳақида хulosса килиш мумкин. Аммо, ҳар нарсанинг чегараси бор. Баъзида жаҳл келиб ақл қочади ва қарабсизки, кўнгилнинг нозик шишасини синдириб қўямиз. Аслида ҳам кўп нарса ўша нозик кўнгил шишасини асраб-авайлашда бўлса ажабмас. Ширинқул ҳаётда оёққа туриб, бир газетани бошқариб ҳар қалай элга қўшилиб қолган. Бош муҳаррирликдан бўшатилиб ўринbosарликка туширилганидан кейин у ҳар қандай гапни ҳам ўзича тушунадиган, гўёки одамлар, атрофидагилар, ҳатто хотини ҳам унга бошқача, игаригидан паст назар билан қараётгандек, ҳурмат қилмай қўйгандек, айниқса хотини Магфират уни писанд қилмаётгандек бўлаверади. Оилада икки нафар фарзанд бор. Аммо шу даражага бориб етиладики, Ширинқул хотинини уради ҳам, нафақат уради, бир сўз билан айтганда, чалажон ҳолатга келгунича

дүппослаб, тепади ва талогини ҳам беради. Эртаси куниёк нима килиб қўйганини тушунган Ширинкул аллақачон муносабатларни тиклаш, керак бўлса кечирим сўрашга рози, хотини яrim тунда ёнига келганида ҳам “хир шу даражада ҳам бўласизми, бу нима қилганингиз” каби кайфиятдаги гапни кутади.

Аммо бутунлай акси – Мағфират уни “Кўлинг синсин, олайган кўзларинг ҳам оқиб тушсин” дея дуоибад қиласди. Албатта, эр кишига ўз хотинидан бундай сўзларни эшлиши жуда оғир эди. Ширинкул икки ўт орасида қолади.

Қисса бир нафасда ўқиласди. Ва у поёнига етар-етмас, оиланинг қайта тиклангани, Ширинқулнинг талоқни бекор қилиш мақомидаги фатвони қўлга киритгани ва ҳатто ўринбосари бўлиб ишлаган Аваз унинг ўрнини бўшатиб бергани, яъни бош муҳаррирликка қайтиб ўтиргани каби воқаларни ўқий бориб охири нима билан тугаркин, деган савол билан бир зум ўйланиб қоласан киши. Ҳаммаси силлиққина, яхшилик билан тугамокда.

Йўқ... Ўз хотинига “этагингни тоза тутдингми? дея савонни беришдан тийилмаган Ширинқулнинг аслида ишхонасидаги Назира исмли қиз билан муносабати пайдо бўлган, ҳатто бу қиз бир куни унинг уйига келиб кирларини ювиб берган ва улар ўртасида ўзига хос яқинлик юз берган ҳам эди. Ва Ширинкул жазосини олди.

Қизининг қўнғирофидан кейин шоша-пиша етиб келган Ширинкул ўз жонига қасд қилган хотинини жонсиз ҳолда кўради. Мағфиратнинг ўнг қўлидаги қофозда эса “Назира”, “Фарида” деган исмлар учрайдиган хат қолган.

*“Беҳолгина қогозни тўрт буқлади ва беҳолгина кўкрак чўнтаига тиқмоқчи бўлди. Ҳадеганда киравермади. Бу чўнтаигида мулла берган яна бир қогоз бор эди: иккови бир жойга сизмади...”*

Бу қиссанинг сўнгги нуқтаси. Қиссадан ҳисса эса бир юракка икки муҳаббат сиғмайди, деган гапдир.

Собир Ўнар ўзбек адабиётида ўзига хос қиссалари ва ҳикоялари билан ном қозонган истеъдодли қаламкашdir. Мен ушбу фикрларни атоқли шоиrimиз Абдулла Ориповнинг китобдан ўрин олган “Умидимиз катта” мақоласидаги қўйидаги иштибоҳ билан тутатмоқчиман: *“Мен Собирнинг асарлари орқали бунинг тенгкурларидан адабиётимиз ҳам, китобхонлар ҳам жуда жиiddий, юксак савиядаги жаҳоний китоблар умид қилаётганини яна бир карра таъкидлаб қўймоқчиман”*

Генрих БЁЛЛЬ  
НОН ИСИ

*Немис адаби Генрих Бёлль 1972 йилда адабиёт бүйича Нобель мүкофотига сазовор бўлган. Ёзувчининг, айниқса, иккинчи жсаҳон урушидан кейинги изходи адабиёт билимдонларида катта қизиқиши ва эътирофга сазовор бўлган эди. “Нон иси” ҳамда “Кутимаган меҳмонлар” ҳикоялари унинг сара ҳикояларидан ҳисобланади.*

Ертўладан ачимсик, бадбўй ҳид келарди. У ёпишқоқ зинадан сарғимтирик коронғулик қаърида тимирскиланиб ўзига йўл мўлжаллаб, секин-аста пастга тушди. Қаердандир чакка оқаётир, чамаси ёки том тешилган, ёки сув қувури дарз кетган. Чанг ва ахлат чиқиндилари сувга аралашиб зина поғоналари худди аквариум тубидаги қолдик каби шилимшиққа айланиб, сирпанчик бўлиб ётибди. Орқадаги эшиқдан хира ёруг тушиб турибди, у ним қоронғулик ичидан ўнг томондаги “Рентген хонаси, илтимос, безовта қилманг” деган ёзувли тахтачани кўрди. Ёруғликка яқин келди, сариқ рангдалиги, хира ва милтиллаб турганидан тушундикси, ёнаётган шам эди. Яна бироз юриб қоронғу хонага бир кур назар солди, бу ерда пала-партиш қалашиб ётган стуллар, чарм күшеткалар ва абжағи чиқиб ётган шкафлар кўринди.

Ёруғлик тушаётган эшик ланг очиқ эди. Баланд бўйли меҳроб шами ёнида мовий либосда руҳоний аёл турар, у ажабтовур косадаги салатни қўллари билан аралаштирас эди; коса тагидаги яшил барглар устига оқиш қайла куйилганидан енгилгина шапиллайди. Аёл пушти рангга кириб қолган қўллари билан салатни

айлантириб аралаштираар, косадан тушган баргчаларни хотиржамлик билан олиб яна косага солар эди. Шамдоннинг ёнида катта тунука бидон турар, ундан қайноқ шўрва, сабзи ва пиёзнинг ҳиди келарди.

У баланд овозда:

– Кечки салом, – деди.

Руҳоний аёл ўгирилиб қаради, унинг пуштиранг сербар юзида қўрқув аломатлари хукмрон эди, у базўргина эштиладиган овозда жавоб қилди:

– Эй Худойим, сизга нима керак эди?

Унинг бармоқларидан сутли қайла томиб турар, оппоқ, болаларникига ўхшаш қўлларига салатнинг майда барглари ёпишиб қолган эди.

– Эй, Оллоҳ, мени жуда қўрқитиб юбордингиз, сизга нимадир керакмиди?

– Менинг қорним оч, – оҳиста тан олди у.

У аёлга бошқа қарамади, нигоҳлари ўнг томонда турган шкафда эди, шкафнинг эшиклари худди шамолдан синиб тушганга ўхшайди, чунки фанерли бўлаклари илмоқда осилиб туарди; ерда локнинг арчиб ташланган қипиқлари сочилиб ётарди. Шкафда тахлаб қўйилган нон анчагина эди. Думалоқ бўлка нонлар бир-бирига тартибсиз ҳолда қалашиб туар, уларнинг асосий қисми эзилган, суви қочган эди. У оғзида пайдо бўлган сўлакни қийинчилик билан ютар экан, ўйлади: ”Мен нон ейишни истайман, нима бўлишидан қатъи назар, нон ейишм керак...”

У руҳоний аёлга қаради, аёлнинг болаларча бокувчи қўзларида қайғудошлиқ, шу билан бирга, қўркув мужассам эди.

– Сиз овқатланишингиз керак, шундайми? – савол аломати билан аввал косага, кейин таом солинган бидонга, сўнг нон тахланган полкага қаради аёл.

– Нон, – деди у. – Илтимос, менга нон беринг.

Аёл шкафдан бир булка нон олди ва уни столга кўйиб, кесиш учун пичоқни ахтара бошлади.

– Раҳмат, қўйинг, ҳеч нарсани излаш шарт эмас, ахир нонни бўлиб ҳам ейиш мумкин-ку!

Руҳоний аёл салат солинган косани, шўрва қўйилган бидонни олди-да, чиқиб кетди...

У нонни синдириди, у шундай аҳволда эдики, ияги калтираётгани, лаблари қимирлаётгани, жағи қандай қилиб бориб келаётгани сезилиб турарди. Нихоят, ноннинг таъмини тотишга киришди, тишлари ишга тушди. У нон ерди. Нон эски эди. Балки бир ҳафталикдир, суви кочган, кўкимтири, қанақадир фабриканинг маркаси бўлса керак, алвон рангли қофоз лента билан ўраб қўйилган. У ноннинг юмшоқ жойидан то чарм қобиқдай қизариб пишган киррасига етгунча тишлади, кейин нонни кўшқўллаб тутиб яна бир бўлагини синдириди; ўнг қўли билан синдириб олинган бурдани оғзига солди, чапи билан эса ноннинг қолганини маҳкам ушлаб олди; ноннинг ҳар бир синдирилган бўлагини юмшоқ жойидан тишлашга уринар, бунда у ноннинг юзига қадалишини, қуриб қолган бўлса-да, ёқимли тегаётганини хис қилиб турарди, бу орада эса тишлар тингани йўқ, улар ўз вазифасини бажааради.

1955 йил

Генрих БЁЛЛЬ

## ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР

Умуман олиб қараганда, жониворларга қарши эмасман, аксинча, уларга муносабатим жуда яхши, мисол учун, кечқурунлари кучугумизнинг бошини силаш ёки мушугумизни тиззамга олиб эркалаш мен учун одатга

айланган. Яна, олайлик, болалар хонанинг бир бурчагида тошбақани қандай қилиб озиқлантираётганини кўрсам ҳам хурсанд бўлиб кетаман. Ҳатто биз ваннада саклайдиганимиз – кичкина бегемотча ҳам юрагимдан жой эгаллаган десам ёлғон бўлмайди. Бутун хоналаримиз бўйлаб эркин сайр қилиб юрадиган уй қуёnlарини айтмай қўяверинг, уларнинг бу юришларидан аллақачонлароқ безовта бўлмай кўйганман. Булардан ташқари, кечалари тўсатдан пайдо бўладиган меҳмонлар – мунгли оҳангда чийилаб келадиган жўжа ёки хотиним бошпана бериб сийлайдиган дайди итга дуч келиб қолишга ҳам ўрганиб қолганман. Хотиним ниҳоятда меҳрибон-да, ҳеч кимга – одамми, ҳайвонми, фарқи йўқ, бошпана керак бўлса рад этмайди, кечалари ўқиладиган дуосида қачонлардан бери такрорланиб келадиган сўзларни айтсан бунга ўзингиз ҳам ишонарсиз: “Оллоҳим, бизга ночор одамлар ва жониворларни ўзинг етказгайсан...”

Ачинарли ҳолат шундан иборатки, аёлим аллақайси фирма ё корхоналарнинг маҳсулотларини уйма-уй санқиб тарғиб қиласидиган, кўчама-кўча савдо қиласидиганларни ҳам тирсагидан итармайди, шунинг учун ҳам менинг ўйимча, ўйимиизда энг керакли деб ҳисобланмайдиган маҳсулотлар уюми кундан-кун бўй чўзаётир. Мисол учун, совун, чўтка, соқол оладиган пискалар, тўр учун жун кабиларни олинг, айниқса мени қутида қанақадир ҳисоб рақамлари-ю мажбуриятлар ҳақидаги ҳужжатларнинг тўпланаётгани кўпроқ безовта қиласи. Ўғилларим ўқиши даври учун, қизларим эрга текқунига қадар суғурта қилинган, аммо, ўзингиз ўйланг, ахир уларни то имтиҳонлари тутагунча ёки то тўй куни келгунига қадар совун ёки тўр билан овқатлантира олмаймиз, ва ҳатто манави соқол оладиган пискалар ҳам инсон танаси учун ҳар доим ҳам фойдали эмас-ку.

Мана, кўрдингизми, худди мана шу ердан менинг енгилгина сабрсизлигим куртакланади, аслида мендек хотиржам ва бағри кенг одамни топиш қийин. Тез-тез ўзимнинг стол тагига бемалол ўрнашиб бегамлик билан сабзи кавшайтган қуёнчаларга ҳасад билан қараётганимни, ваннамизда пўпанак ёйиб ўтирган бегемотга қараб эса ўзимда унинг тилини суғуриб олиш иштиёки пайдо бўлганини сезиб қоламан. Ҳагто матонат билан салат баргларини жиғилдонига жўнатаётган тошбақа ҳам менинг юрагимни қандай ташвишлар ўртаб турганини билмайди. Ахир одаммиз-ку, хушбўй кофе, тамаки, нон ва тухум, бир рюмка ароқ ютумидан сўнг танангда пайдо бўладиган инсоний меҳр билан чулғаб олинган оромбахш илиқлик истайди кўнгил. Биттагина тасаллим – кучугимиз Белло. У ҳам худди мен каби очликдан увиллайди. Шулардан ҳам кейин тағин чақирилмаган меҳмонлар – менга ўхшаб соқоллари ўсиб кетган замондошларимиз, болаларини кўтариб олган оналар кириб келса, демак болаларни иссиқ сут ва намланган сухари билан овқатлантириш лозимки, бундай пайтда мен бутун кучимни тўплаб чидам ва бардош билан хотиржамликни сақлашим лозим бўлади. Ва мен ўша хотиржамликни сақлайман, бошқа сақлайдиган нарсанинг ўзи қолмаган.

Шундай кунлар бўладики, эндиғина қайнаб чиқкан сап-сариқ картошкага тикилиб сўлакларим оқади, чунки қанча оғир бўлмасин, мен тан оламан ва қизариблар кетаманки, бизнинг ошхонамиз аллақачон одоб ва иззат сақланадиган ошхона мақомига сазовор бўлмай қолган. Турли ёввойи ҳайвонлар ва одам зотига тегишли меҳмонлар қуршовида вақт-бевақт мутлақо тасодифий ва хеч қандай тайёргарликсиз ҳолда овқатланиш тадбирларини уюштиришга мажбур бўламиз.

Бахтимизга хотиним узок муддатга бизга мутлақо керак бўлмайдиган матоҳларни сотиб олиш имконидан маҳрум, чунки бизнинг нақд пулимиз тугаган, менинг ҳисобимга тушадиган маблағлар ҳам номаълум муддатга кечикирилган. Ўзим бўлсан, мени танимасликлари учун, ташки кўринишими ўзгартириб, кечалари шаҳар атрофларини айланаман, одамларга писка, совун, тугма каби нарсаларни нархидан анча арzonга пуллайман, ахир аҳволимиз шуни тақозо қиляпти-да. Аммо шу нарсани таъкидлашим лозимки, ҳали уйда бир центнердан ортиқ совун, бир неча минг писка, кўп микдорда турли-туман тугмалар бор, уйга яrim кеча ҳориб-чарчаб қайтарканман, мени болаларим, ҳайвонларимиз ва рафиқам кўзлари ёниб кутиб олишади, чунки йўлдан одатда нимадир – нон, кофе, олма, ёғ ёки картошка харид қилган бўламан, улар мушток бўлиб кутаётганидек, егулик билан келаман. Тун яrimдан оққанда, бутун оиласиз – болаларим, ҳайвонларимиз ва хотиним билан қувонч онлари бўлмиш овқатланиш маросимига киришамиз. Хурсанд бўлган фарзандларимдан тортиб қувончдан кўзлари порлайдиган ҳайвонларимизгача мени ўраб олишади, рафиқам эса менга табассум билан боқади, бегемот ёлғизликдан ўксинмаслиги учун биз атайлаб ваннанинг эшигини очиб кўямиз, унинг мамнун хур-хурлаши эса бизга эштилиб туради.

Одатда бундай пайтларда хотиним овқатланиб, асабларим бироз жойига тушиб хотиржам бўлиб олганимдан кейингина қазноққа яна бир қўшимча меҳмонни яшириб қўйганини тан олади. Карабсизки, аллақандай бир журъатсиз, соқоллари ўсиб кетган эркаклар қўлларини ишқалаб дастурхонимиз атрофига келиб ўрнашишади, аёллар бўлса скамейкада ўтирган болаларимизнинг орасига сиқилишади ва анави додлаётган болачалари учун сут қайнатишга киришишади. Жиним сўймайдиган бошқа ёввойи

ҳайвонлар ҳам худди мана шу услубда менга таништирилади: балиқчи күшлар, тулки, чүчқа, бир куни улар орасыда ҳатто бир ўркачли түя боласи ҳам бор эди.

— Қарагин, ажойиблигини, — хотинимнинг бу ундовли хитобидан кейин мен ҳам түянинг ажойиблигини тан олишимга түғри келди, ва енгил, билинар-билинмас хавотир билан бу жонивор кўкимтирир кўзлари билан менга зимдан қараб бутун важоҳати ва кучини жагига жамлаган кўйи озиқланаётганини кузатдим. Бахтни қаранг, түявой бизнинг хонадонда бор-йўғи бир ҳафтагина меҳмон бўлди холос. Бу пайтда менинг ишларим анча яхши бўлиб қолган эди: маҳсулотларимнинг юқори сифатлилиги ва нархнавосининг пастлиги мени анча машҳур қилиб юборган ва оддий шароитда зарур бўлмаган нарсаларни ҳам сотишга муваффақ бўла бошладим, булар пойафзаллар учун иплар ва чўткалар эди. Бу бизнинг гўёки гуллаб яшнаётганимизнинг кўринишига ўхшарди ва хотиним иқтисодиётнинг қоидаларига тупуриб кўйиб мени хижолатга солувчи иборани ишлатди: “Биз юқорилаб кетяпмиз!”. Ахир мен ўз томонимдан совун заҳиралари тугаб бораётгани, пискалар сони камайиб қолгани ва ҳатто, чўтка-ю тўрлар заҳираси ҳам қаноатланишга сабаб бўлмаслигини яққол кўриб турардим.

Руҳий қўллаб-қувватга муҳтож бўлиб юрган кунларимнинг бирида стол атрофида жимгина ўтиарканмиз, уйимиз бехосдан зилзила бўлаётгандек силкина бошлади, столнинг қимиrlаганидан қондан тайёрланган колбаса бўлаги менинг ликопчамдан сирғалиб тушди. Мен сакраб турдим ва нима бўлаётганини билмоқчи бўлдим, болаларим эса кулгидан ўзларини зўрға тийиб туришарди.

— Бу ерда нима бўляпти ўзи? — саргузаштларга бой ҳаётимда илк бор ўзимни тутиб тура олмай бақириб юбордим.

– Вальтер, – деди оҳиста овозда хотиним санчқини кўяр экан, – бу ўзимизнинг Волло.

Хотиним ҳўнг-ҳўнг йигларди, унинг кўз ёшлари олдида ожизман, ахир у менга еттита фарзанд туғиб берган.

– Қанақа Волло? – дея сўрадим хорғинлик билан. Бу пайтда уйимиз яна бир тебраниб олди.

– Волло бизнинг ертўламиизда ўтирган фил, – деди кичкина қизим.

Тўғрисини айта қолай, эсанкираб қолдим. Ўйлайманки, менинг бу довдираб қолганимни тушунишингиз қийин бўлмайди. Шу пайтгача туждан иирик бўлган жониворларга бошпана бермаганмиз, шу боисдан фил учун бизнинг хонадонимиз анчагина кичиклик қиласи, чунки давлат томонидан қуриладиган уй-жой бизга насиб этгани йўқ.

Рафиқам ва фарзандларим ҳеч нарса бўлмагандек инқирозга учраган цирк хўжайнини ўз филини бизнинг уйимизда сақлашга қарор қилганини менга тушунтира кетишиди. Фил биз одатда кўмир туширадиган тарнов орқали хотиржамлик билан ертўлага тушибди.

– У коптотка ўхшаб юмалоқ бўлиб олди, – деди катта ўғлим. – Шунақа ақлли эканки...

Албатта, мен ҳам филнинг ақлий салоҳиятига шубҳа қилганим йўқ, унинг борлигига ҳам кўндим ва мени тантанавор ҳолатда ертўлага бошладилар. Фил унча катта эмас экан, у қулокларини қоқиб турарди, нафси ламбрини айтганда, унга емиш сифатида бир уюм сомон ажратишганидан бўлса керак, бу туришидан мамнунлиги кўриниб турарди.

– Ростдан ҳам ажойиб, тўғрими? – сўради хотиним, бироқ мен бунга жавоб беришни лозим топмадим. “Ажойиб” деган сўз менинг наздимда, фил учун мутлақо тўғри келмас эди. Умуман, оиладошларим менинг бу янгиликни завқ-

шавққа түлиб қаршиламаганимдан таассуфда эди, албатта. Ертүладан чиқарканмиз, рафиқам ҳатто менга дакки ҳам берди:

— Қанчалар пасткашлик? Наҳотки, боёкиш жониворнинг арzon-гаров сотилиб кетишини истасанг?

— Пасткашлик, арzon-гаров деган гапларнинг нима алоқаси бор? Ким ошди савдоси орқали сотилиши лозим бўлган нарсаларни яшириш ноқонуний ҳисобланади.

— Менга барибир, — дея жаврашда давом этди хотиним, — жониворни саклаб қолишимиз шарт.

Ярим кечаси тортиஞ்சோக்லி குரினிட தூர்க்கி, கோப்கா சூசி சிர்க் எக்ஸி பிழ்ணி உய்யாட்டி. உ ஜா பிர யேவ்வை ஹைவாங்கா போஷ்பா பெரா ஒலிஷ ஓகி ஒல்மஸ்லிகிமினி பிள்கானி கெல்கான்.

— Бу менинг энг охирги бойлигим, сўнгти мулким. Бор-йўғи бир кечага. Айтганча, фил қандай яшаяпти?

— Яхши, — деди рафиқам, — факат унинг ошқозони мени безовта киляпти.

— Бу табиий, — жавоб берди меҳмон. — Шароит ўзгариши билан боғлиқ ҳолат бу. Ёввойи ҳайвонлар шунаقا таъсирчан бўлишади. Нима қилдик, менинг мушугимни бир кечага оласизларми?

У менга қараб туарди, хотиним биқинимга туртиб деди:

— Бунақа шафқатсиз бўлмасанг-чи...

— Шафқатсиз? — такрорладим мен. — Яхши, мен раҳмдил бўлишга ҳаракат қиласман, марҳамат, мушукни ошхонага жойлаштиришинг мумкин.

— У ҳозир кўчада, машинада, — деди цирк хўжайнини.

Мушукнинг кейинги тақдирини хотинимга топшириб тўшакка қайтдим. Рафиқам ранги сўлиб, ҳатто бироз қалтираган қўйи қайтиб келди.

— Совуқ қотдингми? — дея сўрадим.

– Ҳа, – деди у жавобан, – негадир жунжикиб кетяпман.

– Бу чарчаганингдан бўлса керак.

– Балки шундайдир, – дея менга ғалати қарашиб қилди.

Тун осуда ўтди. Аммо тушимда ҳам хотинимнинг ўша ғалати қарашини кўрдим ва нимагадир одатдагидан баравақт ўрнимдан турдим. Шунда мен умримда илк бор соқолимни олишга қарор қилдим. Ошхонадаги стол тагида ўртача катталиқдаги шер ётарди: у бамайлихотир ухлар, фақат думининг учи сал-сал қимирлаб худди тўп ўйнаётгандек енгил дукирлаб қўярди.

Мен имкон қадар шовқин солмасликка интилиб юзларимни оҳиста совунладим, бироқ юзимни ўнгга буриб чап лунжимни қиртишлашга киришарканман, шер кўзларини очиб мени кузатиб турганини кўрдим. У нимани ўйлаётганини билмайман, бироқ у мени кузатиб турибди, мен эса соқолимни олишда давом этяпман ва ҳатто бирон жойимни кесиб ҳам олмадим, бироқ шуни таъкидлашни истардимки, шернинг гувоҳлигига соқол олиш ғайриоддий таассурот уйғотар экан. Йиртқич ҳайвонлар билан муомалага киришиш борасида тажрибам ниҳоятда оз бўлгани боис шернинг кўзларига тикилиб қарадим, юзимни артдим ва шундан сўнг ётоқхонага кайтиш билан чегараландим. Хотиним уйғонган ва менга нимадир демоқقا ҷоғланиб бошлаган эди, унинг оғзини очишига йўл бермай бақирдим:

– Яна нима демоқчисан ўзи?

Шунда рафиқам йиғлаб юборди, ва мен, унинг соchlарини силарканман, энди мулойим овозда дедим:

– Ўзинг ўйлаб кўр, ахир бу бироз ғалати эмасми?

– Сенингча, нима ғалати эмас? – деди йиги аралаш у, мен унга нима деб жавоб беришни билмасдим.

Бу орада қүёнлар уйғониб қолишиди, ваннада болалар бир ёқдан, кейин бегемотимизнинг, уни Готлиб деб атардик, шовқини эшитилди, Белло ҳам уйғониш сари ҳаракатга тушган, фақатгина тошбақа ҳамон уйқуда эди, умуман, у ҳамма вақт ухларди.

Мен қүёнларни ошхонага олиб тушдим, шкаф тагида уларнинг озуқаси кутарди, – қүёнлар шерни ҳидлаб ўтишди, шер эса уларни, болалар эса – улар анча эпчил ва дадил, йиртқич жониворлар билан тил топишиб кетганидан аллақачон ошхонада эдилар. Назаримда, шер ҳам менга кулиб туради, буни кўрган учинчи ўғлим дарров жониворга ном топган бўлди: Бомбилиус. Уни шундай аташга қарор қилдик.

Бир неча кундан сўнг шер билан филни олиб кетишиди. Шуни қайд этишим жоизки, фил билан хайрлашарканман, бундан хафа бўлмадим, чунки у назаримда бироз бафаҳмроқ эди, бемалолхўжа ва мулойим шер эса юрагимдан жой олганди, Бомбилиуснинг бизни тарк этишидан анчагина хафа бўлдим. Мен унга ўрганиб қолган эканман, у менинг қалбимдан ўрин олган ҳайвонларнинг биринчиси эди.

**1954 йил**

**Леонид АНДРЕЕВ**

## **ҲИМОЯ** **Бир кун тарихи**

Суд маҳкамаси коридори бўйлаб фрак кийган новча, озғин, малласоч киши у ёқдан-бу ёққа юряпти. Унинг исми шарифи Андрей Павлович Колосов, уч йилдан буён суд

окловчисига ёрдамчи. Ҳар бир каттароқ иш олдиdan Андрей Павлович каттиқ ҳаяжонга тушади, аммо бу гал ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Бунинг сабаблари кўп эди. Энг аввали, асаблари адойи тамом бўлгани билан боғлик. Охирги вақтларда худди асабларининг бардоши тугагандек, қабул қиласидиган сув муолажалари ҳам сезиларли ёрдам берадиганийни йўқ. Чекиши ташлаши керак эди, бироқ кашибадаликка ҳаддан ташқари берилган Колосов бундай қарор қабул қилишга ўзида ирова тополмади. Ҳозир ҳам, гарчи оғиздан сурункали чекувчиларда бўлганидек бадбўй ҳид келаётган бўлса-да, тамаки тутатгиси келяпти. Колосов шу онда бўш бўлган дўхтирнинг хонасидаги диванга ёнбошлади ва чека бошлади.

Ох, нақадар толиккан эди у. Бутун ҳафта давомида фракини ечмаса-я! Қанақа ҳафта? Бир қарасанг, яраширив судида, бир қарасанг съездда, кеча бўлса арзимаган фуқаролик ишини деб кун бўйи бошини оғритишига тўғри келди. Оғайнилари унинг кўп пул топаётганига ҳасад қилишади, унинг хормас ва толмас эканини мисол келтиришади, аммо ўша пуллар қаёққа кетяпти? Бир йилда уч минг рубль, мана шунақ машиққатлар эвазига топадиган шунча маблағ бармоқлари орасидан сирғалиб кетгандек гойиб бўлади. Ҳамма нарса қимматлашиб, болалар ҳам йилдан-йилга каттароқ, кўпроқ ҳаражат талаб қилмоқда. Қарзлари ошиб кетаётгани-чи? Индинга квартира ҳакининг муддати келади, эллик рубль тўлаш керак, унда бўлса борйуғи ўн рубль қолган холос. Яна тирмациш талаб этилади чамаси. Бу ёқда хотини...

Қарзлари ва хотини ҳакида ўйласа, Колосовнинг афти буришиб, чуқур нафас олади.

– Менга қара, қаёққа йўқолдинг? Мен бўлсан сени излайман, ахтараман! – Хонага Колосовнинг буғунги химоя бўйича ҳамроҳи Померанцев отилиб кирди, у ҳам

оқловчининг ёрдамчиси, ёш бўлса-да истедодли криминалист сифатида ном қозонган йигит.

Қорачадан келган, кўркамгина, серғайрат, сўзамол ва шўх, аммо озгина қув ва хира одам. Померанцев ҳаётда эркатой бўлиб яшайдиганлар сирасидан. Бой-бадавлат хонадонда уни кўкка кўтаришади, унга ҳар қандай жабҳада баҳт кулиб боқкан, – шуҳрат ҳам, пул ҳам ўз-ӯзидан келади.

– Биз ҳимоя борасида келишиб олишимиз лозим, – тез гапирди Померанцев.

– Худо ҳаққи, мени тинч қўй, кейин гаплашамиз, – деди сесканиб кетган Колосов.

– Қанақасига кейин?

Колосов ҳорғинлик билан қўлларини силтади ва Померанцев елкасини силкитиб, хонани тарқ этди.

Колосов билан Померанцев иштирок этаётган иш унчалик мураккаб эмас эди. Москва атрофларидағи газакхона, чойхона ўрнини босиб, кейин яна қовоқхонага айланадиган ва пойтахт аҳолисидан чиққан газандалар қўним топган жойда қотиллик содир этилган. Қандайдир келгинди йигит, афтидан ишбошими, олибсотарми, пул тўла халтасини кўрсатиб иккита жулдуровки ва “Танька-Белоручка” исмли суюқоёқ қиз ҳамроҳлигида ишрат қилган. Эртасига у ўлдирилган ва таланганд ҳолатда топилади. Бир хафта ўтиб Танька ва жулдуровкилар қўлга олинган ва улар қотилликни бўйинларига олишган. Колосов “Танька-Белоручка”ни ҳимоя қилиши керак. Айбланувчи билан сұхбатлашгани қамоқхонага бориб, у кутилмаган вазиятга дуч келди. Танька, ёки Колосов атай бошлаганидек, Таня ёш, сариқ соchlari силлиқ тараалган, камтар ва кўрқоқ қиз бўлиб чиқди. Ёлғиз камерада сақланганими ёки шафқатсиз руҳий изтироблардан иродаси қувват олганми, хуллас, Андрей Павлович кутганидек, унда одатда дуч келинадиган жирканч ва аянчли мавжудотдан асар ҳам йўқ эди.

Фақатгина фаҳш ва ичкиликбозлик билан ўтган тунлар ҳакида гапирап экан, унинг овозида бўғиқлик ва дагаллик бор эди.

Биринчи сухбатлашишданоқ Колосов тушуниб етди, Таня бу қотилликда на маънан, ва жисман айбдор эмас. У кўркувдан жувонмаргга айланаётган эди. Бу жамоатчилик назидаги энг пасткаш тоифага мансубликдан, қолаверса, ўзидан баланддаги ҳамманинг босимидан кўркув эди. Унинг урушқоқ ва бешафқат жазмани бўладими ёки бу сариқ билет соҳибасини ўзининг ялтираган ҳар турли нишонларию, значоклари ва ҳам юпитерларга хос кўриниши билан даҳшатга соловчи миршабми, Таняни урар ва яна ураверар эди. Таня шундай эҳтирос ва шиддат билан гапирдики, зуғум ўтказувчиларга қарши йиғилиб қолган нафратдан унинг кўзлари порлаб кетган ва ҳолсизгина жуссаси ҳам титраб кетарди. Колосов шу ваҳима ичидаги қиз ўзини ўзи ҳимоя қилишга ҳам қодир эканлигини кўриб турарди.

Уйкудаги йиртқич жониворлар шундай ҳимояланади, бошини ёнбошига ташлаган, тишлари кўтарилигтан қўлларга ғазабдан ташлангудек бўлиб ваҳима қиласди, аммо мана шу ясама, ёлғондакам ғазабда чинакам ўкиргандагидан ортиқроқ даҳшат ва ўлим важоҳати намоён бўлади. Таня кўзда ёш билан бу қотилликнинг қандай бўлиб ўтганини ҳикоя қиласар экан, кимдир унинг сўзларига ишонишига ҳам шубҳа қиласди. Уларнинг бари қовоқхонадан чиқиб ҳаробалар оралаб юришганида бошланди, унинг жазмани Иван Горошкин ва Василий Хоботъевлар нотаниш кимсага ташланишади ва уни бўға бошлишади.

– Тўрам, ўлгудай қўрқиб кетдим. Уларга сиз ярамас, қонхўрлар, нима қилмоқдасиз, дея бақирдим.

Ванька менга пўписа қилган вақтда бу бояқишириллай бошлаганди. Уларга ёпиша кетдим, ярамас Ванька бўлса менинг қорнимга қараб тепди. “Ўчир овозингни, йўқса, сени ҳам шундай қиламан”, дея бақирди.

Мен улардан қочиб чорбоглар оралаб кетдим, Марфушканинг тўшагига қандай етиб келганимни ўзим ҳам билмайман... Рўмолимни ўша қочган пайтимда йўқотдим...

Кейинги куни Таня Иванга содир қилинган жиноятни эслатганди, у бўлса икки мушт билан бўлиб ўтган воқеани ўзгартириб бўлмаслигини тушунтириб қўя қолди, бир яrim соатдан сўнг эса Таня талон-тарож қилинган пуллар эвазига олиб келинган ароқни ичиб бир қўшиқ айтар, бир кулар эди. Колосов яна бир-икки марта Танядан хабар олди ва ҳар галги сухбатдан кейин тобора уни ҳимоя қилиш қийин эканлигига амин бўла борди. Олайлик, у судда нима ҳам дея олади? Ахир бу оламдаги нимаики аччиқ ҳақиқат ваadolatсизлик бор экан, ҳаммасини айтиб бериши, ҳаёт учун тўхтамайдиган ва тинмайдиган курашни гапириши, бир қўкраги билан қонга ботиб ётган ғолиблар-у мағлублар ҳақидаги бор гапни айтиши лозим... Аммо бу ингроқ овозлар ҳақида уни ўзи эшитмаган ва эшитмайдиганларга айтиб бериш мумкинми?

Кеча тунда (у кундузи банд эди) Андрей Павлович ҳимояга тайёргарлик кўрди. Даставвал иши қовушмади, бироқ бир неча стакан аччиқ чой ичиб ўнтадан кўп папиросни бурқситганидан кейин тарқалиб ётган фикрларини бир жойга жамлай олди. Тобора жунбушга келиб, ўзини қўйилиб келаётган иборалари, чиройли жумлалари билан янада авжлантириб ниҳоят кескин ва ишонарли, аниқроғи энг аввало, ўзи учун ишонарли нутқ тайёрлади. Бир дақиқага ундаги гўёки Танядан юққандек қалбida ўрнашиб олган кўркув йўқолди ва у ўзига ва ғалаба қозонишига ишонч билан уйқуга ётди. Аммо уйқусизлик барibir уни тарқ этмаганди. Бугун унинг боши оғирлашиб қолган. Кечаги оташин нутқидан юлиб олинган айрим ибора ва жумлалар унга нотабиий ва ҳаддан ортиқ баландпарвоз қўриняпти. Ҳамма умиди асаблари жойига тушиб, керак пайтда ўзини идора қилишида қолди.

У бугун Таня билан кўришди ва унинг овозининг қотиб қолганидан янада хуноби ошиди.

– Менга қаранг, Таня, сиз ҳамма гапни худди менга айтиб берганингиздек қилиб ҳикоя қилиб беринг. Хўпми?

– Яхши, – деди бўйсунувчан оҳангда Таня, аммо ана шу бўйсуниш оҳангига ҳам унинг бутун борлиғи сингишиб кетган бир ўзига маълум бўлган қўрқув зоҳир бўлиб турарди.

Иш бошланди.

Коридордан судланувчилик жойлашадиган панжара ортига олиб кирувчи эшик очилиб улар бирин-кетин кириб кела бошлаганида кутишдан зериккан жамоа ҳаракатланиб қолди. Жандармларнинг пихлари жаранглаб, яланфоч қиличлари ялтиради ва томошабинлар тушунишдик, драма бошланяпти. Хона бўйлаб таралган шивир-шивиру шитирлашлардан маълум эдики, одамлар таассуротларни бир-бирига етказмоқда. Иван Горошкин ва Хоботъевларнинг ўртамиёна кўриниши салбий таассурот уйғотган бўлса, Таня – драманинг ҳақиқий қаҳрамони бўлиб ҳаммага маъқул келиб турарди.

Судланувчилик исми-шарифи ҳақидаги одатдаги савол-жавоблардан кейин суд раисининг нима иш билан шуғулнунасиз, деган саволига Таня :

– Фоҳишаман, – дея жавоб қилди.

Ўзларига оро бериб, ясан-тусан қилиб олган тоза аёллар-у, тўқ ва мамнун эрлар орасига ташланган мана шу бир сўз худди дафн маросимидаги қўнғироқдек, худди ўлган кишининг барча тирикларга таҳдидли иддаосидек жаранглади. Аммо ҳеч кимнинг боши эгилгани, ҳеч кимнинг кўзи ерга қарагани йўқ. Кайтанга улар кўзларини янада баҳил қизиқиш билан бақрайтириб туришарди – судланувчи ўзининг ролини қандай чиройли бажаряпти...

Биринчи бўлиб Горошкинни тинглашди, у корамағиздан келган, ўзига бино қўйган манерадаги

кўркамгина киши. Шошилмасдан, ибораларни танлаб-танлаб ва худдики атрофдагиларга нисбатан устунлигини яхши хис этиб тургандег-у, яна бу алоҳида намоён бўлиб кўринганидан уялиб тургандек тутаётган эди. Унинг гапларидан бу ҳар уч киши қотилликда бир хил улушда айбдор деган маъно келиб чиқарди. У ўша нотаниш кимсанинг қўлидан ушлаб турган, Таня унинг бўйнига сиртмоқни осган, Хоботьев эса бўғиб ўлдирган. Ҳар қандай маънода, ҳеч бир ўзига хос жиҳати кўринмайдиган Хоботьев ҳам қарийб Горошкиннинг гапларини тасдиқлади, фақатгина майда бир жиҳатларда, яъни пулларни тақсимлаш масаласида уларнинг фикри икки хил чиқди. Уни кутиб турган каторга олдида ўзини осойишта тутгани билан Иван талон-тарож қилинган пулларнинг жуда озгинаси унга текканидан норози эди. Навбат Таняга келди.

Колосов унинг гапиришини қўркув билан кутаётган эди, синик овоздаги илк сўзларданоқ тушундики, ишлар пачава. Бояги ўзига маҳлиё қиласидиган самимилик ва оддийликдан асар ҳам йўқ эди, ахир бу Таняниг ягона куроли эди-я. Аҳамиятсиз тафсилотлар ва чекинишларга чалкашиб кетган Таня ўзини зўр бериб оқлашга интилар, бу эса аксинча таассурот уйғотмоқда эди. "Яхшиси, умуман гапирмаса бўларди!" Таняга нисбатан қаҳр билан ўйларди Колосов, у ҳар бир хато далилни азоб билан тинглаб ўтиради. У маслаҳатчилар ва жамоага қарагани йўқ, аммо улардаги нохуш кайфият ва ишончсизликни бутун вужуди билан сезиб туради.

— Агар сиз қотилликда айбдор бўлмасангиз, нега полицияда ва тергов вақтида бунга икрор бўлгансиз? — сўради раис.

Таня аввал довдираб қолди, кейин уни полицияда уришганини айтди. Бу жавобда тўғридан тўғри ва "сурбетларча" ёлғон сезилиб туради. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, Таня ўзининг ҳимоячисига бу ҳақда ҳеч нима демаганди.

Дарвоке, бу муҳим жаноблар олдида у унга кўз қирини ташлаб турган ва хаёлига қандай тентакликлар келгани ёлғиз Худога аён бўлган пристав рўбарўсидаги қўрқувини уришганидан бошқа яна қанақа изоҳ билан ҳам тушунтира оларди. Тилла тугмали бу зодагон фақат шу бир ялтироқ тугмалардан ҳам қўркиш мумкинлигини тушунармиди дейсиз? Бу ҳолатда нафақат бу оқсуяқ, балки Колосов ҳам Таняни тушунгани йўқ. Тишларини ғазаб билан ғижирлатиб у анави ўйноқи ва ишончсизлик аломатини ифода этувчи илжайишларни қўрмаслик илинжида ўзини плюпітран панасига олди.

– Терговчи ҳам сизни урдими? – Енгил истехゾ билан сўради раислик қилувчи. Орқадаги қаторда ўтирганларнинг кинояли қулгиси эштилди.

Таня сукут сақларди.

– Сиз маст одамнинг ҳамёнини ўмарганлик учун судланмаганмидингиз? Яраштирув судъяси сизга икки ойга қамоқ жазоси бермаганмиди?

Таня жим эди. Нима ҳам дея оларди? Ёмони, у рисоладагидек гапириб бера олмай Андрей Павловичнинг ҳам жаҳлинини чиқариб қўйди.

Гувоҳларни сўроқ қилишдек узундан-узоқ жараён бошланди. Колосовнинг тобора хиралашиб бораётган кўзи ўнгига қовоқхоналарнинг муомалали, сўзамол ва истараси иссиқ хўжайинлари, ухлайвериб юзлари салқиган ва бамисоли нима биландир овози ўчирилган хизматчилар бир-бир ўта бошлади. Уларнинг баъзи бирлари ўз нутқларида минглаб майда тафсилотларни келтириб бошни огритди ҳам, аммо уларни тўхтатишнинг имкони йўқ эди, аммо бошқа бирларидан эса ҳар бир сўзни сугуриб олишга мажбур бўлинди. Яна бир гувоҳ пайдо бўлди, истарали, тоза кийинган, озғиндан келган ва тортинчоққина болакай. Икки оғиз маъқулловчи сўзлардан кейин раислик қилувчи

Белоручка ва бошқалар унинг бувисиникига кириб нима қилганини сўради.

– Кartoшка тозалашибди, – деди бола ва зимдан раисга қараб жилмайиб кўйди.

Суд раиси ҳам, маслахатчилар ҳам, унсиз йиғлаётган Таня ҳам жилмайишиди. Таняning кўзларида ёш йилтиарди. Колосов ўз боласини ерга кўйган онанинг меҳрли жилмайишни пайқади ва “Биргина шу табассуми учун ҳам уни оқлаш керак!” дея ўйлади. Соатлар кетидан соатлар ўтиб Андрей Павлович тобора ўзини ёмон ҳис қила борарди. Унинг толиққан кўзлари олдида ялтироқ иплар ўтгандек бўлди, у овозларни қийинчилик билан қабул қиласарди, раис томонидан бир саволни икки бора таклиф этгани учун огоҳлантирилганидан ҳам маълум эдик, унинг учун бу ерда айтилаётган гапларнинг аҳамияти ҳам йўқолган эди. У мутлақо лоқайд ва зерикканди. У ўзини идора қилиб олишга ҳаракат қилди, танаффусда боши айлангунча чекди, бир рюмка конъяк ҳам ичиб олди, аммо бир зумлик бедорликдан кейин кувватини бутунлай йўқотди. “Эй худойим, менга нима бўляпти ўзи?” – унинг хаёлига келган савол шу эди, у қўрқувни, елкалари бўйлаб совуқ терни ҳис этди. Померанцев эса терговни дадил, курашчан, қатъиятлилик билан ажойиб тарзда ўтказди: гувоҳларнинг тинкасини қуритиб керакли гапларни суғуриб олди, раис ва прокурор билан кескин тортишувлар қилди ва тўпланганларда ижобий таассурот уйғотишга эришди.

Музокараплар кечки ўн бирга бориб бошланди. Кексайиб, беллари буқчайиб колган прокурор ақлли, кўп маънони ифодаламайдиган қиёфадаги киши экан, унинг нутқи сокин, бир маромда ва чиройли, шу билан бирга, дунёдаги энг беъмани ёлғон каби мантиқсиз, қақшатқич ва кескин эди. Далиллар ва фақат далиллар теграсида қолиб прокурор тумтароқ иборалар ва қанақадир иддаоларсиз Таняни ўраб олган тўрнинг ипидан игнасигача моҳирона

чишиб берди. Жиноятчилар яшаган мұхитнинг манзарасини хаёлан әхтиросларга берилмай чизиб берар экан, у жиноий ҳаракатни тасвирлашга киришди.

Совуқ құлларини ёзиб қўйган қайдлари устидан асабий юргизар экан, Колосовнинг назарida қораловчининг ҳар бир сўзидан сўнг залда чироқ ўчаётгандек ва тобора қоронғу бўлиб бораётгандек эди. У ўзининг орқасида мунгайиб, жим ўтирган Таняни сезиб турарди. Унинг кўзлари ҳар бир сўздан кейин худди бошига тегирмон тоши билан уришаётгандек катта-катта очилаётганди. Колосов энди илк бор унинг елкасида қанчалар беўлчов ва оғир масъулият турганини бутун даҳшатли аниқлик ва мадорсиз кувват билан тушуниб етди. Унинг юраги музлаётган, қўллари қалтирас, кескин овоз эса қатъият билан таъкидларди: "Сен қотилсан, сен қотилсан!..." Колосов орқага қарашга ботинолмасди, бехосдан Таняning кўзлари билан тўқнашиб кетишдан ва унинг нигоҳларидағи нажот ва унга бўлган кўр-кўrona умидни кўриб қолишдан чўчириди. Негаям уни қамоқхонада тинчлантириди ва оқланиб кетиши ҳам мумкинлиги ҳақида гапирди-а?...

...Таняning боши узра айбловлар булути тобора куюқлашиб бораарди. Прокурор худди боягидек хотиржамлик билан "Танка-Белоручка"нинг шармандали ўтмишидан, унинг оппок қўлларини бегуноҳ қонларга ботирганидан гапирмоқда эди. Ўғрилик ҳақида тўхталди, балки бу унинг ҳаётида биринчиси бўлмаган бўлиши ҳам мумкинлигига ишора қилди...

Сукунатга чўмган залда ҳаво етишмасди. Колосов бўғилиб кетди. У худди ҳозир қатл этиладиган жиноятчикек кўзларини юмди, ва узоқ-узоқларда күёшни, ям-яшил майсазорни, кўм-кўк осмонни кўргандек бўлди. Ҳозир унинг уйида қандай хотиржамлик ва сокинлик ҳукмрон? Болалар ўз каравотларида ухлашаётган бўлса керак. Уларнинг ёнига борса яхши бўларди. Тиз чўкиб, улардан

химоя кутиб уларни кучса. Бу даҳшатлардан қочиб кетса! Қочмоқ керак! Қочмоқ! Аммо унинг ҳам фарзанди бор эди-ку! Фақат биргина, давомли, изтиробли, аламли, ёввойи қичқириқ билан Колосов ўз ҳиссиётини билдира олиши мумкин. О, қани энди унда илохий забон бўлса? Қанақанги важоҳатли, ҳадсиз нутқ ирод этилган бўларди бу оломон теграсида! Мана бу шафқат билмайдиган юраклар эриб кетарди, фифонлар залдагиларга етиб борарди, шамлар даҳшатдан ўчиб қоларди, раҳм-шафқат ва ғам-андуҳдан хона деворлари ҳам титраб кетармиди?! Одам бўлиш, оддий одам бўлиш қанчалар оғир иш-а?...

Прокурор ўз сўзини тугатди. Йўтал овозлари, бурун тортишлар, оёқларнинг қимирилаши билан ўтган бир дақиқалик танаффусдан сўнг Померанцевга сўз тегди. Унинг равон нутқи худди оқиб турган жилға каби оҳангда эди. Тетик, енгил тебранувчи овоз зулматни ёритаётгандек. Мана, енгил кулги кўтарилди – Померанцев гап орасида прокурор шаънига ҳам кескин фикр билдириб ўтди. Колосов ўртоғининг тўла, чиройли юзига қараб унинг билдираётган равон шаъмаларини кузатди: “Сенга яхши, сен ғам нималигини билмайсан ва уни тушунмайсан ҳам!..” Колосов ўз сўзини бошлади, аммо у ўз овозини танимасди, ғўлдиради у, дўриллоқ овози шу тобда унинг ўзига ҳам ёқимсиз эди. Маслаҳатчилар, бошида ҳадиксираб туришган маслаҳатчилар унинг гапларини эшишиб ҳаракатга тушишди, соатларига қараб қўйишар, уларнинг энсалари қотаётгани қўриниб турарди. Нотабиий, сунъийдан-сунъий иборалар толиқкан судялар учун янада зерикарли эди. Қолипга тушган, юзлаб айтилган ва улар эшифтган гапларнинг такроридан иборат нутқ эди бу. Раис ҳам унинг сўзларига эътибор бермай қўйди, у суд аъзоси билан бир нималар ҳақида шивирлашиб турибди. “Тезроқ бас қилса эди!” деб ўйлади Колосов.

Суд маслаҳатчилари кенгаш хонасига кириб кетишиди. Ярим соатнинг ўтиши ҳам шунчалар азоб бўлдики... Колосов ўртокларидан четлашди, у улар билан тўқнаш келишни истамаганди, аммо улардан бир ёш, бақалоқ, яна дeng, нима гапириш мумкин-у, нима мумкин эмаслигини тушунмайдиган бир ғалчафеъли барибир унга ёпишди:

– Сизга нима бўлди, отагинам, бунаقا эмасдингиз-ку! Бизлар атай сизнинг нутқингизни эшитиш учун келгандик...

Колосов илтифот билан табассум қилди, бир нималар деб ғудранди, аммо бу йигит Померанцевни қўриб колиб, узоқдан унга қичкира кетди:

– Тасанно, Сергей Васильевич! Гап йўқ!

Мана, қўнғироқ ҳам чалинди. Валдираётган, хаёли чалғиган ва тамаки бурқситган жамоа ёппасига тиқила-тиқила эшикдан залга кирди. Кенгаш хонасидан маслаҳатчилар турнақатор бўлиб чиқиб келишиди, залдагилар сукут сақлаб уларнинг қарорини кутарди. Одамлар оғизларини ярим очган, кўзлар эса раис маслаҳатчиларнинг старшинасидан олаётган қофозга тикилганди. У қофоздаги ёзувни хотиржамлик билан ўқиб кўрди ва имзолади. Колосов Таняning оқариб кетган юzlаридан кўзини узмай эшик олдида турибди.

Маслаҳатчиларнинг бошлиғи гализ ёзилган ёзувларни қийналиб ўқимоқда:

– Москва губернияси, Бронницкий уездида яшовчи деҳқон қизи йигирма бир ёшли Татьяна Никаноровна Палашова саккизинчи декабрдан тўққизинчига ўтар кечаси ... мол-мулкидан фойдаланиш мақсадида ... бошқа шахслар билан уюшган, келишган ҳолда... бўғиб ўлдиришда... айбдорми?

– Ха, айбдор.

Колосовга шундай туюлдими ёки Таня ростдан ҳам силкиниб кетдими? Ёки унинг ўзи шундай бўлдими?

Суд хукм чиқариши учун яна ярим соат кутиш лозим. Андрей Павлович бу жунбушга келган жамоа ичида қоладиган ҳолатда эмасди ва у коридорнинг олисдаги, ёруғлик кам тушадиган томонига кетди. У олдинга ва орқага охиста қадам ташлар, одимлари эса барадла эшитиларди. Зал томондан эса қадам товушлари, шовкин, овозлар келарди – демак ҳаммаси тугади. Колосов шу оломон орасига шошиб кириб борди, шоду-хуррам одамларнинг баланд овоз билан такрорлаётганини эшилди: “Ўн йил каторгага!”... у эшик олдида тўхтади, бу ердан жиноятчилар чиқаётган эди. Таня унинг ёнидан ўтаётганида унинг жонсиз осилиб турган қўлларидан тутди, энгашди ва деди:

– Таня, мени кечир!

Таня нурсиз кўзлари билан унга қаради ва ҳеч нима демасдан йўлида давом этди.

Колосов ва Померанцев қўшни туришади, шу боис ҳам улар битта извошда кетиши. Хурматли Померанцев бугунги иш ҳақида тўхтамасдан гапиравди, Таняга раҳми келганини, Хоботьевга шафқат қилинганидан хурсандлигини таъкидларди. Колосов бу гапларга қисқа-қисқа, истар-истамас жавоб бериб келди. Уйига келгач, шошмасдан кийимларини ечди, хотини ухлаётган хонанинг ёнидан ўтиб болалар хонасига кирди ва беихтиёр эшикнинг тутқичини тутди, у одатicha, кириб болаларини ўпид қўймоқчи бўлди, аммо ўйланиб қолди ва ўзининг ётоғига кириб кетди.

**25.01.11**

### ТОҒА

Қариндошлар ичида тоғанинг алоҳида якинлиги бўлади. Менга ҳам тўрт нафар тоғам айрича азиз. Улғайганим сайин, уларнинг инсоний фазилатлари, хали ёш бўлган пайтларимизда бизга килган хизматлари, меҳрибончиликлари, муомалалари ҳақида кўп ўйлайман. Ўзимни уларга қиёс қиласман. Бўлиб ўтган баъзи ҳолатлардан қандайдир ҳикматлар топгандек бўласман.

Абдурасул ҳожи тоғамнинг фарзандлари Лапас, Насиба(у мен билан тенгдош қизи) ва Пардахол, мен, синглим Ҳадичаларни сариқ “Волга”сида Самарқандга томошага олиб борганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Регистонни айланганмиз. У пайтлари Ином Бухорий, Мотуридий, Хўжа Ахрор Валиларнинг зиёратгоҳлари қаёқда эди, дейсиз? Гўри Амирга кирганмиз. Миноралар, обидалар маҳобати ва гўзаллигидан бир бошқача таъсирангандигиз. Самарқандга йилда бир-икки бораман. Барча зиёратгоҳларида бўлганман ҳам. Ҳар сафар инсон руҳиятида ажиб бир сокинлик, хотиржамлик, енгиллик сезилади. Аммо бундан ўттиз йиллар илгари тоғамнинг бизни олиб борган зиёратлари бир бошқача эсда қолган.

Абдурасул тоғам меҳнат қилиб чарчамайдиган инсон. Ёши етмишдан ошган бўлса ҳамки, ҳозир ҳам фермерлигидаги оғир ишларга ўзи бош бўлади, ҳовлидаги юмушларми, мол-ҳолга қарашми, бажариб кетаверади. Ҳар якшанба у киши томонидан тозаланадиган буғдой бозорга олиб чиқилади. Умуман, бирон кун йўқки, жўяли бир жисмоний меҳнат қилмаган бўлса. Шундан бўлса керак, кўз тегмасин, соғликлари яхши. Ҳаётнинг жуда кўп қийинчиликларини бошидан мардонавор ўтказиб келаётган ҳожи тоғамда бир қадар соддалик бор. Феълидаги айнан

ўша соддалиги сабаб у кишининг кайфиятини, бирор мавзу бўйича фикрини ҳам ўзгартириш унча қийин иш эмас. Шу характерлари раҳматли Зулайҳо энамиздан(болаликнинг беғубор хотираси ўлароқ, “эна” сўзи менга “она”дан яқинроқдек, самимийроқдек туюлаверади, она деганда “эна”дагичалик меҳримни кўша олмаётгандек бўлавераман) ўтган.

Бирорга зарда қилиб турган жойида гапга бошқачароқ тўн кийгизсангиз, энам дарров ўша одамни дуо ҳам қилиб кетаверар эдилар. Бу содда, оддий онадан шундай илмли-заковатли фарзандлар тарбия топди.

Бошларига ғам-аламли кунлар келган пайтларда ҳожи тоғамнинг дардчил юзларини кўрсам, “фарзанди учун отани ҳам, онани ҳам яратмасин”, деган гапнинг маъносини уққандек бўлардим, ўзимча ғудраниб кўнглини кўтармоқчи, таскин тиламоқчи бўлардим-у, бу оғир вазифани ижро этишга бўйим етмай қоларди. Кўнглим бўшардими, у кишининг дардларини бўлишгим келардими, йўқ, шу каби ҳамдардликларим бари мужассам бўлган бир туйғуни юрагимдан ўтказардим. Юракдан ўтказардим, дейман-у, аммо барибир унинг юрагини тимдалаётган муаммоларни елкамга ола билмасдим назаримда. Бироқ, жигарлик, қалб яқинлиги ҳақиқат. Нафсирамбрини айтганда, шундай вақтларда, тоғаларимнинг менга нечоғли азиз инсон эканликларини янада теранроқ ҳис қила бошлагандек бўлавераман.

## 2

Абдурашид тоғамнинг салобати, вазминлигидан у кишининг олдида бироз суст босади бизларни. Ўзи сарикдан келган кишиларнинг аччиғи тез, шижаоти баланд, сўзи кескир бўлиши ҳақида кўп эшитганимизданми, у кишининг ҳаётда ҳамиша ўткир бўлиб келганликларига ўрганиб қолганимиз. ТошДУнинг хуқуқшунослик

факультетини тугатиб, умрини шу соҳада баракали ва ҳалол меҳнат қилишга сарфлаган Абдурашид Мелибоевнинг жуда кўп фазилатлари бизларга намуна бўлиб хизмат қилган. Ҳали талабалигига ёк, у кишининг олдида шўхликлар, болаларча хархашалар тўхтарди. Важоҳати баланд эди-да.

Етмишинчи йилларнинг боши. Эсма-эс, кейин ҳалигача сақланиб қолган суратлардан хотирлайдиганимиз – тоғам сураткашлик қилишга қизиқарди. Кейинчалик фотоаппаратларини менга берган. У кишининг энам билан биз набираларни йигиб суратга олишлари, бу суратларда ўша йиллари эндиғина келин бўлиб тушган Зайнаб янгамизнинг ҳам албатта бўлишларидан ҳис қиласманки, шу даврлар тоғамнинг ҳаётидаги энг ўчмас лаҳзалар бўлган экан. Кейин Абдурашид тоғам орган соҳасида жуда баракали ишлади. Ҳар сафар Тошкентга келганида “Голубой купола”да меҳмон қилиб, яна чўнтағимизга беш-олти сўм солиб ҳам қўярди. Шундан, у кишининг пойтахтга бирон иш билан келиб туриши ҳар доим байрамга teng эди.

Абдурашид тоғам Форишда кўп ишлади. Туман ўзига хос муҳитга эга. Муҳими, одамлари бошқача. Бу – худуди баъзи вилоятлардан-да каттароқ бўлган воҳада одамлар чорвачилик, лалми дехқончилик ва чекка жойларда, Айдарқўлнинг кириб келиши вожидан балиқчилик билан машғул. Аммо аслида форишликларда гап кўп. Туманнинг аҳолиси юз минг атрофида ҳисобланадиган бўлса, Жizzах вилояти, кўшни Сирдарёда, кейин пойтахтда яна минглаб форишликлар бор. Уларнинг шевалари ўзига хос. Феъллари ҳам айрича. Улар бошқа тумандагиларга қараганда, очик, ўқимишли келади, газета ўқийдиган, сиёsatга қизиқадиганроқ ҳалқ. Шунинг учун ҳам прокурорман, деганига осон эмас. Баҳо берадиган кўплигидан ҳам кўра, ишнинг тўғри-нотўғрилигини билиб

туради бу одамлар. Шу маънода, тоғамнинг туманда яхшигина обрў билан ишлагани унинг кучли мутахассис эканидан далолат беради. Мана, қарийб йигирма йилга яқин вакт бўлди у кишининг Форишдан бошка жойга кетганига, аммо ҳозиргача ҳар йили 21 январь куни биз қариндошлар боролмаслигимиз мумкин, аммо бир гурӯҳ форишликлар, албатта Абдурашид тоғамни туғилган куни билан табриклагани қадам ранжида қиласди. Яна, унинг форишликларга “Аби ака” бўлиб қолганини айтмайсизми. Насриддин ака, Пўлат ака, Эркин ака каби ўнлаб яхши акаларимизнинг борлиги ҳам тоғамнинг Форишда ишлаган йилларидан...

Мана, тўй-ҳашам, маракаларимиз уларсиз ўтмайди. Менинг айниқса, тоғамнинг Форишда топған обрў-хурматидан кўнгллим тоғ қадар кўтарилади.

### 3

Бурхон тоғам ниҳоятда зукко одам. Ака-укаларнинг ичида у кишини энг заковатли, ўқиган деб биламан. Тақдир экан, Новосибирскда бошланган илмий иш катта отам (бизда бобони, яъни отанинг ва онанинг отасини катта ота дейишади)нинг талаби билан кишлоққа қайтиб, тумандаги З-сонли ўрта мактабда иш бошлаш билан якун топган эди. Фарзандининг узоқ ўлкаларда қолиб кетиши мумкинлигидан хавотирланган эдилар раҳматли Мелибой отамиз ўшанда. Баъзи сабаблар билан оиласи бузилди. Бир неча йил давомида бу воқеа тоғамни оғир дард каби қийнади. Умуман, оиланинг тинчлиги, уйдаги хотиржамликнинг баҳосини жуда аниқ бошидан ўтказганлар орасида шу тогам ҳам борлиги аниқ. Бурхон тоғам ҳамма дардини, аламини ишдан олди. Туманда жуда кўплаб ўқитувчиларга информатика асосларини ўша пайтда ягона бўлган мутахассис сифатида ўзи ўргатди.

Янги фаннинг барча сир-асрорларини пишиқ-пухта ўзлаштириб мамлакатимизда ҳам донг тарататётгай бахмаллик ёшлар ҳақида эшишиб қолсам, бундай ютуқшарда туманимизда ташкил этилган илк курсларда фидоийларча муаллимлик қилған Бурхон Мелибоев тоғамнинг катта ҳиссаси борлигини ўйлайман. Албатта, ўша ўзидаги заковат ва билим боис ҳар қандай даврада Бурхон тоғамнинг кўтариладиган мавзуларга муносабати, билдирадиган мулоҳазалари айрича ўрин тутади. Асослилиги, пухталиги билан албатта. Кейин у кишида инсоннинг руҳиятини англаш, нима демоқчи, нима қилмоқчи эканини тушуниш истеъдоди ҳам бордек. Одамларнинг феъли-атворидан келиб чиқадиган одат ва қиликларини айнан кўрсатиб беришида олис йилларда олинган психология фани сабоқларининг бўй кўрсатаётганини сезиш қийин эмас. Алқисса, ўқиган одамнинг баланд бўлишини кўрганимиз ҳолда, мисол учун, мен кўп нарсани билиш инсоннинг кўп қийналишига олиб келишини-да сезаман. Тоғам ўзи кўриб-билиб турган тўғри-нотўғри воқеаларни қабул қилишда қийналмай иложи йўклиги ҳам бор гап. Шундай эмасми?

Бугун Бурхон Мелибоев Ўрай қишлоғининг имоми. Дастрлаб эшитганимда кулиб юбордим, бу гап рост эмасдай туюлди менга. Тасаввур қилиб кўрмаган эканман илгари. Кейин, ўйлаб кўрсам, бунда мантиқ бор. Ахир у мулла Мелининг ўғли, бирор мадрасани тутатмаган бўлса ҳам, қишлоқдаги мана-ман деганига дин илмини ҳам ўқитадиган дараҷада илмли. Кейин мени жиддий торттирган нарса энг кичик тоғам ҳам мўйсафидлар қаторига кираётгани бўлди. Ёши олтмиш бешга қараб кетаётганидан сўнг шундай деймизда. Ишқилиб, ҳар кимга яхши қариш насиб қилсин. Охири бахайр бўлсин, деган гапда ҳикмат ҳам, маъно ҳам кўп экан.

Модомики, тоғаларим ҳақида гап очган эканман, уларнинг ичида, Оллоҳ раҳмат қилсин, Абдураҳмон тоғамнинг ўрни бўлакча эди. Болаларча мурғак тасаввуримда у киши бир ҳокисор инсоннинг тимсолидек муҳрланиб қолган.

Ниҳоятда содда ва ҳокисор эди...

Ўзлари ҳеч бу ҳақида оғиз очмаган, онамми, отамми, кулиб айтган, у кишининг соддаликларидан самимий таъсирланиб, албатта. Автотранспорт ҳайдаш учун маҳсус курсда, ўша пайтда ДОСААФ дейиларди чамаси, беш ойми-олти ойми, ўқиб “права”, яъни ҳайдовчилик гувоҳномаси олган. Гувоҳнома нафақат енгил, ҳатто сув ёки ёкилги ташувчи автоуловларни ҳам бошқариш хукуқини берган. Хуллас, тоғамизга “Нурли күёш” хўжалигида бўш бўлган сут ташиш машинасини беришади. Энг қизифи, Абдураҳмон тоғам ўша машинани миниб тўғри электр устунига бориб урадилар. Мен бу воқеанинг кейинги тафсилотини билмайман-у, лекин у киши ўзидан ҳайдовчи чиқмаслигига амин бўлганлари аниқ. Умуман, машинани бошқариш ҳам ҳаммага тўғри келаверадиган иш эмас. Бу бор гап. Тоғам бир муддат қурилиш ташкилотида оддий ишчилик қилганларидан кейин қолган умрларини туманимиздаги ХАТП деган автокорхонада қоровуллик қилиб ўтказдилар. 60 сўм атрофида маош олардилар. Аммо рўзғорларида барака бор эди. Биз Хосият янга, у кишининг аёллари (аслида улар ака-сингилнинг фарзандлари, у пайтларда қариндошлар орасидаги никоҳ ҳозиргидек ғайритабиий иш бўлмаган чамаси-да, улардан ташқари, бизнинг ота-онамиз ҳам ака-сингилнинг болалари)нинг қўли ширип пазандалигини кўп эслаймиз. Уларнинг хонадонида кечки овқатга ошми ёки ун ошими қилинса, албатта шу хонадонда кечки овқатда ҳозир эдим. Ўша таомларнинг таъми ҳалигача оғзимда қолган. Уларнида қариндошларнинг бирон тадбири бўлиб қолса, ҳали

қарилекни бўйнингизга олманг, ўзингизнинг қўлингиздан ош егимиз келаяпти, дея тихирлик қиласиган одатим бор. Энди қўша-қўша келинлар, қизлар хизматда бўлишига қарамай, бу “илтимос”ларимизни янгамиз ҳозир ҳам ерда қолдирмайди. Назаримда, у киши тоғамнинг ҳаётлигидаги ўша беғубор ва такрорланмас кунларни хеч қачон ёдидан чиқармаса керак.

Абдураҳмон тоғамнинг бизларга кўп хизматлари сингган. Бу хизматлар қалбан яқинлик, меҳрибонлик мъяносида. Ҳар йили ёз мавсуми келиши билан таътил бошланиб, ўғилдир-қиздир, ҳамма болаларнинг сочи олинарди, лезвияда, тап-такир қилиб. Менинг бошим катта бўлганидан сочнинг тўкис тозалаб олиниши менга ёқмас эди, аммо менга агар қириб олдирсанг, сочинг кўпаяди, деган ярим чин, ярим ёлғон гапни сингдириб бу ишга кўндиришарди. Бу маросим ўзига хос эди.

Кўпчилик Худойберди аканикига боришни маъқул топарди. У киши ҳам қариндошлардан. У уста бўлганлиги важидан сочниям жуда тоза қилиб оларди. Аммо менга “талаб”имиз ўтарди. Олайлик, бошнинг олди қисмида, яъни пешонада кокил қолдиришни “заказ” қиласидим. Тоғам мени худди ўзидаи катта одам кўриб жиддий сухбатлашар ва бу гапларга чалғиб кетиб ҳалиги “кокил” икковимизнинг ҳам эсимиздан чиққан бўлар, бирданига сезиб қолганимиздан кейин, “ҳозир боплаймизда жиян” дея бошнинг орқа қисмидами, ёнидами бир чимдим соч қолганини айтиб шуни қолдирсам бўладими, деярди. Мен ҳар гал у кишидан дастлаб хафа бўлардим-у, кейин бирон мавзуда гапни чалғитиб кўнглимни кўтариб ё мактаб, ё бўлмаса бир нарсаларни ваъда берганларидан кейин ҳалиги губорлар тарқаб уйга келардим. Энди билсам, у киши нима қилиб бўлса ҳам, мени хафа қилмасликка ҳаракат қилган эканлар-да.

Ҳар январь ойи келганида, аникроғи янги йил бошланиши билан Абдураҳмон тогамни эслайман.

Тўқсонинчи йиллар энди бошланган, хали юртимиз катта бир мамлакат ичидаги республикалардан бири эди. Университетнинг журналистика факультетида ўқирдим. Умуман, ҳаёт у пайтлари бошқача эди. Қишлоқда автоулов саноқли кишилардагина бор. Қиши қаттиққина келган, учтўрт кун тинмай ёқкан қор беш-олти кунлик юмшоқ кунлардан кейин сергиб, у жой-бу жойда ер кўриниб бошлаган. Абдураҳмон тогам кўп йиллик хасталиги сабаб ҳаммамизнинг эътиборимизда бўлар, шу боис ҳар сафар Тошкентдан уйдагиларни кўриш учун борганимда ҳовлимиzinинг орқа томонидаги икки хонадонга албатта кириб чиқардим. Бирида энамизни кўриб дуоларини олиш, иккинчисида катта тогамдан ҳол сўраш учун. Тогам ҳеч қачон бизларга хасталиклари, азболанаётганликлари борасида гапирмаган. Қачон борсак, тилаб олган ўғиллари ёки қизларига бирон журналдаги ибратли ҳикоянинг мазмунини тушунтириб бераётган ёки яна бир воқеаларни ҳикоя қилиб ўтиган бўлардилар. Фарзандлари билан жуда ҳам иноқ эди. Худди тенгкурдек, кўпинча уларни сизлаб гапиради. Узоқ вақт давом этган касаллик оқибатида озгин бўлиб қолган эди.

Ўшанда шанба куни эди, чамаси, кечга томон ҳаммамизни Абдураҳмон тогамизни кига чорлашди. Об-ҳаво бироз юмшаган эканми ёки раҳматли тогамнинг кўнглига солганми, ҳаммом қилиб покланишни ихтиёр қилган экан. Хуллас, иситма кўтарилиган, ўпкалари хаста бўлганидан нафас олиши қийинлашган, Тез ёрдам чақирилди. Биз кичик тогам иккаламиз ёnlарида суюшиб шифохонага дўхтирлар машинасида бирга бордик. Ҳамма қариндошлар, Ғаллаоролдан Абдурашид тогам ҳам етиб келди. Шифокорлар биринчи ёрдамни кўрсатишди. Аммо тогамнинг ахволи ҳақиқатдан ҳам оғир эди.

Катталар холи хонага ўтиб сухбатлашишди. Ёшим йигирмани коралаб қолганидан, ўзимни улғайгандек хис қиласардим-у, аммо бу сухбат менда жуда ёмон таассурот көлдирган эди. Абдуғани ака (шу дўхтирни ўшандан буён унчалик хушламайман. Унинг ҳолатни изоҳлаб айтган гаплари аччик эди, ниҳоятда оғир эди-ю, аммо юзида бундан таъсирланиш, бу ердаги bemorning яқинларига нисбатан ҳамдардлик етишмасди. Гарчи касалнинг олдида, унинг ўзига айтмаётган бўлса-да, унинг жигарбандларига нажот жуда кам, деган маънодаги гапни айтаётганда одамнинг бирон туки қимирламаса, ундан хафа бўлишга ҳақлимиз ахир) аҳволнинг оғир экани ва тобора ёмонлашаётгани, ҳар эҳтимолга қарши, тайёр туриш кераклигини таъкидларди. Ҳаммамиз биргаликда қийналиб нафас олаётган тоғамнинг олдига кирдик. “Худо хоҳласа, эрталардан ҳаммаси жойига тушиб кетади”, деди кимдир катталардан. Тоғам раҳматлик, Умрзоқни (биринчи ўғиллари сувга чўкиб нобуд бўлганидан қарийб ўн беш йилдан кейин кўрган зурриёдларига умри узоқ бўлсин, деган мақсадда шундай исм кўйган эди) олиб келсаларингиз, бир тўйиб ҳидлаб олай, болаларимни, деди нафас олишлари орасида. Унинг оғир нафас олишини ҳатто қўшни хонадаги bemorлар ҳам эшишиб турарди.

Ҳаммамизни “сиз”лаб гапирадилар. Бирон марта қилиб қўйган хатомиз учун койимаган. Томорқамизда ҳар йили албатта экадиганимиз шивит(шахарликлар тилида “укроп”)ни тутамлаб-тутамлаб оғизларига солар ва менга, яна ким бўлса шунга қаратса, “бу жуда доривор нарса, уни тез-тез еб туриш керак” деб кўярдилар. Тоғам оламдан ўтгач, шу зираворга нисбатан ҳам ҳафсалам пир бўлган. Доривор бўлса, шундай яхши одамни соғайтириб юборардиди ахир. Демак, ҳаммаси ёлғон гап. Тоғамни бериб қўйдик ўша кеча. Соат ўн икки билан бирнинг ораси. Машина уйимизнинг орқасига келиб тўхтади.

– Тойир, – деди Абдурасул тоғам. Отамнинг “ҳа”, деган жавобидан сўнг тоғам гапни лўнда қилди:

– Тамом. Буёғини ўзингиз ташкил қилаверинг. Ҳозир обкелаяпти.

Онамнинг уввос солиб йиғлаганлари, ҳаммамизнинг йиғлаганларимиз эсимда. Отам, қиши бўлишига қарамай, “Урал” мотоциклини миниб юради. Баъзи-баъзида мен ҳам яширинча ҳайдардим. Отам қишлоқдан кимларни айтишимни рўйхат қилиб берди. Ўша оқшом мотоциклда роса қишлоқни кезганман. То тонггача одам айтганман. Корнинг аёз совуғи бадан-баданимга ўтиб кетган бўлса керак, аммо сезилмаган. Йиғлаб-йиғлаб ўтказганман ўша тунни. Кўзга уйку келарми? Шундай тоғам кетаётиди-я. Ахир бундай яхши одам қандай қилиб ўлади?

Абдураҳмон тоғам кичкинагина бўлиб қолган экан. Одамлар шундай дейишди. Дард эзиб, касаллик емириб одамни ҳолдан тойдириб ташлар эканда. Ўшандан буён узок хаста бўлиб ётган кишиларни кўрсам, шуни ўйлайман. Ихчамлашиб бораётган одамлар, улар қаёққа кетаётганликларини биладиларми?

Ўшанда Абдурашид тогам бир чеккага чиқиб роса бўзлаб йиғлаганини кўрдим. Мен у кишининг йиғлашини тасаввур қилолмағедим. Уни кўриб мен ҳам кўп вақт ўзимга келолмай юрганман.

Мана, йиллар ўтди. Умрзок, ундан кейинги Баҳодир ҳам бугун ота, кенжатой Холмирза тоғамиз ҳарбий хизматни ўтаб келиб педагогика институтининг энг нуфузли факультетига ўқишга кирди. Ўқияпти. Ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Фақат ҳаётдан керакли сабоқларни олиб қолсак бўлгани. Яқинларимизнинг тилда айтилмаган, айтиб чайналмаган яқинликларини ҳис қилсак, ҳақиқий меҳр-оқибатнинг изҳор этилмайдиган маъво эканини билиб юрсак яхши экан.

Билиб юрсак яхши экан...

2006 йил

## МУНДАРИЖА

Овора.....	3
Бош оғриғи.....	25
Эшматовнин долларлари.....	35
Уста.....	40
Иқрорлик саси.....	47
Устоз.....	58
“Биздан сүңг ҳам Ватан қолур”.....	76
Жайдарилык.....	87

## ТАРЖИМАЛАР

“Нон иси”.....	94
Чақирилмаган мәхмөнлар.....	96
Ҳимоя.....	104

## КҮНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

Тоға.....	117
-----------	-----

*Адабий-бадиий нашр*

**Хусан ЭРМАТОВ**

## **ОВОРА**

*Мұхаррір Б. Эгамқұлов*

*Техник мұхаррір Ш. Сайдалиев*

*Мусақхұж Д. Хайдарова*

*Мүқовада Исфандиёр Ҳайдаровнинг "Бахмалда ойдин тун" асаридан фойдаланилди*

**“Noshirlik yog'dusі”** нашриёти

Лицензия: АI №122. 2008 йил 12 ноября берилган.

Босмахонага берилди 16.03.2015 й. Босишга рухсат этилди 23.03.2015 й. Бичими 60x84/16. Шартли босма тобоғи 8,0 б.т. Нашр тобоғи 8,6 б.т. Адади 1000 дона. Офсет көгозига оғсет усулида чоп этилди.

Буюртма № 21.

Баҳоси шартнома асосида

**“Hilol Media” МЧЖ матбаа бұлымида чоп этилди.**

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Шараф ва Тұқымачи құчалари кесишуви.



**Хусан Эрнатов 1969 йилда Бахмал туманинин Ўрай  
қишлоғида туғилған. ТошДУ (хозирги Ўзбекистон Миллий  
университети)нин журналистика факультетинде туғаптаган.  
“Миллат байроғи” (2008й.), “Нобель мукофоти  
совиндорлари” (2011й.) китоблари нашир этилған.**

**2000 йилда “Шұхрат” мәдени тақдирлігінде  
Хозирда Тошкент шаҳар ҳакимлигидә ишлайди.**

**“Noshirlik yog'dusi”**

ISBN 978-9943-310-70-4

9 789943 310704 >